


372/2\*

**ГУЛИСТОН**  
2  
1972

Эт  
№





# МАРДЛИК МАКТАБИ

**С**овет Қуроли Кучларининг тарихи халққа сидқидилдан хизмат қилишининг ёрқин тимсолидир. Қўшинларимиз граждандар уруши ва чет эл интервенцияси давридаёқ Ватанимиз тарихида қаҳрамонлик саҳифаларини очдилар. Шундан сўнг тинч қурилиш йилларида совет жангчилари социалистик Ватанимиз душманларига қарши кураш олиб бордилар. 1938-39 йилларда Хасан кули ва Халхин-Гол дарёси яқинида япон милитаристларининг хуружларини бартараф этдик. 1939-40 йилларда оқ финларга қарши курашиб, Ғарбий Украина ва Ғарбий Белоруссиядаги қардошларимизни зулм исканжасидан озод қилдик. Улуғ Ватан уруши даврида эса Совет Армияси мислсиз баҳодирлик намунасини намойиш этди.

1418 кеча-кундуз ҳаёт-мамонт кураши давом этди. Ана шу машаққатли кунларда халқимизнинг мардлиги, фидойилиги, Ватанга, Коммунистик партияга, коммунизм ғояларига содиқлиги ёрқин намоён бўлди. Совет халқи ва унинг қудратли Қуроли Кучлари беқийс мардлик кўрсатиб, инсониятни фашизм вабосидан сақлаб қолди. Рейхстаг устига музоффар ол байроқ тикиб, фашистлар Германиясини тиз чўктирган кунни авлодлар сира унутмайдилар.

Ер юзидаги биринчи социалистик давлатга қарши ёвуз урушини бутун жаҳон империалистлари тайёрлаган эди. Улар қурол кучи билан озодликни, ҳурликни бўғмоқчи, ер юзиде қулликни тикламоқчи бўлдилар. Бу қора ниётни амалга оширмоқчи бўлган немис фашизми АҚШ, Англия ва Франция империалистларига ҳам таянар эди. Жаҳон империализми немис фашизининг қудратини ошириш учун имкони борича ёрдам берди. Шу сабабдан Гитлер Рейн зонасига бостириб кирди, Испанияда интервенция бошлади, Австрияни босиб олди... Иккиозламачи империалистлар Чехословакияни фашистлар чангалига топширдилар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати халқаро аҳволни ҳисобга олиб, мамлакатимизнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга киришдилар. Саноат корхоналари қайта қурилди, қуроли кучларимизни замонавий қурол-аслаҳа билан таъминладик.

Гитлерчилар вақтинчалик ғалабаларидан фойдаланиб, Германия иқтисодини фақат ҳарбий мақсадларга бўйсундирган эдилар. Ғарбдаги ҳарбий талончилик тажрибаларига суяниб, улар СССР чегаралари яқинидаги қўшинларининг сонини оширдилар, уларни тиш-тирноғигача қуроллантирдилар. Бутун Ғарбий Европанинг барча иқтисодий ва ҳарбий ресурслари фашистлар тасарруфига эди. Шу сабабдан душман мамлакатимиз аҳолисининг 45, ишлаб чиқариш марказларининг 33, экин майдонларининг 48, темир йўлларнинг 55 проценти жойлашган территорияни вақтинча босиб олишга муваффақ бўлди. Фашист газандалари Москва ва Ленинград остоналарига етиб келдилар.

Партияимиз Марказий Комитети ва Совет ҳукумати душманга қақшатқич зарба бериш режасини ишлаб чиқди. Мамлакат ягона мустаҳкам ҳарбий қароргоҳга айлантирилди. Бутун куч фронтга сафарбар этилди.

Совет жангчилари мислсиз қаҳрамонлик ва матонат кўрсатдилар. Смоленск бўсағаларида қизгин жанг кетаётган бир пайтда ҳам душман босиб ётган территориядаги Брест қалъасининг И. Зубачев, Е. Фомин ва П. Гав-

рилов каби коммунистлар бошчилигидаги кичик гарнизони ёвининг узлуқсиз ҳужумларини ҳамон қаҳрамонларча қайтариб турарди. «Ҳалок бўлялман, лекин ёвга таслим бўлмайман. Алвидо, Ватан!» Қапча деворига ёзилган бу оташин сўзларда совет ватанпарварлигининг буюк қудрати ифода этилган.

Жангчиларимиз Киев, Ленинград, Одесса ва Севастополь шаҳарларини мудофаа қилишда беқийс жасорат ва матонат намуналарини намойиш этдилар.

Қўшинларимизнинг мардлик ва жасорати, кун сайин ўсиб борган ҳарбий маҳорати, партизанларимизнинг душман орқасидаги қаҳрамонона кураши гитлерчиларнинг режаларини барбод этди.

Улуғ Ватан урушининг дастлабки даврида Москва остоналаридаги тарихий жанг ҳал қилувчи воқеа бўлди. Бу ерда бизнинг қўшинларимиз душманнинг асосий кучлари билан тўқнашдилар. «Россия беповён, вилмо чекинадиган жой йўқ, чунки ортимизда Москва», Сийсый раҳбар В. Ключковнинг бу сўзлари пойтахт бўсағаларида курашаётган барча жангчиларимизнинг муқаддас шиорига айланиб қолди.

Совет қўшинлари оғир мудофаа жангларида немис-фашист армиясини ҳолдан тойдириб, 1941 йилнинг декабрида шиддатли ҳужумдан кейин уларни Москва бўсағаларида тор-мор келтирдилар.

Қўшинларимизнинг бу ғалабаси ғоят зўр ҳарбий-сийсий аҳамият касб этди. Иккинчи жаҳон уруши бошлангандан буён немис-фашист армияси илк бор катта мағлубиятга учради. Гитлер қўшинларининг өнгилмаслиги тўғрисидаги афсона чиппакача чиқди, уларнинг «яшин телигидаги уруш» режалари барбод бўлди. Москва остоналарида қозонилган ғалаба совет кишилари ва қўшинларининг жанговар руҳини янада юксалтирди, фашистлар Германиясини тор-мор этилиши муқаррарлигига қомил ишонч туғдирди. Совет Армияси муваффақиятлари туфайли умумий душманга қарши иттифоқ мустаҳкамланди, Европа мамлакатларида босқинчиларга қаршилиш кўрсатиш ҳаракати авж олди.

Олти ярим ой давом этган буюк Сталинград жанги 1943 йилнинг февралда 330 минг нафардан иборат фашист армиясининг тор-мор келтирилиши билан аяқланди. Иккинчи жаҳон урушида энг йирик воқеа бўлган Волга бўйида қозонилган ғалаба урушининг боришида кескин бурилиш бўлди.

Немис-фашист армияси 1943 йилнинг ёзда Курск жангига қақшатқич зарбага учради. Фашистлар Германиясининг стратегик ташаббусини қўлга олиш учун охириги уриниши батамом барбод бўлди. Курскдаги ғалабамиз ва Днепрга ёриб чиқишимиз натижасида бу ташаббус тўла-тўқис совет қўшинлари қўлига ўтди.

Бизнинг армияимиз қарийб икки минг километр масофага чўзилган фронт бўйлаб кучли ҳужум бошлаб юборди. 1944 йили Ленинград остоналарида, Белоруссия, Украина, Крым ва бошқа жойларда берган қақшатқич зарбаларимиз натижасида СССРнинг 1941 йилдаги чегаралари тикланди. Уруш ҳаракатлари Ватанимиз тупроғидан ташқарига, жумладан, Германия территориясига кўчди.

Совет Армияси ўз интернационал бурчини охиригача адо этди. Совет Қуроли Кучлари 1945 йилда йирик ҳужум операциялари ўтказиб, гитлерчилар армиясини тор-мор келтирди. 1945 йилнинг 8 майи кунини герман



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

**ГУЛИСТОН**

Ўзбекистон  
Компартияси  
Марказий  
Комитетининг  
журнали

ГБ УзССР  
Ж

№ 2 (62) 1972  
Февраль

1975 йилдан  
чиқа бошлаган

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёт

қўмондонлигининг вакиллари узил-кесил таслим бўлиш тўғрисидаги ҳужжатга имзо чекдилар.

Совет Армияси япон милитаристларига қарши жангларда ҳам бекиёс жасорат кўрсатди. Узининг иттифоқдошлик бурчиغا оғишмай амал қилган қўшинларимиз Узоқ Шарқдаги машаққатли жанг майдонлари шариотларида 1945 йилнинг августда япон қуролли кучларига қақшатқич зарба берди. Миллион нафардан ортиқ Квантун армияси қаршилик қўрсатишни тўхта-тиб, асир тушди. 1945 йилнинг 2 сентябрыда Япония узил-кесил таслим бў-лиш ҳақидаги ҳужжатга имзо чекди.

Совет халқи олашмуул-тарихий буюк ғалабага эришди. Халқимиз ва қўшинларимиз Октябрь самараларини, унинг илғор ижтимоий ва давлат ту-зумини сақлаб қолди. Бизнинг ғалабамиз дунёда капитал асоратидан қутул-ган халқни енга оладиган ҳеч бир куч йўқ эканлигини очик-ойдин на-моён этди. Бу ғалаба умумбашариятнинг истиқболига кучли таъсир кўр-сапти.

Совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги зафари — ижтимоий ва давлат тузумининг, давлатимиз ҳарбий қудратининг, социалистик жамиятимиз моддий ва маънавий кучлари устулгининг қонуний самарасидир.

Кўп миллатли Ватанимизнинг барча халқлари герман фашизмининг тор-мор келтиришда муносиб ҳисса қўшдилар.

Совет Армиясини уруш йилларида кўпдан-кўп турдаги жанговар қурол-ярроғ билан таъминлаган қудратли аслаҳоналардан бири Совет Ўзбекистони бўлди. Республика меҳнаткашлари фронтга кўплаб самолётлар, авиамотор-лар, снарядлар, мина ва авиабомбалар, миллион тонналаб пахта ва дон етказиб бердилар.

Коммунистик партияимиз раҳнамолик қилган Қуролли Кучларимизнинг енгилмас қудрати Улуғ Ватан урушидаги ғалабамизни таъминлади. Урушнинг дастлабки йилда миллионга яқин коммунист ва партияимиз Марказий Ко-митети аъзоларининг қарийб учдан бир қисми армия сафига сафарбар этилди. Йўқотишларга қарамастан Қуролли Кучларимиз партия ташкилотлари уруш йиллари мобайнида беш баробар ўсди. 1945 йилнинг бошларига келиб армия ва флотимизда бутун партияимиз составининг қарийб 60 процент аъзо-лари хизмат қилмоқда эди. Коммунистлар жанговар сафларимизни мустақ-камлаб Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги учун бўлган курашининг олдинги қаторларида бордилар.

Коммунистик партияимиз И. Баграмян, С. Бирюзов, С. Будённый, А. Ва-сильевский, Н. Ватулин, Н. Воронов, К. Ворошилов, Л. Говоров, А. Гречко, А. Еременко, Г. Жуков, М. Захаров, И. Конев, Р. Малиновский, К. Мерец-ков, К. Москаленко, К. Рокоссовский, В. Соколовский, С. Тимошенко, Д. Тол-бухин, И. Черняховский, В. Чуйков, Б. Шапошников ва кўпгина бошқа саркар-даларни воёга етказиб, раҳбар лавозимларига кўтарди.

Урушлар тарихида Совет Армияси Улуғ Ватан уруши майдонларида кўрсатганчалик олмавий қаҳрамонлик намуналари учраган эмас. Кўп миллат-ли мамлакатимиз барча халқларининг вакиллари Совет Иттифоқи Қаҳрамони фахрий унвонига сазовор бўдилар. Бундай юксак унвон олганлардан 69 таси ўзбек жангчиларидир.

Улуғ Ватан урушининг жанговар солномасига Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округининг жангчилари талай шонли саҳифалар ёздилар. Округ до-расида тошиқ топган қўшилма ва қисмлар Волга ва Днепрда, Курск осто-

налари ва Кавказда, Висла ва Одерда бўлган барча муҳим жангларда, Ке-нинсберг ва Берлини ишғол қилиш учун олиб борилган ҳужумларда қизгин иштирок этдилар.

Қизил Байроқли 69-ўқчи дивизия жангчилари мардлик ва жасорат на-муналарини кўрсатдилар. Бу шонли дивизия сафларидан 70 Совет Иттифо-қи Қаҳрамони етишиб чиқди. Ўзбек халқининг содиқ фарзанди генерал-майор Собир Раҳимов қўмондонлик қилган дивизия жанг майдонларида шон-шўҳ-р қозонди.

Улуғ Ватан уруши майдонларидаги мислсиз мардлик ва жасоратлари учун округимизнинг 800 дан ортиқ жангчиси Совет Иттифоқи Қаҳрамони ун-вони билан тақдирланди.

Совет халқи ва шавкатли Қуролли Кучларимизнинг тарихий ғалабаси, уларнинг сабот-матонати, Коммунистик партияимиз, Совет ҳукуматимиз, Ва-танимизга чексиз садоқати ҳозирги урушқоқ империалист таъовузкорларнинг шум нишларини амалга оширишларига йўл бермайдиган енгилмас кучдир.

Совет Қуролли Кучлари бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам қудратлидир. Коммунистик партияимиз ва Совет ҳукуматимиз армияимизни мустаҳкамлар эканлар, ҳозирги мураккаб халқаро вазиятни ҳамisha назарда тутидилар.

Халқ ҳўжаллигида эришилган муваффақиятлар, фан-техниканинг равнақи туғайли Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг моддий-техника ҳамда ижтимоий-сиёсий базаси йил сайн узлуқсиз мустаҳкамланиб бормоқда. Уларни техника билан қуроллантиришда кескин ўзгаришлар юз берди. Ҳарбий-техника революцияси Қуролли Кучларининг барча тармоқларида ва ҳамма қўшин турларида туб ўзгаришларга олиб келди.

Қуролли Кучларимизнинг шахсий составида ҳам шундай ажойиб ўзга-ришлар содир бўлдики, натижада халқимизга, партияимизга, Ватанимизга че-ксиз садоқат руҳида тарбияланган ватанпарвар интернационалчи, янги тилдаги граждн жангчи воёга етди. Бугунги кунда бизнинг Қуролли Кучларимиз сиёсий жиҳатдан баркамол, ҳарбий-техника сирларини мукаммал ўзлаштирган командир кадрларга эгадир. Коммунистлар ва комсомоллар армия ҳамда флотимизнинг мустаҳкам ўзаги бўлиб келдилар ва шундай бўлиб қолади-лар. Бу илҳомбахш куч шахсий составининг 80 процентдан ошққ қисмини ташкил этди.

Варшава шартномаси қатнашчилари бўлган социалистик мамлакатлар ар-миялари билан қардошларча ҳамкорлик заминида Қуролли Кучларимизнинг қудрати тобора ўсиб, тараққий қилмоқда.

Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари Ватанимиз жану-бий чегараларининг сергак посбонларидир. Округимизнинг шахсий состави, командирлари, сиёсий органлари, партия ҳамда комсомол ташкилотлари хушёрликини ошириш, жанговар тайёргарликини янада кучайтириш, жангчи-ларимизни Ленин васиятларига садоқат руҳида, ватанпарварлик ва пролетар интернационализи руҳида тарбиялаш учун астойдил курашмоқдалар. Қисиларда аълочилар, моҳир мутахассислар, илғор бўлинмалар сонлари кун сайн ошиб бормоқда. Округимизнинг жангчилари доҳийми В. И. Ленин-нинг социалистик Ватанимизни кўз қорачиғидай қўриқлаш ҳақидаги васияти-га бундан буён ҳам садоқат билан амал қилдилар. Биз халқимиз ва дав-латимизнинг Ватанимиз чегараларини дахлсиз сақлаш ҳақидаги ҳар қандай буйруғини оғишмай адо этишга ҳамisha тайёризим.

# КАСБ ШАРОФАТИ

1942 йил, Ҳарбий Комиссарликка ўрта бўй, бо-дом қоқоқ, қотмагина бир йигит кириб келди. Юпунгина кийинган йигитнинг қўлида тугунча. Қўзларида шиддат акс этиб турар эди. Эндигина ўн саккизга кирган Яхшимурод Айданиёзов шу куни ҳарбий хизматга жўнади.

Яхшимурод Саратов шаҳрида ой чикли таъ-лим машқларидан сўнг Белоруссия ўрмонлари-да жанга кирди. Жанглар узлуқсиз давом этар, қўшинларимиз душманга омон бермас эди. Бир куни тонга яқин отишмалар тиниб, ўрмонга ва-ҳимали жимлик чўкди. Салдан кейин кўжда само-лётлар пайдо бўлди. Шодлигидан Яхшимуроднинг кўзлари қақнаб кетди. Энидаги ҳамроҳларидан бири:

— Ана, самолётлар! — деб юборди.

— Ҳа, энди душманми... — Яхшимурод гапни тугата олмади. Ҳаводан симоб рангли ғўлачалар ғўла бошлаган эди. Ғўлачалардан бири ёни-насига келиб тушди. Яхшимуроднинг кўз ўнгига ҳамма ёқ остин-устин бўлиб кетди. Атроф қоп-қоронги, димоққа урилган аччиқ ҳиддан кўнгли беҳузур бўлар эди. Яхшимурод жон ҳолатда ўзи-ни четга отди. Кейин нималар бўлганини бил-майди. Қўлоқлари шанқилар, кўзлари тиниб, аъ-зойи бадани кучли оғриқдан ларзага келар эди. Кимдир уни қўлигидан олиб тургазди. Яхшиму-род кўзларини очдию чап қўлидан сизиб оқабт-ган қонни кўриб яна ҳўшдан кетди. Узига кел-ганда қўл-оёғи оқ доқа билан танилган, госпи-

талда ётар эди. Чап оёғи билан чап қўли яралан-ган Яхшимурод госпиталда беш ойча довлангач, соғайиб яна сафга қайтди. Уни алоқачилар мак-табига ўқишга юборишди. Яхшимурод беш ойда алоқачи деган ҳўжжати олиб, яна ўз қисмига келди.

Бир куни қаттиқ жангда дов-дарахт, ҳатто ту-рок ва телефон симларигача куйиб кетди. Яхши-мурод хизмат қилаётган қисм шу куни қайта жанга кириши керак эди.

Қаҳратон киш, ҳамма ёқ оппоқ қор. Қоронғи тушиб келар, изгирин шамол чийиллар, ўрмон зимиёб эди. Яхшимурод Рафиқ ва Володя деган дўстлари билан ўрмон ичига — алоқа узилган ерга кетмоқда эди. Портлаш натижасида теле-фон сими узилиб кетган экан. Яхшимурод дўст-ларини сим узилган жойда қолдириб, ўзи айна илгарилар кетди. Чўни — эриб, лойга қоришиб кетган симларни тартибга солиш жуда мушкул эди.

Яхшимурод совуқдан қалт-қалт титрар, тиши тизига тегмас эди. Кайтадан алоқа ўрнатиш учун янги сим керак. Қаердан олас экан! Орқага қай-тишининг иложи йўқ. Олдинда эса ёв. Лекин жан-говар топширқ баҳарилчиши шарт. Яхшимурод эмалаб, қор-балчиққа беланиб, олд томонга сиксий бошлади. Мўлжалланган жойга етгач, бир лаҳза нафасини ростлади-да, душманнинг алоқа симидан ўзига керагини қирқиб олди. Яна қўлай пайтни пойлаб, эмалаганича изига қайтди. Энди

у совуқ ва чарқоқни унутган, тезроқ ишни битка-зиб, қисмга хабар беришигина ўйлар эди. Ни-ҳоят симларни улади. Сўнгра қисмига йўл олди. Йўлда уни Рафиқ билан Володя кутиб ўтирарди.

— Қалайсизлар! — деб сўради шошиб Яхши-мурод.

— Душман ўқ узавериб, қўзғалишининг иложи бўлмади.

— Кетдик, алоқани тикладим. Шу кунийёқ қисм ҳўжмага ўтди. Саросимада қолган душман кўп қурбон берди ва бир неча қақирми нарига улоқтириб ташланди. Кўрсатган жасорати учун Яхшимурод Айданиёзов Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланди.

\* \* \*

1945 йилнинг баҳорида Яхшимурод туғилиб ўс-ган ерига қайтиб, Кегайли райони алоқа бўлими-да ишлаш бошлади. Монёрлар етишмас, кўп оғир хизматларни Яхшимуроднинг бир ўзи ба-жаришга тўғри келар эди. У янги симбўзлар ўр-натар, сим тортар, телефон туширар эди.

Бир воқеа ҳали-ҳали эсида. Қор қалин ёққан эди. Кечкурун қаттиқ изгирин турди. Ярим кеча-да даҳшатли бўрон кўтарилди. Райкомдан алоқа узилганини хабар қилишди. Яхшимурод отга ми-ниб, Қизкетган каналига етиб келганда, қирқка яқин симбўз қулаб ётганини кўрди. Яхшимурод-нинг юзани, кўзларини совуқ чимчилар, бўрон отни учириб кетмоқчидек увиллар эди. Яхшиму-род отдан тушиб чўвалиб қолган симларни бир-бирдан экратади. Узилган жойларни улади. Тон-га яқин район билан шаҳар ўртасида алоқа тик-ланди.

Йиллар шундай тинимсиз меҳнатда ўтди. Пар-тияимиз, ҳукуматимиз оддий иши, эл ишига фи-дий Яхшимурод Айданиёзовнинг хизматларини муносиб тақдирлади. Унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди.

— Бу — касбининг шарофати, — деди Ях-шимурод хушхабарни эшитганида. У ҳамон йўлда, ҳамон эл-юрт хизматида, унинг умри сақолира.

Утман ҲАКИМАЛИЕВ

# Буюк ишлар, буюк орзулар даври

«Гулистон»нинг муқовасидаги дўстим Самий Абдуллаев иккаламизнинг суратимизга қараб ҳаёлигимиздан нелар кечганини жуда ҳам билгимиз келади, муҳтарам журналхон. Бироқ барчаларингиз билан учрашиб, сўхбатлашининг иложи йўқ. Шундай бўлса-да, баъзи фикрларингизни таҳминан биламиз. Бунга асосимиз бор. Гап шундаки, биз энг аввало, навқирон журналхонларни назарда тутмоқдамиз. Бир вақтлар биз ҳам ёш бўлганми. Ушанда биз ҳам қахрамонларнинг газета-журналлардаги суратларига ҳавас билан тикилардик. Бундай ҳавас илк марта Арктика музликларида целоскинчиларни кутқарган учувчилар жа-соратини ашитганимизда уйғонган. Ушанда газе-таларда дастлабки Совет Иттифоқи Қахрамонла-ри — А. Ляпидевский, Н. Каманин, С. Леванев-ский, М. Водольновларнинг суратлари босилиб чиққан эди. Бу одамлар бизга бўлакча, бошқа-ларга ўхшамайдигандек, уларнинг жа-сорати эса гаройиб, оддий одамларнинг кўлидан келмайдиган-дек туюларди. У кезларда Самий иккаламиз қачондир биз ҳам Олтин Юлдуз билан тақдирла-нишимиз мумкинлигини ҳаёлимизга ҳам келтир-маган эдик.

Кўп вақт ўтмай Ватанимиз бошига машаққатли кунлар тушди. Ҳарбий либос кийиб, жангга от-ландик. Абдуллаев сапёрлик қилди. Мен эса раз-ведкачилар сафига қўшилдим. Жангчиларнинг бир ҳикмати гапи бор: «Сапёр ҳаётида фақат бир мартагина янгилашди». Бу ҳақ гап. Сапёр ик-кинчи тагога йўл қўйишга улгурмайди, чунки у биринчи дафъа янгилашганидаёқ ҳалок бўлади. Кимки уруш кўрган бўлса, сапёрнинг иши нақад-р хатарли эканини тасаввур эта олади. Шундай бир маззаарани кўз олдингизга келтиринг. Зим-зиё тун. Шаррос ёмғир қуйиб турибди. Ер қаърига эса сон-саноқсиз миналар қўйилган. Минанинг юзига чиқиб турган ингичка симини кечаси у ёқ-да турсин, кундузи ҳам илгаш маҳол. Баъзи ми-наларнинг сими ҳам бўлмайди. Оёқ тегса бас, портлаётди! Қоронғи кечада бундай миналарни из-лаб топши нечоғли мушкуллигини тасаввур қи-либ кўринг!

Самий Абдуллаев шундай кезларда юзлаб ми-нани зарарсизлантириб, жангчиларимизга йўл оч-ди. Куролдош дўстларининг ҳаётини сақлаб қо-лиш учун фидокорона жонбозлик кўрсатди. Ёш дўстлар, унинг мардона ва очик хечрасига яна бир бор боқинг! Абдуллаевга ҳурмат бажо кел-тиринг! Балки, у минадан тозаланган хатарсиз сў-жуддан отаниш, ёки бобонгиз соғ-омон ўтгандир. Абдуллаев туйфайли жангҳоқлардан эсон қайтган-дир...

Балки, баъзи ёшлар бизнинг кўксимиздаги юл-дузларга боқиб, энди қахрамонлик кўрсатишининг имкони йўқ, қахрамонлик кўрсатадиган даврлар ўтиб кетди, деб ўйлашар. Йўқ, кимки шундай деб ўйласа хато қилади. Ҳар бир даврда улкан иш-лар содир бўлади. Ҳар бир даврнинг ўзи қаҳра-монлари тугилади. Бир пайтлар биз целоскинчи-ларни кутқарган учувчиларга ҳавас қилган эдик, вақти келиб бизнинг тенгқурларимиз орасидан

минглаб қахрамонлар етишиб чиқди. Авлодимиз жа-сорати тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битилди. Лекин қахрамонлар фақат жанг-ҳоқлардагина тугилмайди. Эндиликда ўнлаб, юз-лаб пахтакор йигит-қизларимиз кўксини «Уроқ ва болға» Олтин Юлдузи беэмоқда. Партиямиз XXIV съезди белгилаб берган улкан режалар халқимизни меҳнат фронтда янги-янги зафар-ларга, қахрамонликларга даъват этмоқда. Ер юзи-даги бошқа бирон-бир мамлакатда бундай имко-ниятлар йўқ. Бунга ишончим коммунистларнинг са-баби шундаки, мен жаҳоннинг ярмини кезиб чиқ-қанман. Шу йилнинг ўзиданоқ Италия, Дания, Франция, Испания, Туркия халқларининг қай аҳ-волда кун кечираётганликларини ўз кўзим билан кўриб қайтдим. Бизнинг мамлакатимиздагина одам-лар ўз давлатининг ҳақиқий хўжайини ҳисобла-нади. Биз келажакка ишонч билан боқамиз, ҳеч кимга бош эгмай мағрур яшаймиз. Ишсизлик ба-лоси юрагимизга гулгула солмайди. Илдан-йилга турмушимиз фаровонлашмоқда. Буларнинг ҳам-масини биз сизларга мерос қилиб қолдирамиз, навқирон дўстлар!

Энди, тенгқурларим, сизларга бир-икки оғиз гап айтмоқчиман.

## Ёзувчининг кўнгли дафтарида

Суратимизга қараб ўзингизни, куролдош дў-стларингизни, бақамти яшаётган ота-онангизу қаҳ-рамонларча ҳалок бўлган ёр-биродарларингизни эслайсиз. Сиз билан бизнинг кўксимизни бозаб турган ҳар бир муқодот катта ва ниҳоятда муш-кул ишларни бажариш заазига келганлигини ях-ши биласиз. Эҳтимол, бирингиз тангда мустаҳкам кўприкдан ўтиб, ёни яқсон этгандирсиз. Уша пайтда биз фақат ёни янчишинингга ўйлаган эдик. Хаёл суриб ўтиришга, ҳавфни ўйлашга вақтимиз ҳам бўлмаган. Мана энди билиб қўйиш фурсати етди. Уша кўприклар сиз билан биз қа-дам қўйган эҳлатимиз портлаб, қўкча учмиш, юз-лаб жангчилар ҳалок бўлиши аниқ эди. Қанча-дан-қанча талафот кўрган бўлар эдик. Йўқ, бун-дай фожиа содир бўлмади: сержант Самий Аб-дуллаев кўприк остидаги миналарни ўз вақтида пайқаб олди. Сиз ажал пусиб ётган кўприк сари елиб борардингиз, жасур сапёр эса ҳаётингизни кўриқлаб, кўприк остида яширинган душман кў-риқчиларини автоматдан ер тишлатган, ёнаётган пиликни топиб шартта узиб ташлаган эди. Фа-локатнинг олди олинган эди. Сиз эса кўприкдан эсон-омон ўтиб кетдингиз. Худди шу пайтда сиз-нинг ҳаётингизни сақлаб қолган, кўлга киритил-ган галабага катта улуш қўшган қаҳрамон қонга беланиб ётарди. Бу қаҳрамон — юртдошимиз Са-мий Абдуллаев эди.



Бундан йигирма етти йил муқаддам, 1944 йили Самий иковимиз даволашиш учун қайтаётгани-мизда Тошкентда учрашиб қолдик. Бизнинг суратла-римиз газета-журналларда босилди. Улардан би-рини — оналаримиз билан тушган суратимизни яхши эслайман. Оналаримиз нечоғли шод эди уша лаҳзада. Уларнинг шодлиқларига бошқа она-лар ҳам шерик бўлишган. Қувонимасинми, ахир, фарзандлар ёни янчиб соғ-омон қайтиш-моқда!

Аммо кўпгина оналар ҳамон кўз ёш тўқади-лар. Улар Ватан учун жонини фидо қилган жи-гаргўшалари доғида ҳамон ўртанадилар. Жабр-дийда, мушфиқ оналар, йиғламанг! Фарзандла-рингиз беҳуда қурбон бўлгани йўқ. Улар Ватан дея, эрк дея, хурлик дея ҳалок бўлдилар. Биз бирга жанг қилганми, фарзандларингизнинг мардлигига, баҳодирлигига фидойилигига шўхид-миз. Сизларга таскин-тасалли бериш мушкул, азиз ота-оналар! Биз фарзандларингиз хотирасини ҳамиша қалбимизда сақлаймиз. Улар қўвнинг чарогон нур сочини учун, боғларнинг гулга бур-каниши учун, завод-фабрикаларнинг юксалиши учун, болаларимизнинг илм-маърифатли бўлиб униб-ўсиши учун жанг олиб бордилар. Улар дўшмани хонадонимизга яқин йўлатмадилар. Юртимизни оёқ ости этмоқчи бўлган фашистлар ўқига кўрақларини қалқон қилдилар. Уларнинг порлоқ хотираси мангу сўнмасдир!

Уруш тугагач, биз яна ўқиш-ўрганишга кириш-дик. Оғир меҳнат синовиндан ўтдик. Ўтган чорак аср мобайнида дўстим Самий иккаламиз ҳам озим-кўпми ижодий ютуқларга эришдик. Энди-ликда у таникли мўйқалам соҳиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби деган шарафли унвон эгаси. Довворак жангчи бугунги кунда осои-шга хизматда. Самий Абдуллаев — Ўзбекистон Санъат музейининг директори вазифасида ишла-моқда. Мен эса китоблар ёзмоқдаман. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг В. И. Ленин 100 йиллиги муносабати билан тасъис этган муқофоти-нини олишга муяссар бўлдим.

Бу билан мен қилган ишларимизга яқун яса-моқчи эмасман. Йўқ, асло! Юқориди мен орзу ёшларга хос, деган эдим. Энди шу фикрга, орзу ҳақма ёшдаги кишиларга хос хусусият, деб қў-шимча қилмоқчиман. Ҳар бир кишининг ўз орзу-умиди бўлади. Бундай орзулар киши катта иш-ларга азм этганда тугилади. Партиямизнинг XXIV съезди ҳам бизга ана шундай улкан ишлар ре-жаларини тўзиб берди. Биз ана шу режаларни амалга оширмоғимиз лозим. Улуғ Ватан уруши йилларида буюк галабамизни оддий аскарлар таъминлаганидек, янги беш йилликнинг муваф-фақиятларини азим қурилишлар пахта ча-ноқларидан, машина-аслаҳамизга бугудой бо-шоқларидан яратамиз. Ҳаётимиз нақадар тотли ва порлоқ бўлмасин, биз фарзандла-римиз кўлга замонавий курол тутқазини ҳам унутмаймиз. Уларга: «Худшёр бўлинг, аждодлари-миз қони тўкилган муқаддас тупроғимизни ёмон кўзлардан асранг!», деймиз.

# ЯРАТИШ ЗАВҚИ



Энг ашаддий театр мухлиси ҳам машҳур спектаклларга, ҳал қилувчи футбол ўйинларига кирганчалик кўп томошабин кир-маслиги театр залининг стадионга нисбатан кичиклиги туфайли, дея олармикан? Йўқ, албатта! Бўлмаса, бунинг сабаби нимада? Менинча, ҳамма гал инсоннинг табиятида. Севган оперангиздаги ария ёки спектаклининг қанчалик гўзал ва чу-қур мазмунли бўлмасин, бари бир, қалб ва тафаккур кўз олдинда туғилаётган кураш таронасига, яратувчиллик завоқ-шавқига жуда ташна бўлади. Ана шундай сафобахш тарона футбол ўйинининг ҳар бир ҳаяжонли дақиқасида мавжуд. Эҳтимол, бу лаҳзанинг таъсир кучи бир кунлик кўшиқ умридан зиёд эмасдир. Лекин, кўпинча одамлар назар-писанд қилмайдиган бир латзалик ҳис-ҳаяжон асрлар давомида миллионлаб қалб-ларни ўзига жалб этган юксак бадиятнинг, олий гўзаллиқнинг тажассуми — классик асарларнинг яратилишига итидо бўлмаганим, ахир! Мана шу умри кеска тарона ҳам мангулик дахлдор эмасми? Негаки бутаронанинг оҳанги, авжи, завоқ мангулик занжирдаги бир ҳалқа — бизнинг кунларимизнинг гу-воҳидир. Агарда шу оддий бир они буюк саяҳаткор абадийлаштириб, унинг фалсафий моҳиятини идрок этса, у мазмуни неча-неча Кармен ария-лар, Алишер Навоий моногларни ёки Жюконда табассумининг замани бўлиб қолиши мумкин.

Оммавий ўйин ҳақидаги бу мулоҳазани сира иккиланмай меҳнатга ҳам татбиқ этиш мумкин. Негаки, меҳнат замирида имод завоқ, бунёдкорлик сурури мавжуд экан, бу — миллионлаб кишилар қалбини тўқинлантирувчи кўшиқнинг ўзидир!

Меҳнат қилаётган инсоннинг чеҳрасига разм солганмисиз? Агар уни четдан, ҳозирги таъбир билан айтганда, ҳуфия камера орқали кузатсангиз у сизга кўп нерсалар ҳақида сўзлаб бериши турган га.

...Тошкентдаги Ворошилов номили Қишлоқ ҳўжалик машинасозлик за-водининг механика-йигув чеҳи. Автомат-дастгоҳ олдида ишичи қиз кўз кири билан машина кесиб чиқараётган арим метрли нейча бўлакларига ло-кайд қараб турибди. Бу деталь пахта териш машинасининг қайси жойида иш-латилиши билан унинг нима иши бор? Мабодо дастгоҳ ишламай қолса, со-ловчини қақиради, тузатиб беради. Топширқиб баҳарлиб тургандан кейин яна нима керак? Қиз қўл соатининг милларига дам-бадам безовталиқ билан қараб қўяди.

— Яқин орада заводдан қочиб кетмаса эди, деб хавотирдаман... — диқ-қатмиани қизнинг хатти-ҳаракатларига қаратади бизни завод билан таниш-тириб юрган Любовь Андреевна Скворцова. Любовь Андреевна завод тех-ника таълими бўлимининг бошлиғи, директорнинг кадарлар бўйича ёрдамчи-си. — Уни Люда Великихга бериб қўйиш керак...

Бизга яқинда завод бўйича бўлиб ўтган ёш ишчилар конкурси ҳақида сўзлаб беришганида бу ниятнинг узогини кўзлаб айтилганлиги янада яққол сезилди.

Дастгоҳлар қошида нималар содир бўлганини кўрсангиз эди! Худди Москванинг «Динамо» командаси билан Ростовнинг Армиячилар клуби ко-мандаси ўртасида кубок учун финал мусобақаси ўтказилаётган пайтда ста-дион минбарларини тўлдириб ўтирган томошабинлар қалбини қандай зўр ҳаяжон қамраган бўлса, ишчилар мусобақасини кузатган кишилар ҳам шун-дай ҳаяжонда эдилар. Аксарият томошабинлар ёшига Людмила Вели-кихга хайрихоҳ эдилар. Унинг завоқ-шавқдан гул-гул ёниб, кўпчилик эти-боридан хижолат чеккан чеҳрасини кўрсангиз эди! У оддий атир ишчи-сини худди қимматбаҳо гавҳар каби авайлаб қўлига олар экан, ҳаяжондан вужудга титраб эди...

Бундай дақиқаларни инсон умр бўйи унутмайди! Яқиндагина «зерикар-

ли» туюлган завод бағрида қизгина шундай улкан туйғуни ҳис этди; унинг кўшиги авж пардада янгради!.. Шундай кўшиққина «яратиш ва яшаш-га» ёрдам беради. Энди Людмила заводни тарқ этишни ҳаёлига ҳам келтирмайди. Ҳозир у малака ошириш курсида таълим олмақда, ишлаб чиқариш экономикасига доир лекцияларга мунтазам қатнашмоқда. Энди у фақат аъло сифатли деталь тайёрлашга қатъий аҳд қилган. Чунки ишчининг мо-ҳир қўлларисиз, ҳар қандай машина ўлик матоҳ эканлигини Люда яхши ан-глаб олган.

Утган йил ўзбек халқи Ватанга армузон этган 4 миллион 510 минг тонна «оқ олтин»нинг қарийб 2 миллион тоннаси машиналарда терилди. Бу — Тош-кент машинасозлари меҳнатининг буюк самарасидир! Шу тариқа, Людмила Великих сингари ажойиб замондошларимизнинг ғайрат-шижоати сирдан қараганда жуда оддий, асл моҳиятига кўра эса, ҳеч муболағасиз, давлат аҳа-миятига эга бўлган ҳодисадир. Ким билади, эҳтимол, Людмила ҳам Мала-ҳат Ҳамидованинг ҳаёт йўлига ўхшаш йўлни босиб ўтар. Малаҳат Тошкент-га Бухоро воҳасининг узоқ қишлоғидан келган. У ўшанда ўнинчи синфни битирган эди. 1960 йилга келиб Педагогика институтининг IV курсида им-тихонлардан ўтди. Лекин мактабга ишга бормади...

— Нима ҳам бўлиб, «Ташсельмаш»га йўлим тушди. Фрезерчи дугонани-нинг ишини кузатиб бу касбини эгаллашга аҳд қилдим, — деб хотирлайди Малаҳат. — Ростини айтсам, мен ҳеч қачон металнинг одамга шу қадар мулойимлик билан бўйсуниниши ҳаёлимга ҳам келтирмаган эдим.

Ҳозир Малаҳат Ҳамидова тажрибали, тўртинчи разрядли фрезерчи-соз-ловчи, ўнлаб шоғирдлар етиштирган. Пединститут таълими бекор кетмади!

— Менинг «аълочиларим»га бугун майдон кенг, — дейди Малаҳат про-фессионал-техника билим юртини битириб келган шоғирдлари ҳақида гапи-раркан. — 30-йилларда стахановчилик ҳаракати бутун мамлакат бўйлаб қан-от ёлган эди. Албатта, у йиллар ҳақида мен ветеранларнинг ҳикоятларидан, китоблардан биламан... Гуё ишлаб чиқариш самарадорлигининг юксак пар-вози жаҳонни ҳайратлангирган даврлар орқада қолгандек туюлар эди. Лекин ҳозир техникасиз қандай даражада олға кетганлигини бир кўринг! Дастгоҳ-ларимиз ҳам уруш йиллари «Ростсельмаш», «Красний Аксай» завод-ларидан келтирилган дастгоҳлар эмас. Биз шундай даврда яшамоқда-мик, Ростовда ҳам, мамлакатимизнинг бошқа саноят марказларида ҳам шундай қудратли саноат юксалишига эришдикки, эндиликда, вақтинг ўзини «тарашлаш»га тўғри келмоқда. Ҳозирги пайтда масалани соатлар, ҳатто ми-нутлар ҳам эмас, балки дақиқаларнинг улуши ҳал этмоқда! Худди спортда Василий Алексеев ўз рекордини жаҳонга машҳур штангасида килограмма-килограмм янгилаб боргани сингари... Эҳтимол, дунёда ундан кучлироқ одамлар ҳам бордир. Лекин... менинча, ҳамма гап меҳнатни ташкил эта билишда, ижодий изланишда, ундан ташқари шубҳасиз — мусобақанинг жан-говарлик характерида. Спортдан мисол келтирганимга ҳайрон бўлманг! Мен бу одатни эҳтиросли спорт ишқибозлари — заводимиз йигитлари билан суҳ-батларда орттирганман, шундай тақдирда, уларнинг партия ва ҳукуматимиз социалистик мусобақа ҳамда иқтисодий таълим бўйича қабул қилган тари-хий қарорлари моҳиятини чуқурроқ англаб олишлари осон бўлади. Биз бу ҳўжатларнинг катта самаралар беришига қатъий ишонамиз!

Ана шу «биз» деган сўзда Малаҳат Ҳамидованинг бутун борлиги ақс этган. Илгор ишчи, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты, Саноат бўйича доимий комиссиянинг секретари Малаҳат Ҳамидова меҳнатдаги саф-дошларига таъсир кўрсатишининг энг мақбул усули — шахсий намуна эканли-гини теран англаб олган. Шу сабабдан ҳам республика бўйлаб Чкалов номи-даги Авиация заводининг ишчиси Альбина Девяткованинг «Беш йилкини тўрт йилда!» деган қақиринг янграганда Малаҳат цех технологлари, норма-ловчилар ва планчилари билан ҳамкорликда қизгин ишга киришиб кетди. Неча-неча кунларни туналрга улаб норма-соат (вақт бирлигига амалга оши-рилган иш ҳажми) ҳисоб-китоби устида бosh қотирди, иқтисодий самарадор-лик йўллари қидирди, натижада унинг беш йиллик топшириқчи ўз йилу тўққиз ойда бажаришга мўлжалланган аниқ иш режаси вужудга келди.

Лекин қарийб етти минг қилгандан иборат машинасозлар коллективини бу ҳаракатга қандай жалб этиш мумкин? Улар орасида дастгоҳ олдида зе-рикуб, иш соатларининг тезроқ туғашини интизорлик билан кутувчилар ҳам учраб қолади-ку! «Менга нима? Иш ҳажми жонини жабборга бериб ишлаёт-ганларникидан кам бўлмас!» Бари бир ишбай асосида ҳақ оламкан, раз-рядимни оширарканлар деб, бошимни қотириб нима қиламан! — шундай деб йўловчи йигитчалар нари борса 19—20 ёшга кирган. Уларнинг қалбини қандай ўйготиш мумкин? Ижодий изланиш, ҳаётнинг мазмуни, яшашдан мақ-сад нима эканлигини уларга қандай аниқлаш мумкин?

Завод мазмурияти малакасини энг камида учинчи разряд даражасига ет-казмаган ишчиларга ўн учинчи маош бермаслик принципини изчиллик бил-лан амалга ошира бошлади. Ана шунда ишбай асосида ишловчи кўп иш-чилар қимирлаб қолишди. Уларда ҳам конкурсларда голиб чиққан ишчи-ларнинг тажрибаларига қизиқиш пайдо бўлди: «Булар кам, ахир, бизга ўх-шаган одамлар-ку. Лекин ишларини қаранг! Цехда ўқтин-ўқтин «Чаққом» арақаларидеа номлари йирик-йирик ҳарфлар билан ёзилиб чиқди... Мухо-фотлар ҳам, дипломлар ҳам ўшаларга, духовий оркестр шулар шаънига қўй-чалди. Гуллар ҳам, қарсақлар ҳам шуларга... Ҳатто бадий ҳаваскорлик ту-гаранининг конференсьеси ҳам навбатдаги номерни эълон қилаётганда: «Бу қўшиқ фалончи фалончиларга бағишланади», деб алоҳида таъкидлайди... Иш ҳақи ҳам буларга касса орқали эмас, балки муҳр босилган махсус гувоҳ-нома билан тантанали суратда топширилади. Ҳўш, бизнинг қаремиз кам!»

Мана шундай фирқаларга берилиб ҳаёлга чўлган ишчи йўлаб ўйининг тағига етишга улгурмай, бошлқлардан биронтаси келиб тақлиф қилиб қо-лади: «Учинчи разряд олишни истасанг, курсга ёзишим мумкин». Дерҳақиқат, нега шундай қилиш мумкин эмас? Биринчи машғулот ўқиди, ик-кинчи... бешинчи машғулот ҳам ўтди. Қарабасан, сен сингирдан кетсан, таш-лаб юборилган бир парча металл қорхонага 10 сўмга тушганини англаб олсан. Оқибатда ўзинг ясаган деталнинг қадрига ета болайсан. Бир комплект фрезе 260 сўм туради! Энди ҳисоблаб кўравер. Қанчадан-қанча фрезалар сенинг айбинг билан қичқига чиқиб кетаётган экан!

Мана, ўнинчи машғулот ҳам ўтди. Энди сенинг кўз олдинда технологик жараёнинг бутун манзараси яққол равшан бўлиб қолди. Ававалари «Аъло сифат учун!» деган даъват сенга ҳеч қандай маъно аниқлатмас эди. Энди-чи? Бу даъват бошқача жарангайдиган бўлди. Ахир, сифатсиз тайёрланган бир-гина деталь шамолга совурилган пулнинг ўзингизми! Йўқ, бу — пахта йи-ғини-терими айна қизиган пайтда пахтазорнинг ўртасида ҳаракатсиз туриб қолган машина ҳам эмасми? Бу, энди юзларча сўм зинн демакдир!

Бир томондан сени қосомсоллар ҳам ҳоли-жонингга қўйишмайди: «Мана, имкон даражасидаги мажбуриятлар рўйхати ёзилган Синов дафтраси. Хоҳлаганингни танаб олиб, имзо чек... Умуман, сени Техника ижоди шта-

бимизда қутамиз. У ерда рационализация бўйича мавзулар рўйхати билан танишасан. Эҳтимол, миянга бирон янги фикр келиб қолар... Дарвоқе, Гена Ленченко билан суҳбатлашишиг ҳам мумкин. Чунки у ҳам ишни худди сенга ўхшаб бошлаган эди...

Геннадий Ленченко учун заводда «зерикарли» кун бўлган эмас. У 1960 йили ўрта мактабни битиргач, механика-йиғуа цехига келиб токарга шогирд тушган эди. Кўп ўтмай, ярим автомат-дастгоҳда моҳир токар бўлиб етишди. Аввал бир ихтирочилик таклифи киритди. Кейин иккинчи, учинчи таклифлар... Бу цех техника бюроси учун ажойиб топилдиқ эди! Бюро раҳбари Ефим Михайлович Сокирянский билан завод техника таълими бўлимининг бошлиғи Любовь Андреевна Скворцова йигитчага сазловчи технология иктисосини эгаллашда жон-дилдан ердан бердилар. Армияда хизмат бурчини ўтагач, Ленченко яна жонанжон цехига қайтиб келди. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда техникумини тугатди, рационализаторлик ва ихтирочилик бўйича катта инженер бўлиб етишди. Узи каби техника фидойилари билан биргаликда ишлаб чиқаришнинг технологик узелларини такомиллаштиришда қимматли ютуқларни қўлга киритди. Геннадий Афанасьевич Ленченконинг ҳозирги вазифаси — «рацорг» — рационализаторлик ташкилотчиси. У 1967 йилдан бери КПСС аъзоси.

Кўп вақтдан буён цехда шпинделларнинг роликларини пардозлаш иши ҳеч олға босмай келарди. Шпиндель — машинанинг пўлат қўллари. У билан пахта чаноклари тозаланади. Қўлланиб келинаётган ҳалқа-часпақ ва бошқа мосламалари тез-тез синиб турганлигидан бу жарафни амалга оширувчи ишчиларнинг қўллари ҳамisha қадок, дастгоҳлари бекор туриб қолар эди. Нима қилмоқ керак? Ахир, бош технолог бўлими қачон бирон нарса таклиф этаркан деб, қўл қовуштириб бўлмайди-ку? Сокирянский, Ленченко, Шмах, Злобин, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, цех мастери Мустақим Юсуповдан иборат рационализаторлар группаси ишчилар билан ҳамкорликда пардозлаш пайтида роликни мустақкам ушлаб турувчи махсус тасма ихтиро қилиб, ишлаб чиқаришга жорий этдилар. Натижада йилга тўрт минг сўмга яқин маблар тежаш имкони туғилди. Меҳнат унвондорлиги 25—30 процент орди, шпинделни қўшимча пардозлашга эҳтиёж қолмади.

Техникани жон-дилдан севган, ишлаб чиқаришда иқтисодий тежамкорлик завокни тотган ёшлар учун такомиллаштиришнинг қарами айқун. Улар ҳеч қачон зерикчи иммаларини билмайдилар, қачон қараманг, бирон янги мослама ёки таклифни синаб кўриш, ишлаб чиқаришга жорий қилиш пайтида куйиб-пишиб юрадилар. Асбосозлик цехининг пештоқига «Ёшларнинг зарбдор меҳнати ва изланиши — беш йилликка!» деган шиор олиб қўйилгани бежиз эмас-да, ахир!

Дарвоқе, изланаётганлар фақатгина ёшлар эмас. Цех мастери Фозил Солихўжаев заводда қирқ йилдан буён ишлайди. Уруш йилларида у ойлаб цех идорасида тунаб қолар, транспорт кўрасидан жангоҳларга миналар карвонининг тўхтовсиз жўнатилишини назорат қилар эди... Бугун эса конвейерлардан машиналар оқими узилмайди. Ҳозирги пайтда биргина Ўзбекистон пахта далаларида ўттиз минг Тошкент «зангори кемалари» жавлон урмоқда. Завод коллективи Октябрь революциясининг 54 йиллиги арафасида Ватанга юз мингичи пахта териш машинаси тайёрлаб берди!

Фозил ака ёшлардан назария масалаларида орта қолмаслик учун техникумини тугатди. Ёшлар эса бу ерда бири бирдан сара. Масалан, йўнувчи Борис Ефремовни олсак, ўз касбининг ҳақиқий профессори. Унинг оғир атлетикага қизиқиши ҳам кўп нарсдан далолат бериб турибди. Борис ҳамisha мусобақаларни иштиёқи билан қайнаб-тошади. Авиация заводининг пармаловчиси Альбина Девятовани шахсан танийди. У Альбина билан Ўзбекистон Компартиясининг съездида ҳам суҳбатлашган эди. (Дарвоқе, Б. Ефремов КПСС XXIV съезди делегати, Ўзбекистон Компартияси МК аъзолигига кандидат). Альбина Девятованинг «Беш йилликни тўрт йилда» деган қақирғига Малоҳат Ҳамидова «Беш йилликни уч йилга тўққиз ойда!» деб жавоб берган кунларда Б. Ефремов ҳам А. Абдураззоқов, М. Ғанихонов, И. Содиков ҳамда Б. Собировнинг «Беш йилликка — Комсомоллик сифат белгиси» шиори остида социалистик мусобақага қўшилган комсомол-ёшлар бригадаси аъзолари қатори ҳисоб-китобга киришди.

— Иқтисодий билимларни эгалламасдан ва техника тайёрларлигисиз ҳозирги мусобақада ғолиб чиқиш қийин, — деди Борис Владимирович. — Шу жиҳатдан партия ва ҳукуматимизнинг бу масалаларга доир машҳур қарорлари айни вақтида қабул қилинган қарорлардир. — У авторучкани ёзишга чоғлаб, бир варақ қозонни олдига тортиди. — Мана, қаранг... Базилар ҳали ҳам шундай деб ўйлайдилар: «Мен ишлаб чиқариш нормамни, масалан, ой сайини 140 процентдан бажариб келяпман, демак, бир йиллик ишлаб чиқариш топшириқларини саккиз ярим ойда бажараман (100×12:140 = 8,5 ой); беш йиллик режаларини эса уч ярим йилда бажараман (100×12×5:140×12 = 3,5 йил)». Лекин бундай ҳисоб-китобда энг асосий нарса — давлатнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш план топшириқлари эътибордан четда қолади! Ундан ташқари, вақт-вақтга ҳисобига кўра бажарилган кўрсаткич, айниқса тажриба-статистик ҳисоб бўйича ҳамisha ҳам ҳақиқий эришилган самарадорлик даражасига тўғри келвермайди. Шундай қилиб, Альбина Девятова ва унинг издошлари билан мусобақада муваффақият қозониш учун куйидаги ҳисоб-китоб юритиш мақбул. Айтайлик, ишчи беш йилликнинг биринчи йилда ишлаб чиқариш самарадорлигини саккиз процент ошириши керак. Топшириқни 140 процентдан бажарган тақдирда у эришган бир кеча-кундузлик ишлаб чиқариш самарадорлиги тахминан 10 норма-соатга тўғри келади. Демак, йил охирига Бориб, ишчи 10,8 норма-соат даражасига эришиши керак (10×108:100). Шунда бир ойлик ўсиш — 0,8:12 = 0,066, яъни салкам 0,07 процент бўлади. Бинобарин, январда ишчининг бир кеча-кундузлик ишлаб чиқариш самарадорлиги 10,07 норма-соат, февралда 10,14 норма-соат, мартда 10,21 норма-соат ва ҳоказо... Шу тақдирдагина декабрь ойига режалаштирилган 10,8 норма-соат амалга ошади. Бунда ойлик топшириқ мазкур рақамларни иш кунлари сонига қўпайтириш орқали келтириб чиқарилади. Масалан, январь ойида ишчи 211,5 норма-соат бажариши керак (10,07 рақамини 21 ишчи кунига қўпайтирамай).

— Чунки, мана шу ишчи беш йилликни тўрт йилда бажариш мажбуриятини олган дейлик. Ушанда у январь ойида қандай суръат билан ишлаши керак бўлади.

— Бунинг ҳисоби жуда оддий... 211,5 норма-соатни 125 рақамига қўпайтирамиз — ахир, ишчи олган бир йиллик ишлаб чиқариш топшириғи шундай қилганимиздагина беш йиллик планининг 20 процентини эмас, балки 25 процентини ташкил этеди-да! Жами ҳосил бўлган сонни 100 га тақсим қиламиз. Натижада 264 январь норма-соати келиб чиқади.

Борис Владимировичнинг ўзи ҳозирги пайтда янада қатъийроқ график бўйича ишламоқда. Унинг Альбина Девятова билан Малоҳат Ҳамидовага жавоби шундай: «Беш йилликни уч ярим йилда!»

Социалистик мусобақанинг тўққинчи барча цехлар бўйлаб суръат билан



Ворошилов номидаги Ёишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг катта мастери Фозил Солихўжаев, XXIV съезд делегати, йўнувчи Борис Ефремов ва слесарь Виктор Прудченконинг номларини коллективдагилар фахр билан тилга оладилар.



Бахтиёр Собиров бошчилиқ қилаётган комсомол-ёшлар бригадаси заводнинг пардозлаш цехида пешадамлик учун курашмоқда. Суратда: Б. Собиров ўз бригадасининг аъзолари М. Симонова (чапда) ва Л. Цицер билан.

Н. КЛЮЧНЕВ фотолари

ёйилди. Завод бош инженери Игорь Петрович Великийнинг айтишича, 48 ишлаб чиқариш бригадаси ва техника назорати бўлимининг 4 бригадаси синчилаб текширилган техник ва иқтисодий мажбуриятларни расмийлаштирилди. Цехларда «Сифат варақлари», «Чақмоқнинг ошиғчи сонлари мунтазам чиқарилимоқда. Содир бўлаётган камчиликлар «Комсомол проекториде» танқид қилинмоқда. Умумий иқтисодий таълим мактабларига ўқитувчилар тайёрлаш мақсадида 80 соатли программага асосланган инженер ва техник ҳодимларнинг малакасини ошириш курслари очилди, бош инженер раислигида завод-фабрика кенгаши ташкил этилди. Булар ҳаммаси заводнинг ҳар бир ишчиси қирқ соатли программа асосидаги мунтазам иқтисодий мактабларда билим олишлари учун амалга оширилмоқда. Иш ўринларини яхши жиҳозлаш, хом ашё, асбоб-ускуналарни тежаш, иш вақтидан унунли фойдаланиш каби масалаларга доир конкрет таклифларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ёш токарлар, фрезерчилар, слесарлар ўртасида ўтказилаётган турли конкурслар ҳали ҳам заводда «зекириб юрган» баъзи ёшларни мусобақага жалб этишда катта аҳамият касб этмоқда. Масалан, Ефремов ва Солихўжаевнинг шогирди, ҳозир эса моҳир асбобсоз-слесарь бўлиб етишган Виктор Прудченко оилайлик. У ҳам бир вақтлар мусобақадан четда эди. Энди-чи? Виктор анча мушкул бўлган конкурс шартларини ҳам ишонч ва удабурролик билан бажармоқда. Энди унинг зекиришга вақти йўқ! Чунки Виктор ўзининг нима-ларга қодир эканлигини синаб кўришга, ўз қўшинини қуйлашга астойдил ҳаракат қилмоқда. Ахир, ҳаётнинг нашъəsi, завқи ҳам ана шунда эмаски!

Республикамизнинг улкан корхонаси шундай қизгин ижодий ҳаёт оғушида яшамоқда ва нафас олмақда.

# ИРОДА

Очерк



луғ Ватан уруши йиллари... Ҳам-нинг бошида уруш ташвиши, ҳамнинг дилида душманга нафрат. Биз, болалар болаликка хос туйғу, ҳаяжон билан яшай-миз: «Менинг акам жўнаш пайти-да: «Сен учун ҳам ўн фашистни ўлдираман», деди. «Менинг да-дамдан хат келди, душмanning тўрт самолётини уриб туширибди». «Оринглар, военкоматга бо-рамиз, урушга кетаётганлардан хат ёзиб бериб юборамиз»...

Уша йиллари кўнгирак чалингандан сўнг син-фимизга директоримиз Мустафо Шарафиддинов кириб келса ҳаяжондан шошиб қолардик. У гап-ни шундай бошларди:

— Азиз болаларим, ўқитувчингиз...

Бу ёғи бизга аён. «Фронгга кетди» деган икки сўзни жуда кўп эшитганмиз.

— ... Сизлар яхши ўқиларингиз керак. Ўқи-тувчиларингиз йўқлигини билдирмаслигизнингиз керак.

Тасаввур қилиб кўринг: синф ўқувчилар би-лан тўла. Кимдир ёзади, кимдир ичида ўқийди. Ҳар замонда синфнинг тўрига қараб кўясиз. Бўш стол ва стул. Кўз юмиб-очамиз. Назаримиз-да студа ўқитувчимиз ўтиргандек. У: «Ҳалла-рингизни бўлмай ўқийверинглар, мен тезда қай-таман», деяётгандек.

Кейинроқ мактабимизда қўл ёки оёғидан аж-ралган, шинелли кишилар пайдо бўла бошлади.

Эргаш ака Холматовни мен илк марта 1941 йилнинг охирларида Қароқчи қишлоғида кўрган эдим. Жангда қаттиқ жароҳатланиб, қишлоққа қўлтиқ таёқ билан қайтиб келган экан.

— Акамни кўрмедингизми?— деб сўрадим.

— Кўрдим. У душманин бошлаб саваляпти, Кўкрагида нишони ҳам бор, сени яхши ўқисин, деди.

Кейинчалик билсам, у мени ҳам, акамни ҳам танимас, кўнглимини кўтариш, далда бериш учун шундай деган экан.

\* \* \*

Эргаш ака одатига кўра бугун ҳам тонг қо-ронгисида уйғонди. Кун узун, тун қисқа пайтлар эди.

— Ҳали вақт эрта, дадаси, ётаверинг,— деди ҳўзглини супураётган хотини.

Эргаш ака индамади. Умр йўлдошининг меҳ-рибонлигини яхши билади. Бугун тунда хотини

мижжа қоқмаганини ҳам билади. Бўлиб ўтган кўнгилисиз воқеалардан хотини кўпроқ азоб че-кяпти. Бу ҳам унга аён. Шу топда уни сал-пал эркалатгиси, бир-икки оқ оралаган сочини силаб кўйгиси келди. Лекин ёш ўтган сайин бундай ҳа-ракатлар галати, эриш шувоқлар экан. Бир ёқда бо-лалар ҳам кап-катта бўлиб қолишган.

Эргаш ака юз-кўлини ювиб, артинди. Чорбоғ-ни айланди. Ариқ ёқаси, девор остидаги ўтлар сарғайиб қолибди. Супурги, шўвоқлар беор ўсиб ётибди. Аввалги йили кўкламда ўғли Эркинжон икковлари бирга ўтказган тўрт түп олмanning уч түпи қуриб қолибди. У тугта узоқ тикилиб тур-ди. Ақлини танибдик, шу тут бор. Болалик чоғ-ларида унинг шохларида оёқларини осилтириб ҳовуч-ҳовуч оппоқ тут еганлари ёдида. «Тугта оғзи теккан одам иккинчи тут пишгиғача эсон-омон етиб боради», дерди бобоси Ташбой.

Эргаш ака ўзини шу кекса тугта ўхшатгиси келди. Ҳа, бир вақтлар у ҳам яхшигина ҳосил беради. Қайси бир вазифада бўлмасин, колхоз-да бош табелчиги, котибми, хуллас, райкомнинг биринчи секретарлиғича босиб ўтган чорак аср-лик фаолиятида доим одамларни, давлатни деб жон куйдирди. Мана энди унда илгариги куч-гайрат йўқ. Гоҳ боши оғриса, гоҳ юраги безовта қилади. Умр ўтди. Ҳаммаси орқада қолди. Ол-динда эса дори-дармонлар, врачларнинг масла-ҳатлари, курорту санаторийлар, йўланма таш-вишлари турибди. Энди ўзи, болалари, рўзгор ташвишларини ўйлайдиган палла келди. Унга ҳеч ким халақит ҳам бермайдди.

Эргаш ака бу ёққа кўчай деб турган куни Бу-лунгур районидagi Ворошилов номили колхознинг бир азоси унингга кўнгил сўраш учун келди.

— Сиз колхозимизнинг фахрий азосисиз. Сизни ҳеч қачон унутмаймиз,— деди у.— Сиз дунёда энг бахтли одамсиз. Бошқалар учун яшай-диган одамгина ана шундай бахтли бўлади.

Эргаш ака бу тантанавор гапга қулибгина қўя қолди. Уша колхозда икки йил раис бўлиб иш-лаганида пахта ҳосилдорлиги гектар бошига сак-киз центнер кўтарилган. Бо-роғлар бунёд эти-либ, колхоз давлат қарзларининг ҳаммасидан қу-тулиб, хўжалик мўмайгина жамғарма ортирган эди. Булар ўз-ўзидан бўлдимми, ахир!..

— Дадаси, қоёга келинг.

Эргаш ака айвон тарафга қаради. Хотинининг овозидаги илгариги дилраболик, майинлик қаёққа гоийб бўлди..

Мана шу айвон сабаб бўлиб у райком секре-

тарлиги вазифасидан бўшади. Айрим кишилар-нинг гапига кириб, узоқдан қурилиш материал-лари келтириб, шуни кўрдирди. Текширишда маълум бўлдики, Эргаш ака берган пулни «ишончли» кишилар чўнтагидан ҳам чиқармай «материаллар райком секретарининг уйи учун» деб олиб кетишган. Кейинчалик эса у суришти-риб ҳам кўрмаган. «Амалдан фойдаланиб...»

Бу воқеани эслаш Эргаш ака учун жуда оғир. Раҳбар бўлганиндан кейин кўп кишилар би-лан учрашсан, мулоқатда бўласан. Кўплар сенга катта умид боғлаб келадилар, ёрдам сўрайдилар. Райком секретарининг кабинети ҳамма учун му-қаддас даргоҳ. Секретарнинг биргина сўзи биз-зан жуда кўп нарсаларни ҳал қилади. Шундай экан, ҳар бир раҳбар муайян масалани ҳал эта-ётганида давлат ва халқ манфаатини кўзлаб иш тутиши керак бўлади. Ана шундагина у адашмай-ди. Агар ҳис-туйғуларга, шахсий алоқаларга, ош-на-оғайнигарчиликка, сохта «оқ-воҳ»ларга бери-либ кетилса, қаттиқ хато қилинади. Бундай хато-ларни партия кечирмайди.

— Мен жиддий хатога йўл қўйдим,— деди Эргаш ака райком пленумида,— бунинг учун ҳар қандай жағога тайёрман.

Уни вазифасидан бўшатдилар. Дастлаб сезмаган экан. «Ўзимга яраша иш топиб бериш керак», деб ўйлаган эди. Бундай бўлиб чиқмади. Юқорироқ вазифани беришдан қўчидилар, пастроғини эса лозим кўрмадилар, Шекилли.

Эргаш ака оиласи билан Зомин районига қў-чиб кетди. Энди у бу ерда ишни нимадан бош-лашни тасаввур қила олмайпти. Куни-кеча қўшни-ларнинг бири, «саломни ҳам раво кўрмади. Авваллари қандай қуюқ сўрашар эди. Секретар-ликдан бўшаб келганини билан...»

— Дадаси, меҳмонлар келишди. Икки мўйсифид қуюқ очганча унга қараб кел-моқда эди. Эргаш ака уларни дарвор таниди. Бири унга ака ўрнига ака бўлган, уйланишда жон куйдирган Уразали Мамараҳимов, иккинчиси уни комсомолга қабул қилиб тарбиялаган Тўр-дибой Тўрақулов. Бу икки устоз билан кўриш-ганда Эргаш ака ўзини жуда енгил, бахтиёр ҳис этди.

Устозлар чоқ устида Эргаш ака хусусида эмас, кўпроқ ўзлари тўғрисида гапиришди, қиш-лоқ янгликларини айтишди.

— Раис ўйланмоқчи, (Уразали отани ҳамма

## Отамга ўхшармишман

Отамга ўхшармиш юриш-туришим,  
Сўзлашар эмишман ўхшаб отамга.  
Отам кулгусидек эмиш кулишим,  
Начора, ўхшайди одам одамга.  
Емонми, ўхшасам жоним отамга!  
Яша, деб уй солган, бағри каби кенг,  
Менга бахт берсин, деб кўйган ҳар гиштин.  
Ҳар бир гишт унинг бир ташвишига тенг.  
Ҳар бир гишт фикридек оғир ва вазим.  
Дунёни кўрдим мен шу уй роиндан,  
Кўчанин топдим шу эшикдан чиқиб.

Осмонга интилдим шу уй томидан,  
Ваърагим қўвшини этганда таъқиб.  
Болалик пайтида кечиксам уйга,  
Йўлимини пойларди отам доймо.  
Уша вақт борса ҳам у турли ўйга,  
Йўлини танлашимни билмасди аммо.  
Чуни у юрган йўл кураш ва зафар,  
Бўлса-да паст-баланд гоҳ эгри-бугри.  
Отамга мени кўп ўхшаш, дейдилар.  
Йўлнииз бир учун ўхшаймиз, тўғри.  
Отамга ўхшармиш юриш-туришим,  
Сўзлашар эмишман ўхшаб отамга.  
Отам кулгусидек эмиш кулишим,  
Дейдилар, ўхшайди одам одамга.  
Яхши-да ўхшасам жоним отамга!

## Қуёш

Тақдир менга бахт ваъда қилган.  
Унга етиб бормоқ ниятим.  
Тонг-ла балққан қуёшим билан,  
Бахтим сари ташлайман одим.  
Лек баланди, пасти бор экан,  
Тақдир ваъда қилган йўлларим.  
Ниятим бор, ўтаман, деган,  
Гов даф этиш қадим қўнарим.  
Бахтим йўли ёруғ доймо,  
Қуёшим бор кўлим ёритган.  
Бахтим сари кетяпман, аммо,  
Бахтлидирман қуёшим билан.

шундай деб атарди. У йигирма йиллар чамаси раис бўлиб ишлаган, ҳали сенинг бундан хабаринг йўқ. Кеча кўчадан ўтиб кетаётсам ЗАГСнинг эшиги олдида турбди. «Ҳой, сени нима бало урди», десам, шошганидан: «Пенсия қоғозини тўриллаб юрибман», дейди.

— Кампир билан ЗАГС қоғозини йўқотиб қўйган эдим-да, хумлар.

Эргаш ака бу икки қарилнинг гапларидан завқланиб кудди. Уларнинг болаларга ўхшаб қилаётган хушчақчақ ҳазил-мутойбаларидан хувиллаб ётган ҳовлига фойз киргандек бўлди.

— Хумлар, сен тушунмайсан. Чўлга бориб ишладим. Пахта экдим. Чўлда нима бўлаётганини сен тушингда ҳам кўрмагансан. Зоминнинг салқин соясида юрибсан-да, қариллик гаштини сур-япман, деб.

— Ҳўл, сен чўлга бориб нима қилдинг? Сурати газетда чиқиб қолар, деб, хар кунни газета олиб ўқийман-а.

— Механизаторларга ошпазлик қилдим. Мух-бири кургур бригадамизга келмади-да. Бўлмаса, сени куйдириш учун илтимос қилиб бўлса ҳам суратга тушардим.

— Рост гап, Эргашвой, чўлда шунақа ишлар бўляптики, оғзинг очилиб қолади, ёқангни ушлайсан. Биз ҳам юрган эканмиз, бир парчагина ерга нима эксам мактаниб. Эргашбойдай ёш бўлганда нима қилишимни ўзим билардим. Эҳ, ёшлик қайтиб келмас экан-да...

Чоллар: «Эсон-омон юз кўришдик, шунга шукур. Тани-жонинг соғ бўлса, иш топилаверадим, дея кўнглини кўтариб, ўрниларидан туришди. «Қандай ажойиб дўстлар!», дея ўй суриб қолди Эргаш.

Анчадан кейин уйга кириб, кийина бошлади.

— Йўл бўлсин, дедаси!

— Чўлни бир айлини келай.

\*\*\*

Эргаш ака Гулистонга келгач, область партия комитети жойлашган мактаб биносини топди. Мирзачўл деб аталган бу жойини Эргаш ака илгари ҳам кўрган. Қишда кўчаларидан от-арава зўрга ўтарди. Комсомол кўчасигина асфальтланган. Қолган кўча ва маҳаллалар ўйдим-чукур.

Қабулхона ҳам мўъжагина эди. Унда ўрта ёшлардаги озгингина бир аёл ёзув машинкасини чиқиллатиб ўтирарди. У Эргаш аканинг оёғига қия қаради.

— Марҳамат, ўтиринг. Кимга келдингиз?

— Биринчи секретарь қақиртирган эканлар.

Аёл унинг фамилияси ва вазифасини сўраб олиб, дермантин қопланган эшикка кириб тез қайтиб чиқди.

— Бир оз кулар экансиз.

Эргаш ака соатига қаради. Чақирилган вақтга яна ўн минут бор эди. У обком секретарини яхши билади. Самарқанд областида бирга ишлаган. Партиявий ишда бой тажрибга эга, ўзига ва бошқаларга талабчан, зийрак киши. Зомин районига ҳам уни шу киши юборган. Кабинетдан бир киши чиқди.

— Уртоқ Холматов, марҳамат, — деди секретарь аёл эшикни ёпмай.

Ичкарида икки табақали дераза томонда обком секретари тик турганча папирос чекиб, ташқарини кузатарди.

— Мумкинми?

— Марҳамат. — У ўгирилиб Эргаш акага қаради. — Бормисиз, Эргашвой! — дея у билан илик кўришди, уни тўрдаги юмошқ ўриндиқка таклиф қилди. Патнисда тўнтариб қўйилган пиевлани олиб, чой қуйиб узатди.

— Саломатлигиниз яхшими, ўртоқ секретарь? — Эргаш ака унинг сал бетоблигини эшитган эди.

— Раҳмат. Ҳозир тузукам. Иш жуда кўп. Чўлда область ташкил қилимади, деб қуйиб-пишиб ётбимиз. Узингиз қалайсиз? Болалар соғ-саломатми?

— Раҳмат.

— Гап бундай, Эргашвой. Сизни совхозга директор этиб тайинламоқчимиз.

Эргаш ака салчиб тушди.

— Янги совхоз тузасиз, Мирзачўлда энг қулай совхоз бўлиши керак. Чўлда шундай учур ишлар бўлаётганда... Эргашвой, сизни биламиз, ишонамиз. Қўлни беринг, ўзингизни бардам тутинг!

Эргаш ака бир нима демоқчи бўлдию айтолмади. Урнидан турмоқчи эди, обком секретари «сабр қилинг», дегандек қўл силтади, телефон трубкасини олди.

— Салом, Сизларда Кисловодскка, Ессентукигами путёвка топиладими? Қараб кўринг. Натижасини менга айтасиз. Бир янги совхознинг директори дам олиши керак. — Секретарь трубкани қўйиб, бундай деди: — Ҳозир киш эмасми, хойнаҳой путёвка топилса керак. Ававал саломатлигингизни мустаҳкамлаб келинг. Сиҳатлик керак, иш ҳақида кейин ана гаплашамиз.

Эргаш ака раҳмат айтиб, ўйчан чиқиб кетди.

\*\*\*

Орадан кўп йиллар ўтди. Иссиқ жон экан, Эргаш ака 1970 йилнинг қишида республика шифоналарининг бирга тушиб қолди. Пахта йиги-териши даврида ўзини унутиб, тушни кунга улаб ишлаган экан, эски яраси ўзини яна эслатди.

Ҳамхонаси тошкентлик бир олим эди. Ҳамшира укол қиладиган асбобларини кўтариб кириб келди.

— Шу игнага сира тобим йўн-да, — деди олим ҳамшира кетгач.

— Ука, оғриқ жонингдан даво, бу уколларни жон деб кўтар экансан. Ўвса шуларда. Тананг ҳам шусиз нафас оломай қолади.

— Сизнинг иродангизга қойилман, Эргаш ака. Ҳеч нарсани писанд қилмайсиз.

Шу пайт хонага қўлмиши палатадаги касаллардан бири шошиб кирди.

— Радиони эшитдингларми? Республиканинг анчагина колхоз ва совхозлари ҳукумат орденлари билан мукофотланибди. Айтгандай, Эргаш ака, сиз Мирзачўлдансиз-а? Қайси совхоздан?

— «Самарқанд» совхозидан.

— Бўлмаса суюнчингизни сўзаверинг. Орден!..

— Йў-э, Самарқанд областидан дегандир, адаштираётгандирсиз.

— Аниқ эшитдим. Сирдарё областининг «Самарқанд» совхозидан!

Шу пайт телефон жиринглаб қолди. Трубкани олим олди.

— Сизни сўрашпти, Эргаш ака, бир гап бор.

Эргаш ака одағига кўра телефонда жуда вазмин гаплашди, «раҳмат» сўзини кўп такрорлади. Олим ҳам, хушхабарчи ҳам бу «раҳматларнинг маъносига тушуниб турардилар. Эргаш ака трубкани қўйгач:

— Адашмабсиз. Суюнчига қарздоримиз, — деди.

Шу кеча Эргаш ака аллам-ҳалгача кўз юммади. Совхозга келган биринчи кунини эслади.

— Совхозингиз мана шу ерда бўлади, — деб кўрсатишди унга бошқармадан келган ўртоқлар. Қип-қизил чўл эди. Бульдозер ва скреперлар овози ҳамма ёқни қоплаган. Чанг-тўзон кўкка кўтарилган. Яқиндагина олиб келинган тўртта вагон-уйча қаққайиб турибди. Эргаш ака шундай бўлишини биларди. У чўлда биринчи марта совхоз тузаётгани йўқ. Акмал Икромов номидаги совхоз ҳам шундай бунёд этилган эди.

У вагончаларнинг бирига илгари ўзи ишлаган совхоздан эски стол, стул олиб келтириб ўрнатди. Изгирич эсиб турибди. Совхозга бош агроном қилиб тайинланган Виктор Паппельевич Тен билан шу ерда тунади. Эртасига улар совхозга ишчилар қабул қила бошладилар, бўлимлар, бригадалар туздилар.

Эргаш ака янги келган ҳар бир кишидан: «Механизациядан хабарингиз борми?», деб сўради. Унинг мақсади: совхозни комплекс тарзда механизациялаштириш эди.

Энди совхоз тузилган биринчи кунлар орқада қолди. 3800 гектар ер. 5600 тонна пахта. Бу совхоз тузилган биринчи йилдаги рақамлар. Саккизинчи беш йилликнинг охирида эса ялли ҳосил 11650 тоннага етди.

Тасавур қилиб кўринг: беш йилда чўлда ўттиз минг квадрат метр уй-жой, олти юз ўқувчига мўлжалланган янги мактаб, икки юз саксон ўрнили болалар боғчаси ва яспилар, магазин, ошона, кинотеатр ва ўнлаб бошқа бинолар қад кўтарди. Боғ-роғлар барпо этилди. Бу совхоз мевасини Сирдарёда татиб кўрмаганлар топилмаसा керак. Йуллар асфальтланган. Гулзорлар, хиёбонлар. Беш йил ичида шунча ўзагриш!

Пертия ва ҳукуматимиз Мирзачўлни комплекс ва капитал ўзлаштириш, мукамал суюршиш иншоотлари қуриш, юксак механизациялашган йирик пахтачилик ҳўжаликларини барпо этиш масаласини қўйди. Олтимишинчи йилларда чўлни индустриал усулда ўзлаштиришга киришилди. Кейинги ўн йилнинг ўзида 200 минг гектар янги ер очилди. Йигирма етти янги совхоз, беш маъмурий район ташкил топди.

Эргаш ака ана шуларни эслади, чўлда елкама-елка туриб ишлаган кишилар кўз олдидан бирма-бир ўтди.

Эртаси куну нонуштадан кейин олим Эргаш акани соволга тутди.

— Эргаш ака, чўлда ишлаш оғир бўлса керак? Талабалик вақтимизда пахта териш учун Мирзачўлга борардик.

— Чумчуқдан кўрққан тарик экмайди, иним, — деди Эргаш ака. — Чораси кўрилган, — ҳаяжонланган Эргаш ака чўнтагидан папирос олди. — Вроч кўриб қолади-ку. Чекиб нима қиласиз бунин!

— Атиги биттагина. Жуда чеким келиб кетди. Биласизми, ука, — деди Эргаш ака папиросни тутатиб олгач, — бизга ҳозирги кунда сунъий ёмғир ёғдирадиган юксак умумли машиналар керак. Тўрт қатордаги пахтага терадиган «Узбекистон» машиналари кўпроқ бўлса. «Беларусь» кенг қаторлаб экишга мослаштирилса... Биласизми, бир киши ўшанда бемалол йигирма-йигирма беш гектар ерда пахта етиштира олади...

Олим бу ишинг натижасини тасаввур қилиб кўрди. Агар ҳар гектар ердан йигирма беш центнердан ҳосил олинса, ҳар бир киши ҳисобига эллик тоннадан зиёд пахта етиштириш мумкин экан!

«Самарқанд» совхозини пахта планини бажарганини эшитиб, бир йўла Эргаш акани ҳам Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони билан табриклар келиш мақсадида йўлга чиқдим. Чўлда кўз нафаси кезиб юрибди.

Шу куну Эргаш акани идорадан топа олмади. Учинчи бўлимнинг дала шийпониде ишчилар билан қақчақлашиб чой ичиб ўтиргани устига бориб қолдик.

Сал ўтган почтани келди. У бир талай телеграммаларни Эргаш акага узатди. У кимдан келганини бўлим ишчиларига ўқиб эшиттирди:

— Урозали Мамаарҳимов, Турдубой Тўрақулов, Худойберди Бозоров, Усмоноқул Турдиқулов, муаллимларим, устозларим... Эркин, ўғлим... — деди ниҳоят Эргаш ака ҳаяжонини босиб. Гап орасида:

— Зифат қачон, Эргаш ака? — дедим ҳазиллашиб.

— Қанақа зифат?

— Қаҳрамон бўлганингизнинг зифати-чи?

— Ҳа, — деди Эргаш ака қилиб, — мана, мажбуриятни ҳам бажардик, бирга қўшиб ўтказаверамиз-да, ука.

Тўғун ЖАМОЛОВ

Кўёш порлаб тураркан токи,  
Тақдирим ҳам бахтга элгуси.  
Кўёшимнинг ўмридир боқий,  
Йўларимдан адашгум эусиз...

\*\*\*

Дўст-душманга айтсанг айтгину  
Ҳасадгўйга айтма бахтингдан.  
Дўст бахтингга қалбдан суюнур,  
Душман лов-лов ёнади зимдан.

Ҳасадгўй-чи, суюнмайди ҳам,  
Ёнамайди ҳам бахтингни кўриб,  
Ҳасадгўйга айтма бахтингдан,  
У — бахтингга чанг солар ўғри.

## Сеҳрим бор

Сеҳр бўлса қўлимда, сеҳрлар бўлсам ўзим  
Янғарарди ерда доим шодийёна қўшиқлар.  
Сеҳр бўлса кўзимда, сеҳрли бокса кўзим,  
Ёнарди ерда барча нопокиқлар, тўсиқлар.

Сеҳр бўлса қаламда, сеҳрли сўзлар терса,  
Сўзим ундарди фақат инсонни ёруғ йўлга.

Сеҳр бўлса юракда, сеҳр танга жон берса,  
Улим деган номардни топиб, олардим қўлга.

Сеҳр бўлса оламда, сеҳрли балқса кўёш,  
Фалакни соф туйғудек чулгаб оларди нури.  
Сеҳр бўлса қайғуда, сеҳрли бўлса кўз ёш,  
Тош юрак жоҳилнинг ҳам сндрарди ғурурин.

Илапа, ҳеч сеҳр йўқ. Сеҳр ҳеч нарса эмас.  
Бунда бор ишонч деган сеҳрдан ҳам зўр қудрат.  
Уз кучига ишонган ҳеч вақт сеҳрим йўқ демас.  
Ишончим бор — сеҳрим бор, ҳар ишни қилгум уйда!

Тўхтамурод БАҲРОМОВ

# ҶИМИРЛАГАН ҚИР ОШАР

**К**алин қорда чайқалиб келаётган «газик» колхоз идораси рўперасида тўхтади. Раис нималарнидир ўйлаганча ойнадан ташқарига қаради.

— Аброр ака, уйгами!

— Ҳа, Э, йўқ!— Ҳаёли бўлинган раис шошилганча машинадан тушди. Изгирини нишлари юзига, кулоқларига санчили. Пальтосига ўралиб, шофёрга буюрди:— Ҳозирча кетавер. Мен идорада бўлман, кечроқ келарсан.

Раис қордан шохи эгилган дараклар тагидан идора томон қараб кетди. «Дов-дарахта, экин-тикинга малҳам бу қор,— деб ўзича пичирлади у.— Шуларнинг қатидан куртаклар— умид...».

Раис майин жилмайиб кўйди, сўнг одамларини тезлатиб, узун йўлакка кирди. Хоналардан гангур-гангур овоз, қаҳ-қаҳ, чўтларнинг шақ-шўқи эшитиларди.

Ҳозирқо правление аъзоларини қақириб, мажлисини бошлаб юборсамикан? Ё ўтириб, мўлжалларини, янги барпо этиладиган узумзору мевазорларни, уларнинг жойларини аввал ўзи аниқ белгилаб олсамикан? Ахир, ҳўжалиқнинг бу соҳалари қачонгача оқсаб юради?

Мулоҳазаси ўзига маъқул тушди. Эшикни очиб, қабулхонада табелчиладардан ҳисоб олиб ўтирган секретарга тайинлади:

— Мен бирор соат банд бўлман. Правление аъзоларини соат еттига қақиртирсангиз...

Раис пальтосини илгакка осди. Вақт ҳали эрта бўлса ҳам, ҳаво булутлигидан хона ним қоронғиллашиб қолибди— чирокни ёқди. Печкада гуриллаб олов ёняпти. Қани энди вақт бўлсаю, бемалол ўтириб олиб бир газетхонлик қилсал Дарвоқе, газета-журналлар орасида бир кўк конверт ҳам турибди.

Раис секин хатни очди. Майда ҳарфлар билан ёзилган мактубнинг у ёқ-бу ёғига қаради, ўриндиққа аста чўкиб, ўқиб бошлади:

«Хурматли раис бува!

Биз, Тошкент Ҳалқ ҳўжалик институтининг студентлари бир масала ҳусусида сизга мурожаат этишга жазм қилдик.

Яқинда суҳбатлашиб ўтириб, баҳслашиб қолдик. Орамизда сиз раҳбарлик қилаётган «Правда» колхозидан ҳам, Ургут районидаги бошқа ҳўжалиқлардан ҳам студентлар бор эди. Районларингиздан келган ёшларнинг анчаси колхозлардан стипендияси билан таъминланар экан. Қандай яхши! Айтишларига қараганда, биргина сизнинг колхозингиздан турли олий ўқув юртларида билим олаётган 135 йигит-қизга колхоз стипендияси тўланар экан. Ажабо, колхоз қайси ҳисобдан шунча стипендия тўлайди? Ҳўш, бу ҳўжалиқнинг бошқа соҳалари қандай?

Раис бува, баҳсимиздан ва сизга мурожаат қилганимиздан хафа бўлмасиз. Чунки бизларнинг кўпчилигимиз— бўлажак ҳисобчилар, иқтисодчилармиз. Айтганча, ўзингиз ҳам институтимизнинг бухгалтерия-иқтисод факультетини тугатган экансиз. Шулар ҳақида маълумот берсангиз?..»

Хат охирида бир неча имзо қатор турарди. Раис ўйчан ҳолда мактубни конвертга соларкан, ўриндиққа суяниб, жим қолди. Тирсагини столга тираганча, ўйга чўмди.

«Студент халқи қизик бўлади-да. Ҳар нарсадан гап чиқариб, мунозара қилишда, тубига етмагунча қўйишмайди. Энди уларга қандай жавоб ёзиш керак? Ахир, бунақа колхозлар республикада кўп-кў! Еки колхозимиз болалари ортиқча мактабни, гурунларни юришармикан? Бир жиҳатдан фахрлинишлари яхши, ўз юртларига, одамларига меҳрлари ошди. Лекин бунақа пайтларда,— Раис ён дафтарчасини чиқариб, уни варақ-

лай бошлади.— Буларга жавоб ёзмаса— кўнгиллари ўксиди. Дарвоқе, қайси бир соҳа ҳақида батафсил ёзса бўлади!»

У раисликка сайланган дастлабки пайтларини эслади.

...1961 йилнинг охири эди. Ҳисоб-китоб пайти. Колхознинг йиллик даромади бор-йўғи 498 минг сўм бўлибди. Катта ҳўжалик учун бу нима деган гап? Ҳар бир колхозчининг бир кунлик иш ҳақи атиги етмиш тийиндан тўссал Тирикчиликлари қандай кечади?

Район раҳбарларини ана шу масала жиддий ўйлатиб қўйди. Хуллас, бир тўхтамга келиб, ишчан, тадбирли, кэмтар, айтқов жойидан кесадиган бош ҳисобчи Аброр Тўрақулнинг раисликка тавсия этишга қарор қилишди.

Тоғ этагидаги Санчиқули қишлоғининг ерлари сувга ёлчима эди. Шу йили Нисбат, Қулқишлоқ участкаларида учта катта насос ўрнатилди. Сув олтиш газ баландга кўтарилиб, уч ярим қақиримча нарида ястаниб ётган ташна ерга оби ҳаёт оқиб борди. Асрлар мобайнида инсонга фойдаси тегмаётган тошлоқлар, яйдоқ қирлар гурқираб яшади. Бунда иш кучлари ва техникадан тўғри фойдаланиш ўз самарасини берди. «Правда» колхоз райондаги илғор ҳўжаликлар қаторига кирди. Кейинги йилларда эса ҳўжалик районидагина эмас, ҳатто Самарқанд областидаги иқтисодий бақувват колхозлардан ҳам ўзиб кетди.

1970 йили колхоз 705 гектар ерга тамаки, салкам 2 минг гектар майдонга ғалла, қанчадан-қанча майдонга беда, маккажўҳори экди, 400 гектар ерда тоқзор, тўззорлар бунёд этилди.

Қўшни районлардаги таниш раислар Аброр Тўрақулов билан йигиллишларда учрашиб қолганларида ҳазил учун «Деҳқон бўлсанг, ўзингни пахта-да кўрсат!» деб тамакининг иниж қишлоқнинг тан олишмас эди. Бу қочирқилар раисга, колхоз раҳбарларига қаттиқ ботарди. Ҳўш, улар ҳам пахтачилик билан бир шугўлланиб кўришса-чи! Балки Ургут ерлари ҳам пахтага мос келиб қолар.

Правление мажлисида ана шу масала ўртага ташланганда орага жимлик чўкди. Баъзилар чўки туришарди. Шунда кимдир кўпларининг юр-гага гулгула солиб қўйди:

— Уртоқлар, пахта— осон иш эмас,— деди у.— Ғўза иссиқ жойнинг экини. Ургутнинг об-ҳавоси эса анча салқин...

— Тўғри айтдингиз,— ўтирган еридан уни қувватлади биров.— Ишинг оқибатини ўйлаш керак-да!

— Йўқ, биродар,— деб ўрнидан турди бригадир Ҳукм Йўлдошев.— чумчўқдан қўрққан— тарик эмас. Ахир, биз қачонгача пусиб ўтирамай? Бир вақтлар Ургут пахтачиликда ҳам шўхрат қозонган неҳотки унутган бўлсанлар? Келинлар, шу ишга яна киришайлик. Шунда пахтаси ҳам худди тамакиси, меваси, майизи сингари машҳур бўлсин!

Колхоз бошланғич партия ташкилотининг секретари Акрам Саидназаров, бригадир Ҳиммат Имомов ва раис, гўё тил бириктиргандай қарсақ чалиб юборишди, бошқалар ҳам уларга қўшилишди.

Шундан кейин бир неча бригада юз гектарга яқин майдонга чигит етди. Барча тажрибаларини ишга солишди. Ҳаракат анча барвақт бошланган эди, натижа кутилгандан ҳам ортиқ бўлди: план икки юз фоизга етказиб адо этилди.

Йил якуни ҳамманми хурсанд қилди: колхознинг умумий даромади 4 миллион 792 минг сўмга етди, ҳар бир колхозчининг ўртача ойлик иш ҳақи 172 сўмга тўғри келди.

«Колхозчининг ўз томорқасидан, шахсий қорва молларидан оладиган даромадлари бу ҳисобга кирмайди,— деди раис, ён дафтарини варақлардан ўзига ўзи.— Уларни ҳам қўшса... Эҳ-хе... Бу масаланинг бир томони. Иккинчидан, ахир, уларнинг меҳнатидан колхоз қишлоғи янада кўркамлашяпти, бўлинмас фондга, социал таъминотга ва маданий-маиший фондга йил сайин кўп маблағ ажратилмоқда».

Ҳа, студентларга мана шуни ёзиш керак. «Студент укаларини, «кўрпангга қараб оёқ узат», деган мақолни эшитганимизлар!— деб ёза бошлади раис.— Биз ҳам шунга амал қилаямиз. Утган йили колхоз стипендияларига 29520 сўм пул тўладик. Чунки мутахассислар керак. Колхоз марказида механизатор қадрлар тайёрлаш тўртта ойлик курси ҳам очдик. Ҳозир колхознинг тўртта катта участкаси бош режа асосида қайта қурилляпти. Йил охиригача колхоздаги ҳамма хонадонлар водопровод суви билан таъмин этилади. Бухоро табиий газидан баҳраманд бўлаётган тўрт юз ҳўжалик ҳақида гапирмай бўладими! Йўлар, кўприклар қўрида, ҳамма йўлларни асфальтлашга эътибор берялмиз. Бунақа мисоллар жуда кўп, айтган билан адо бўлмайди. Яхшиси, колхозимизга меҳмон бўлиб келинлар, қишлоқларини чиройини ўз кўзларингиз билан кўринлар. Шундагина қай тариқа доvon ошаётганимизни билиб олсанлар.— Раис қаламини тишлаб, хомуш торди.— Тўғри, Ургутга монанд мевазорлар ҳали кам. Бу— бизнинг камчилик томонимиз. Қани энди, ҳамма ҳавас қилгандай, машҳур ҳўжалиқнинг оқсоқ тармоғи бўлмасал Лекин икки-уч йилдан сўнг янги боғларимиз колхозимиз ҳусусига ҳисн қўшади, бундай боғлар, тоқзорлар янги беш йиллик охирида беш юз гектардан ошиб кетади».

Телефон жиринглаб қолди, Аброр ака трубкани олди. Райком секретари экан.

— Салом. Гап бундай, ўртоқ Тўрақулов,— деди секретарь,— эртага Тошкентга учасиз. Колхоз раисларининг бир ойлик курсига.

— Ахир, бир ой... жуда узоқ экан-да...

— Зарар қилмайди. Ҳозир қиш, ишлар камроқ, йигилбосарларнингиз чаки йигитлар эмас...

Секретарь билан сўрашиб бўлгач, раис эсига бир нима тушгандай ўриндан турди: «Ҳа, бўлди. Тошкентга борганда мактуб эларини топанан. Ушанда колхознинг ёш авлоди билан яхшигина суҳбатлашиб оламиз».

\*\*\*

Яқшанба кунларининг бирида Аброр ака билан учрашиб қолдик. Енида икки-уч студент йигит— қаёққадир тараддуланиб туришган экан.

— Қалай, курсдаги ўқишлар қарчатамтайитми?

— Йў-а, қайтага қизиқарли бўляпти,— деди у ёқимли жилмайиб.— Жуда зўр, тажрибали раислар, совхоз директорлари келган экан. Улардан ҳам анча-мунча нарсаларни ўрганаймиз.

«Тошкент» меҳмонхонасидаги шинам хоналардан бирида қизиги гуноҳ бошланди. Аброр акага саволлар ёғилди. У колхоздаги ишлар, яқин келажақдаги режалар ҳақида тўлб-тошиб сўзлади, ҳўжалиқни юксалтирбатган ажойиб одамларини бирма-бир тилга олди.

«Уша суҳбат ҳамон эсимда. Мана ҳозир эса Аброр ака Тўрақулов бошчилик қилаётган «Правда» колхозига яна отландим. Эшитгандан кўрган яхши, дейдилар. Қани, бир кўрайлик-чи, машҳур колхоз қандай қилиб доvon ошаётган экан?..»

Муҳаммад САЛОМ



## Мангу лаҳза

Бу суратни бизга республика миёсидаги шахсий пенсионер Абдурахмон ота Мусаев келтириб берди. 1929 йили Самарқандда олинган бу суратда сиҳалқимизнинг социалистик давлатимиз раванқи учун курашган асл фарзандларини кўрасиз.

— Самарқанд ўша вақтда Ўзбекистоннинг пойтахти эди,— дейди Абдурахмон ота,— тез-тез фаоллар йиғилишлари, катта-кичик ненгашлар, нурултойлар бўлиб турарди. Баъзида эсдалик учун ана шундай суратга тушиб ҳам қўярди.

Абдурахмон ота суратга қараб, ундаги баъзи сафдошлари ҳақида гапириб берди. Олдинги қаторда (чапдан биринчи) «Зарафшон» коммунасининг раиси Мамажон Жобиров ўтирибди. Унинг ёнидаги киши ўша вақтда Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Совети раисининг солиғини сақлаш бўйича му-

вфни Ёқуб Мўминов. У киши ҳозир Семашко номидаги Республика физиотерапия илмий-тенгириш институтининг директори. Ёқуб аканинг ёнида республикамиз оқсоқоли Йўлдош Охунбобоевнинг ўғли Карим (ҳозир у Фарғона область Охунбобоев районидаги Ленин номли колхоз раиси) билан қизи Хайри.

Иккинчи қаторда ўтирганлар партия-совет ходимларида: Олтинбош Хидирбоев, иккинчиси — Абдурахмон ота Мусаев (ўша пайтларда у киши республика ер-ўрмончили уюшмасининг раиси эди), УзССР МИКнинг раиси Йўлдош ота Охунбобоев, Усмон Юсуповнинг рафиқаси Юлия Степаненко (ҳозир Янгийўлдаги «Халқобод» комбинатининг директори), Уз(б)П Марказий Комитетининг секретари Усмон Юсупов, партия-совет ходимларидан Болтаев, Фарғона область хотин-қизлар бўлимининг мудир Шонирова.

Учинчи қаторда турганлардан иккинчиси шоир Миртемир ўша вақтларда Йўлдош Охунбобоевнинг шахсий котиби эди. Унинг ёнидаги киши республикамизнинг атоқли журналистларидан, файласуф олим Сулаймон Азимова, Сотти Хўсайн кўзга кўринган адиб ва адабиётшунос олим эди.

Биз Ўзбекистон халқ шоири Миртемирдан ҳам суратдаги баъзи кишилар тўғрисида гапириб беришни илтимос қилдик.

**МИРТЕМИР,**  
Ўзбекистон халқ шоири

# ЛУМ-ЛУМ МАМАЖОН

**Ш**у суратни менга кўрсатганларида 20-йиллардаги Самарқанд кўз ўнгимдан ўтди. Ўзбекистон жумҳуриятининг биринчи пойтахти бўлган йиллар Самарқанднинг яшнаб кетган йилларидир. Бошидан не-не офатлар, босқинлар, фалокатлар, мусибатлар — қора кунлар ўтган бобо шаҳар қайтадан ёшариб, ярқираб кетган эди. Бу ёшаришларнинг мағзида эса социалистик тузум, янги ва халқ асрлар бўйи орзу қилган ҳаёт — эрк, тенглик, ёруғлик ва бахт мавж урар эди. Ҳар қадамда янгилик — янги афшар, янги қонун ва қоида, янги мактаб, янги журнал, янги биналар — қисқаси, йўл янги, замон янги, келажак янгироқ эди. Ҳаётда янгилик қудрати ҳукмрон эди.

Албатта, янгилик хамирдан қил сугургандай осонгина қарор топди, деб ўйлаш хато бўларди. Ҳали олис тоғ йўлларида совет ходимларини отишар ё бўғизлашар, қизларни жувонмарг қилишар, янги маданиятга, янги шеърга, янги қў-

шиққа очикдан-очик тўсиқ бўлишар эди. Янгиликка тушов солишга интилувчи қора кучлар оз эмас эди. Бироқ Ленин ўйлаган ва чизиб берган ёруғ йўл гоҳ адашган, гоҳ суруниб-йиқилган халқимизнинг ягона ва донгил йўли бўлмоқда эди. Не қурбонлар бермадик! Не тўхматларга қолмадик! Шундай ёвузлар бор эдики, кўкрагига уриб, ёқа йиртиб, қўй терисига бурканиб, энг захматкаш ва Ленин партиясига содиқ одамларнинг пайини қирқар, умрини хазон қилар эди. Лекин, бари бир, Ленин гоъялари етакчи куч, голиб куч — не-не чигил ва мураккаб гафголардан соғ олиб чиқа олди.

Самарқанд кўрки шу қадар очилиб кетган эдики, асти кўяверинг!

Неча-неча асрлардан бери шу кунни кутган захматкаш халқ ҳушвақт ва давр-даврон сура бошлаган йиллар...

Бу суратни кўрганимда Мамажон ота Жобиров ҳам эсимга тушди ва дилдан кулиб қўйдим. Кул-

гининг маъноси бор: Самарқанднинг шарқи шимол томонидан оқадиган Зарафшон бўйида, жийда тўқайлари ва чинорлар, тубилгилар чатишиб кетган қалин чакалак орасида ўша сақтда жуда донгдор коммуна жойлашган эди. Коммуна аъзолари, асосан, фарғоналик бурунги чоракорлар ва мардикорлар бўлиб, йил сайин тўқайдан ер очиб, пахта экишар эди. Коммунанинг трактори, қўш хўкис араваси, ҳовузи, капалари шу бугунгидай эсимда. Коммуна ерларининг тгагидан Зарафшон ўлан айтиб эгарди.

Коммуна пахтазорини атраф қишлоқлардан келиб кўришар, ҳайратда ёқа утишар, коммуна қовун-тарваузини еб, «баракка топ», дейишар, коммуна аъзолари кўпайгандан кўпаяр эди. Ери кумоқ, шабадали, сероб ва ям-яшил...

Коммунанинг раиси мана шу суратда биринчи қаторда, энг чапда ўтирган мўйовли Мамажон Жобиров эди. Лақаби Лум-лум... Ҳар жума — у вақтда дам олиш кунни жума эди. — Йўлдошбо

ота бутун УзССР Марказий Ижроия Комитетининг қатта-кичик ходимларини шу коммунага олиб чиқар эди. Ҳамма кечкурунча ишлар, энг сгир кетмон Йўлдошбой отада бўлар, у яланг-овёк кетмон чопар, тушлиқда ҳамма Зарафшонда чўмилар эди, оқшом эса ҳовуз бўйида ошхўрлик...

Коммунага бориб кетмон чопмаган ҳафта Йўлдошбой отанинг кўнгли тўлмас эди. Бунни қоролудан тортиб, отанинг ўрибосарларигача билишар эди.

Мана, энди Мамажон оғага келайлик. Қизил юз, қотма, чайир, кўзларида қора учун парпираб тургуви, ҳаммиша қувноқ, чечан, топқир раис бобо.

Базми оқшомлар Йўлдошбой ота коммуна аъзоларидан биронтасини уйлантирар, Мамажон оға кўй ё бузоқ сўяр, дошқозон осар, тўйга сўзсиз Усмон ака, Мухиддин Қори, Тамарахоним, Уста Олим, Ҳалимахоним, Комил Нуъмон ва бошқа ёр-дўстлар келишар, базми авж пардаларда Зарафшон тўлқинлари қанотида олисларда жаранглр эди. Айни базм авжида Йўлдошбой ота раис бобони ўртага чақирар, раис эса ҳеч тортинмай-тайсалмай ўйинга тушиб, лпарини айт-тар эди:

Лум-лум, лум-лум Мамажон,  
Лум-лум Мамажон!  
Стананда чой ичган  
Лум-лум Мамажон!..

Қўшиқнинг ҳамма сатрлари эсимда йўқ, лекин севаги кўшиғи эканлиги аниқ...

Лапарга Ота ҳам қўшилр эди. Раис шу даражада қийиб ўйнар эдики, Тамарахоним ўтиролмасдан ўйинга тушиб кетар, Уста Олим янги усул бошлар, бора-бора ҳамма ёш-яланг ўйинга тушиб кетганини билмай қолар, кечаси алламаҳал билишига қарамай, ён қишлоқлардан сават-сават анжир, узум, тоғора-тоғора сомса ва қовурдоқ олиб келишар, хурсандчилик ўртада бўлар эди.

Йўлдошбой ота халққа айтадиган гапини, ўгинини, ҳукуматнинг янги қонун-қоидаларини, пахтакорга янги ёнғилликлар, янги машиналар бери-

лишини шунақа маҳалларда айтиб қоларди, кейин яна пуравж базм...

Мен дастлаб раис Бобонинг лақабига тушунмай, сўрагани тортиниб юрдим. Бир тасодиф бўлдию билиб олдим. Тиниб-тинчимас раис бобо ҳар ҳафта бир ё икки марта Самарқандагушар, оқшомлари одам тўлиб ўтирадиган Йўлдошбой ота ҳовлисида бўлар, аскияда қатнашар ва мушуқлини битириб кетар эди. Бир куни Йўлдошбой ота айтди: «Раис бобони ҳам ёзинг, мулла! Тортинчоқлиги ҳам бор, ҳаммага айтавермайди ўзи. Ун олтинчи йилда мардикорликка кетди. Узи етимликда ўсган, ғариб йигитлардан. Ерсиз, ўксук, кўп тепки ёганлардан. Қарангки, Двина ўрмонларида ёғоч кесиб, чала-чулла русчага тушуниб қолибди. Йигит маҳали. Уша ерда бунни бир белорус қизи яхши кўрибди, денг. Тортинчоқлиги бор-да, ҳеч қарорга келолмасдан юрибди шўрлик. Ҳар куни қатиқ-сут, нон, сочиқ келтирар экан қиз. Узун бўйли, осмон кўзли, сочи тақимига тушган барно. Ун олтинчи йили йигитларнинг ҳар тўпида мулла борган эди. У Мамажонни ҳадеб айнатгани-айнатган. Ҳатто сўқатиқни ҳам ҳаромга чиқараркан. Бора-бора қиз Мамажон тўғрисида кўшиқ тўқиб айтадиган бўлибди. Кўшиқ бутун қишлоққа, балки бутун аймоққа, бутун мардикорга борганларга таралиб, доврўқ бўлиб кетибди.

Боринги, қиз билан топишолмасдан қайтиб келди. Мана, ҳозир бобали-чақали, раис бобо. Лекин ҳар маҳал сирлашганимда уҳ тортиб: «Ота, Маринага ҳеч кимни тенглаштирмайман», деб қўяди, сал юраги сиқилса ҳам, ё жиндак ширакайф бўлса ҳам Маринасининг кўшиғини айтиб ўйинга тушади. Йўл-йўлакай эрмаги ҳам, ёлғиз қолганда ҳам шу кўшиқ, ўша Марина. «Люблю» дёёлмасдан «лум-лум» дейишини кўрмайсизми? Мана бу ёғини ўзингиз топиб ёзаверинг!..»

Мен Мамажон оға ва коммуна тўғрисида ёзганман, лекин қайси газета ё журналдалиги эсимда йўқ. Шу суратдағиларнинг ҳар қайсиси ҳақида бир қисса ёзишим мўмкин. Ушандоқ одамлар...

Ҳамиша шўх, ҳамиша бардам, биринчи коммуна ётакчиси Мамажон оға қайда экан ҳозир?..



Келди ҚОДИРОВ

Ўзбекистон ССРнинг 50 йиллигига бағишланади

I


Толлар қавагида мўсича мўдрар,  
Кўш учса, қаноти куйгудек гўё.  
Булут — оқ аланга этагин сўдрар,  
Қовжираб шитирлар қирларда гнёх...  
Бўйчан тераклар ҳам оғир сукутда,  
Оғир сукутдадир кўп кеска толлар.  
Уфқ жимирлайди, ловулар ўтда...  
Фақат ариқчадан...

сувмас, хаёллар —  
Жилдираб ҳовузга қуйилар бетин...

II

Бунда, асрий толлар сояларда  
Бир чол ўтиради чордона қироб.  
Босиб-босиб, кўк чой хўплар

кўк чой,  
Сўнгсиз хаёлларга эркинлик бериб.  
Устида жомакор,  
Кўкраги очик,  
Белбоғини ечиб қўйса бўларди.  
Йироқларга боқар, ўйлари сочиқ,  
Оппоқ соқолида йўлларнинг гарди.  
Минглаб эгатларнинг акси кўчганими  
Унинг тер қуйилган пешанасига!  
Эҳтимол, ўйларди гўзаларини,  
Кўз нури томади ҳар шонасига...  
Утириб сарсалқин соясима  
Эсларим умрининг у сўкмоқларин  
Ва сербўёқ хаёл ҳикоясида  
Тинлармикан карвон қўнғироқларин...  
Бу ер бир замонлар дашт бўлгани рост,  
Ғамгин чайқаларди каврак поялар.  
Ғоҳида жимгина юзиб ўтарди  
Тўп-тўп булутлардан тушган соялар.  
Найча япроғида шудринлар қалқиб —  
На кўнат ўсарди, на бир бош бугдой.  
Шаффоф шабнамларнинг теран бағрида  
Тунлари уҳларди на юлдуз, на ой.  
Ариқлар жилдираб оққани билмас,  
Сарғиш уфқ сояси чўкиб ётарди.  
Чантўс булутлардан парда ёпиниб,  
Кўёш чиқардию шундай ботарди.  
Фақат ғоҳ-ғоҳида маънос кўнғироқ —  
Товуши бу ернинг кирар тушига  
Ва чала ухлаган одамдек гангиб,  
Садолардан келар бир оз хўшига;  
Кўнғироқ сасидан бешиқлар каби  
Ўрқачларда вазмин тебранар юклар.  
Йўл олис, бобонинг қақраган лаби,  
Ортидан тебраниб келар ўксуклар.  
Бир ҳовуч қумда ҳам сахро иси бор,  
Одамнинг нафаси — «Ҳайт!», деган сасда.  
Йилт этган учқунда нурнинг тўси бор,  
Яшашга умид бор ҳар бир нафасда!  
Сардоба гўмбазни кўрннар ногоҳ,  
Гўмбаз қуббасида хирагина нур.  
Бархан хуружида орта қолди роҳ,  
Умидсиз кўзларда акс этди сурур.



Чорвоқ ГЭСи — азамат нурхонамиз.

И. СИРОТКИН ва  
И. ГЛАУБЕРЗОН фотоси

# Вилтин тавоже

III

Бунда-чи!

Ховузнинг мовий сатҳида  
Танга-танга бўлиб чўмилар офтоб.  
Чол бошига соя солар-у, бироқ  
Толларнинг ўзи ҳам беришолмас тоб...  
Атрофда ҳудудсиз оппоқ пахтазор,  
Оқ булут тўлкини ерни кўмгандай;  
Кўёшнинг туганмас олов селида  
Теран сукунатга гўё чўмгандай,  
Узумзордан келар шаробнинг бўйи,  
Офтоб қайнатарми ё богда бўза;  
Серҳосил олма ҳам турар мункайиб —  
Чол каби...

Опаннинг тун-кун қўзда —  
Эслайди умрининг у сўкмоқларин.  
Сербўёқ хаёлин ҳикоясида  
Тинглайди карвоннинг қўнғироқларин.  
Сарбон эди Бобо ўша пайтларда,  
Дашт юзиди қолган излари.  
Кўнғироқ таратган бесўз байтларда  
Ешланганди унинг қора кўзлари...  
Йўқ, ҳали Бобонинг хотираларин  
Қоплаган эмасдир ўлан, ажриқзор;  
Гулини тўкмаган, йўқ, ҳали улар,  
Хотира гулида минг йил иси бор.  
Уватда қакраган какра япроғи  
Таратиб тургандай дашт нафасини;  
Бобонинг сермаъно, ўйчан кўздан  
Ўқиш мумкин умр фалсафасини.  
Пахта ва умр-ку эмалдош эди,  
Яна бир эмалдош — хаёл, тасаввур.  
Бобо фалсафаси чигитдек тўлиқ.  
Пахта толалари — унинг учун нур;  
Куртак ичига жо бўлгандек баҳор,  
Чигитнинг қатида инсон сеплари;  
Чигитнинг қатида атом нури бор,

Дўстлининг узилмас, чийран иплари...  
Ўзбек ери мисли олтин бир кўсак,  
Шу кўсак ичиди юрт бўёқлари;  
Кўзини ҳаётга тиккандек бўлар  
Чигитни тупроққа тиккан чоқлари.  
Нияти эзгудир ўзбек бобонинг,  
Бугдой билан экди ёнма-ён;  
Бошоқ етилганда топтади хони,  
Кўсак очилганда...

Эҳ, ўғри замон!

Пахта ортиб борган оғир карвонлар  
Совуқ оятларни юклаб қайтдилар.  
Деҳқоннинг онига бидъатни қўйиб,  
Худонинг пайғоми, дея айтдилар.  
Ҳа, шундай!

Бобонинг ҳаёти узоқ...

Умри бир қозону қайнайди — ранглар.  
Ғоҳо пахтасидек тунлари оппоқ,  
Ғоҳо...

Оқармади қутилган тонглар...

Бари кўз олдига келади бир-бир,  
Кўрингандек мўъжаз дарчадан осмон.  
Балки, кўзларига жойлаб оқландир  
Минг йиллик тарихи

Бизнинг отахон.

Кўзда ухлаб ётар гўзал бир диёр,  
Сепга ёлчимаган илоҳий бир қиз.  
Хаёлчан шовуллар унда пахтазор,  
Жимгина мудрайдди бог-роғида куз...  
Мармар тоқчаларда шамдан оқиб нур,  
Минг хил жилваланар тилла нақшларда.  
Кимхоб тўнлиларнинг юзиди сурур,  
Термалар тинглайди зўр бахшилардан...  
Ташқарида...

Пахта толаларида

Музлаб қолган терлар...

Тун гоят қаро.

Кўнишган ғўзалар — болалари-да,

Эгатлар ичиди юпун Бухоро!  
Ойдан ҳам ёғилиб турган сўлғин нур  
Ғўза баргларида тушиб музлайди.  
Ойнасиз, пойсувоқ кулбадан кимдир  
Музлаган юлдузга қараб бўзлайди...  
Сиқилиб кетади Бобо нафаси  
У замонга қайтиб қолгандек гўё.  
Хайрият,

эшитилар шпиндель саси,

Хайрият, бу бизнинг яшарган дунё...  
Ана, пахтазорда эваралари,  
Мана, мармар ҳовуз ва қуюқ соя.  
Қоқ ўртада шйпои,

залварли,

Гўё тарашланган буюқ оқ қоя!  
Не-не карвонларнинг товоғи ботган  
Саҳрода ўстиролди Бобо гнёҳлар.  
Шабнам шовуллаши даштни уйғотган,  
Сувнинг жилвасида минг хил бўёқлар.  
Мовий ариқларда чўмилар осмон,  
Тинган ҳавода юлдузлар бўйи.  
Ғўза япроғида мудраган достон —  
Чолнинг асрий ва жумбоқ ўйи!

IV

Бунда...

Асрий толлар сояларида  
Босиб-босиб кўк чой хўплар

отахон.  
Саратон ранглари — ҳикояларида,  
Хаёлда тиниқар мунбуш саратон.  
Ота ўйларидек қайнаб,

охири —

Қиём бўла бошлар асл бўёқлар —  
Бу мавсум —

меҳнатнинг буюқ тақдири,  
Ҳовуч-ҳовуч нурга тўла чаноқлар!  
Чаноқларки,

ўшар гул юлдузларга,  
Пахтазор мисоли юлдузли осмон.  
У сеп — Африкадаги юпун қизларга,  
Унинг толасига сингиб кетган тоғ...  
Томчида бўлгандек деңиз нафаси,  
Оддий чигитларнинг қат-қатларида —  
Кўёшнинг туганмас энергияси  
Айланади

тинчлик солдатларига!

V

Пахта йўли тарихдек узоқ,  
Пахта деганимиз — меҳнаткаш ўзбек.  
Олтин узук бўлса гар бу тупроқ  
Бу сўз ярашади бриллант кўздек.  
Чигит эккан пайтлар бизнинг отахон  
Тўқилмаган Бобил афсоналари;  
Мунгли оятларни билмаган замон,  
Уларни тугмаганди ҳали

оналари...

Пахта, ғўза, кўсак...

Бу сўзлар, балким,  
Саналмиш Бобонинг энг зўр ижоди...  
Пахта тақдири-ку тақдиринг, халқим,  
Пахтанинг ҳаёти


сенинг ҳаётинг!

Буюқ ижодларинг кўл эрур гарчанд,  
Лекин, қирқта бўлса бошқа қилиғи:  
Хусусан: пахтаимиз...


Айтилар баянд:  
Ўзбек диёрининг сўнмас қўшғи!  
Нингоҳлари минглаб эгатларида  
Чол ўйлар нур тўла чаноқларини.  
Олис қўнғироқнинг мунгли саслари  
Силар саратоннинг бўёқларини;  
Соқин пахтазорлар тарихин сўйлар  
Бобонинг осуда ҳикоялари...

Ана, йўлда яна карвонлар келар,  
Тошқин булутларнинг оқ қоялари.  
Яна Бобо сарбон — у карвонбоши,  
Бу, ахир минг йиллик тарих талаби.  
Улкан хирмон узара Шарқнинг қўёши,  
Гўё чол бошида

олтин тож каби!



3. ОХУНОВ чизган



Туркистон ҳарбий округи қўшинлари тарихи музейининг катта залида.



Урта Осиёда Совет ҳокимиятини барқарор этишда фаол иштирок этган коммунист жангчи Саидмурод Тошхўжаев музейнинг ишларига яқиндан ёрдам беради.



Истеъфодаги генерал-майор И. Бекжоновнинг ордени ва шаҳодатномаси.

## ЖАНГОВАР

## ТАРИХИМИЗ

## ШОҲИДЛАРИ

Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари тарихи музейи 1965 йилнинг майида — фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалабанинг 20 йиллиги кунинда очилган эди. Музейнинг йил сайин янгидан-янги экспонатлар билан бойиб бораётган бўлимлари Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг шонли кураш йўлини кўрсатишга бағишланган. Унда Туркистонда Совет ҳокимиятининг қарор топини, Қизил гвардия ва Қизил Армиянинг ташкил этилиши, ташқи ҳамда ички душманларга қарши кураш акс эттирилган, округ қўшинларининг урушдан олдинги ва тинч курилиш йилларидаги фаолияти ўз ифодасини топган.

Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг Улуғ Ватан урушидаги роли, фронтлардаги иштироки каттагина махсус бир бўлимини ташкил этган.

Урушдан кейинги даврда округимиз қўшинларининг мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш, уларни янгидан-янги техника воситалари билан қуроллантириш жараёнлари экспонатларда мужассамлантирилган.

Музей материаллари Коммунистик партияимизнинг Совет Қуролли Кучларига раҳбарлиги, Армия ва ҳаққимиз-

нинг бирдамлиги, социалистик мамлакатлар қўшинларининг қардошларча ҳамкорлиги ҳақида ҳикоя қилади.

Байроқлар залида округ қисмлари ва қўшилмаларининг жангларда шон-шарафга бурканган жанговар байроқлари сақланмоқда.

Ленин залида Совет давлати ва Қуролли Кучларининг асосчиси доҳий-миз Владимир Ильичнинг ҳаёти ва фаолияти акс эттирилган.

Музейни яратишда унга жанговар тарихимизнинг шоҳиди бўлган ҳужжатлар ва экспонатларни тўплашда Граждандар уруши ҳамда Улуғ Ватан урушининг иштирокчилари жонкуярлик билан яқиндан ёрдам бермоқдалар. Кўпгина ташкилотлар ва ветеранлардан ҳамон қимматли материаллар келиб турибди. Граждандар урушининг қатнашчиси Д. Кордуб музейимизга Фарғона frontiдаги воқеаларни акс эттирган фотосурат ва ҳужжатлардан иборат альбом тақдим қилди. Граждандар урушининг қаҳрамони Панченконинг набираси бизга бобосининг «Революцион ҳаракат қаҳрамонига» нишони билан шаҳодатномасини юборди. Истеъфодаги генерал-майор И. Бекжоновдан Бухоро Халқ республика-

сининг «Иккинчи даража Юлдуз» орденини олди. Қирғизистонлик қизил гвардиячи М. Чернов Пржевальск гарнизони жангчилари учун ўзи ясаб берган гранаталаридан бир нухасини тайёрлаб юборди.

Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари тарихи музейи ёш авлодни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбияловчи таълим ўчоқларидан бирига айлиниб бормоқда. Музейда муайян мавзуларга бағишланган экскурсиялар, уруш ветеранлари ва Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари билан учрашувлар тез-тез уюштириб турилади. Тантанали суратда пионер ва комсомол сафиқа қабул қилиш маросимлари ўтказилади. Ёш жангчилар Байроқлар залида Ватанга садоқат изҳор этиб, қасамёд қиладилар.

Ҳозирги вақтда музейимиз коллективи СССР ташкил товланганининг 50 йиллигини муносиб кутиб олишга зўр ғайрат-иштиёқ билан тайёргарлик кўрмоқда.

**О. РАЕВСКИЙ,**  
Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари тарихи музейининг бошлиғи



1920 йили Қирғизистоннинг Пржевальск шҳрида М. Чернов ясаган қўл гранаталардан бири.



Граждандар уруши қаҳрамони Н. Домининга мукофотга берилган фахрий қилич.



Командир Усмон Лайлиев босмачиликка қарши курашда кўрсатган jasорати учун шу эгар билан тақдирланган эди.


С. БЕЗНОСОВ фотолари

# МАТОНАТ УНУТИЛМАЙДИ

Ер юзиде зилзила даҳшатини бошидан нечирган шаҳарлар жуда кўп. Лекин табиий офат Тошкентдаги наби ўнарлик билан, тўхтовсиз хуруж қилган шаҳарлар саноқли. Уша оғир кунларда мамлакатимизнинг барча республикаларидан ўн мингларча кишилар тошкентликларга ёрдамга етиб келишди. Бугунги кунда эса Тошкент Шарқнинг энг гузал шаҳарларидан биридир. Бироқ ўша уч йил давом этган машаққатли кунлар насорати халқимиз қалбиде мангу унутилмайди. Яқинда қувшили Ўзбекистонимиз пойтахтида табиий офатдан голиб чиққан совет кишиларининг мардлиги, жасорати шарафига ёдгорлик тиклаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ҳозирги пайтда «Матонат» деб аталган бу ёдгорлик лойиҳаси тасдиқланган. У Анҳорнинг хушманзара соҳилида, Тантаналар хиёбонининг бошланишида қад кўтарди. Ёдгорлик гранит тошлар билан қопланган маҳобатли супа устига тикланади. Бу аломат эҳромнинг ҳажими жуда улкан бўлади: унинг ичига хийла натта музей жойлашади. Эҳромнинг энг тепасига пўлатдан ясалган тўртта тўңиқиз метрли ҳайлан ўрнатилди.

Ёдгорлик комплексини 1974 йилда — ЎзССР 50 йиллигига битказиш мўлжалланган.



«Матонат» монументининг лойиҳаси.

Архитектор А. ЛИСС чизган



Уша йиллари шаҳар четида панелли уйнинг юқори хоналаридан бирида ҳаёт кечирардим. Қўни-қўшилар билан менинг ишим йўқ. Уларнинг ҳам мен билан иши йўқ. Уларни эрталаб пайш шойиш кетаятганларида ва кечки пайш йўл-йўлақай бозор қилиб, болаларини боғчалардан етаклаб қайтаётганларидагина кўрардим. Рўпарадаги хонада бир кампир қизи билан истиқомат қиларди. Қизи қўликина, хўшбичим, чиройлилигини ўзи ҳам биладиган жувонларга ҳос виқор билан юрарди. Улар мен отпусқада юрган кезларимда саратоннинг охирлариде кўчиб келишган экан.

Ҳар кунни саҳар мардондан сутчи қиз эшикни чертади. Коса кўтариб чиққанимда эшигини оқдстигина ёпиб тушиб кетаятган қўшни кампирни кўраман. Челакини олиб пастга тушаётганимда яна иргалиб-ирғалиб зинадан чиқиб келаятган бўлади. Бедор ўтган тунданми, хасталикданми, ҳаммаша юзлари сўлгин, кўзлари хира. Лекин кампир ҳеч қачон саломини қанда қилмайди.

Хонадоннинг бир ажайиб сайроқи каклиги бор. Каклик тоғ ёрмишасиданоқ чунонам сайрайдики, овозидан ҳовли ҳам янграб кетгандек бўлади. Мен ўринда ётиб хониси қилаётган каклик овозини кунда бир хил хаяжон билан тинглайман, узоқ хотиралар ёдимга тушади.

Дам олш кунни эди. Чошгоҳда кимдир эшикни аста тикиллатди. Қарасам — кампир.

— Куввим келди. Угра қилиб берай дедими. Қарасам мурч тугаб қолибди,— деди у даҳлизда туриб.— Қизимга тайинлаганман, бозорга бошига борибдию эсдан чиқарибди. Эри билан бирга эди...

Чорак соат ўтга-ўтмас эшик яна тақиллади. Кампирнинг қўлида иккита чинни коса; қашин ва кўкилбэ сепилган қатқили ўргали косадан буғ қўтарилиб турибди, иккинчи косада тўқ сарик дўлана.

— Нима қилардингиз, буви, ташвиш чекиб,— дедим ушлиб.

— Нимаси ташвиш, болам, қўшничилик. Олинг, ош бўлсин. Буниси дўлана. Тоғдан олиб келибди куввим. Табарруқ. Бу ерларда дўлана сотиш одат эмас экан. Биз тарфларда бозор тушсангиз дўлана хидига бошимиз айланади. Олинг, болам.

Бу сафар кампирнинг куввини кўролмадим. Лекин кампир билан апоқ-чапоқ бўлиб кетдик. У тундор кўринса-да, жуда меҳрибон, кўнгли очик экан. Кувви ўз хешларидан бў-

либ, Ҳисор тоғининг аллақайси ўнгирида қидирув ишлари олиб борармиш. Қизи савдо институтини тугатибди, шаҳардаги катта универмагдә ишларкан.

Қизи дам олиш кунлари ҳам уйда бўлмас эди. Кампир эрталаб уни ишга кузатиб қўйгач, даҳлизни супуриб-сидирар, шундан сўнг какликни қафаси билан кўтариб пастга, ҳовлига тушиб кетар эди. У барглари тўкилиб яёдоқ бўлиб қолган қари тутга суяниб ўтирарди.

Бир кунни унинг олдига бордим. Сурилиб жой берди. Куз қуёши тўртинчи қаваот томида қалашиб кетган антенналарга илина-илина, найзага кўта-

— Бу жонивор ҳам ерни соғинади,— кампир каклик ҳаракатларини кузатаркан, хомуза тортиб гапирди.— Қизим ишда, куввим ойига бир келса. Ёлғиз икковимиз бўланганиздан кейин бир-биримизга суянаемиз-да. Лекин ёввойи ёввойилгига бораркан. Сабзвини тўғраб берсам емайди. Бунга лойга белангани керак. Бугўдони ҳам лойга қорштириб бераман...

Ярим соатлардан кейин кампир ўрнидан турди. Юмшоқ тупроқда чўмилиб ётган какликни қафасга солди.

Қиш оёқлай деганда узоқ муддатли командировкага кетиб, баҳорда қайтдим. Кампир ўша кунбёқ ҳолимдан хабар олгани кирди. Қўярда

тўзим берсин, деб ҳайрон қолишадим.

— Тушунаман,— деди кувв неғадир хотинга маъноли қараркан.— Мен нима ҳам қилай. Мана — қизингиз. Менга қолса қишлоқда турганларнинг маъкул эди. Ҳар қалай менинг ҳам кўнглим тўқ бўларди.

— Ун беш йил қишлоқда турман, деб ўқиган эканманми? — Ёш жувоннинг қўзлари қақнаб кетди.— Майли, онам қишлоқда тура қолсинлар, зоримиз бор, зўримиз йўқ...

— Сени ташлаб-а?! — кампир қизининг оғзидан гапни юлиб олди.

— Уларнинг қелишинлар.— Кувв пиёлини лабига тутди.

— Қизик устида айтдим қўйдим-да кўнглимдани,— болаларим...

Қафасда каклик типирчилади. Бурчакка суяб қўйилган арча шохини кўриб қолдим. Афтидан арчани геолог тоғдан олиб келган. Кампир тиззаларини қирсиллатиб ўрнидан турди-да, бориб қафас дарчасини очди. Каклик дастлаб бошини қиқарди, сўнгра сакраб намагга тушди. Бўйинини у ён-бу ён эгиб, ўтирганларга ажабсиниб қаради. Геолог йигитни айлиб ўтиб, бурчакдаги арча шохига яқинлашди. Бирдан эпчиллик билан арча орасига тумшугини тикди ва апил-тапил чўкиб, нина баргларини оёғи остига олди, ўткир панжалари билан эзиллаб тўпина бошлади. Кувв йигит ишшадан пиёлага минерал сув қуярди. Сувини қулқуллашини эшитган каклик бир сакраб пиёла ёнида пайдо бўлди. Пиёладаги сув юзиде пуфакчалар ўйнади. Каклик бир сувга, бир ишшага анграйиб қараб турди, турди-да, тўсатдан бўйини ичкари тортиб сайраб юборди.

— Вой, жонивор-ей! — Кампир какликни қўлига олиб чиройли бошини силарди.— Бу-ку бир тилсиз жонивор. Шу ҳам қадрдон тоғини, арчанинг исини, булоқларини кўмсабди.

«Эрталаб какликнинг кўнғироқдек овозидан уйғониб айвонга чиқдим. Чор-атрофдаги тўрт қаватли уйларнинг деразалари зимбиз, ғира-шара тоғ отиб келар эди. Даладан эсаётган шабада уйларга уриллар, ўзига йўл излар, панжаларини ялар эди... Шунда мен бу баланд биноларнинг тоғларга, саррин шабададининг эса сувуқ ва хилват дарааларда адашиб юрган сарсар елларга ўхшашини пайқаб қолдим. Чаманда какликнинг тоғ кезлари жўшиб сайрашининг боиси ҳам шунда экан шекилли.

Каклик овози тобора авжига чиқар, темирбетон деворларга урилганда жарангдор акс-садо қайтар эди,

Термиз

## ҚАДРДОН

Ҳикоя

## ҲИДЛАР

Менгзиё САФАРОВ

рила олмай, жанубдан ўтиб борарди. Тафти қуқсиз. Аммо нури кишини элитар ва аллалар эди. Аҳён-аҳёнда энгил шабада тут шохларининг учиде қолган яккам-дуккам япроқларни чирт узиб туширади. Қафасдаги олазарак каклик бўйини чўзиб япроқ парвозига қараб қолади.

— Бунга ўрганиб қўлбман,— деди кампир какликни кўрсатиб.— Бездор. Қўлга ўрганган. Қафасдан бемалод чиқиб юрареради, учиб кетмайди... Мана, қаранг,— кампир қафас дарчасини очиб, ўнг қўли билан қатаккан какликни тўшшдан турди. Каклик хурпайиб патларини силқитди. Тўқ жигар ранг тумшуги ва кўз жиякларига қон қуйилгандек эди.— Ана энди яйраб юради.

Кампир айтгандек, қўш биздан сал йироқлашди-да, водопровод хандақларидан казиб чиқарилган тупроқ уюми четиға бориб, багрини илқ тупроққа босди. Чипор қанотларини сал ёйиб, қизғиш панжалари билан юмшоқ тупроқни тикилаб орқага ота бошлади. Тумшугини дичоқ қайрагандек кесаққа суртиб-суртиб оларди.

қўймай кир-чирни йиғиштириб олиб чиқиб кетди.

Панжалари айвончада салқи электр симларига қўниб чуғурулашган қадирғочлар ва майналарни томоша қилиб турган эдим, подьездимиз рўпарасига усти ёлпқ машина келиб тўхтади. Кабинадан бошига қора төлпакни бостириб олган, юзлари қип-қизил, яғриндор йигит тушди. У кампир тўрадаган хонанинг дарезасига қаради-да, қўл силқиди. Йулақда эшик шитоб билан очилиб шойлиб пастга тушиб кетаятган қизининг қадам товушлари эшитилди.

Кечкурун кампир кириб, мени қийноқ-қистов билан олиб чиқиб кетди. Айвончага жой қилишди. Йигит билан танишдим. Гапта чечан экан. Кампирнинг оғироёқ қизи бир замоналар гул-гул ёнган юзларидаги доғларини яшириш учунми бошини кўтармай дастурхон попуқларини ҳимариб ўтирарди...

— Қизингиз зериктирмаяптими, хола! — деб сўради йигит уйишган оёқларини хонтехта тағига узатаркан.

— Нимасини айтэй, болам. Қишлоқдан келадиганлар бардошингизга



# УКРАИНА СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ

Ягона оилада

В. В. ШЧЕРБИЦКИЙ,

КПСС Марказий Комитети Сийсий Бюроси аъзоси, Украина ССР Министрлар Советининг раиси

## ПОРЛОҚ ИСТИҚБОЛ

Украина меҳнаткашлари буюқ Ватанимизнинг бошқа халқлари билан биргаликда КПСС XXIII съезди қарорлари ва КПСС Марказий Комитети ҳамда Сийсий бюроси кўрсатмаларини бажара бориб, ўтган беш йиллик давомида катта муваффақиятларни қўлга киритдилар ва коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишга ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшдилар.

Республика халқ ҳўжалигининг барча тармоқлари сон жиҳатидан ҳам, сифат жиҳатидан ҳам ўсди. Саккизинчи беш йиллик давомида ҳозирги замон техникаси ютуқларидан фойдаланиб, 250 дан ортиқ йирик саноат корхоналари қурилди, юзлаб завод ва цехлар реконструкция қилинди. 310 корхона, 3 мингдан ортиқ цех ҳамда участка комплекс механизациялаштирилди, автоматлаштирилди, автоматлаштирилган ва механизациялаштирилган 8 минг линия ишга туширилди, 96 автоматлаштирилган бошқариш системаси ва шохобчалари фойдаланиш учун топширилди. Ана шундай тадбирларнинг амалга оширилиши юқори унумли техника асбоб-ускуналарини узлуксиз ишлаб чиқариш имконини берди.

Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг кенг программасини амалга ошириш борасида ҳам улкан ишлар қилинди. Колхоз ва совхозларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди.

Халқ ҳўжалигининг юксалиши, иқтисодий ютуқлар меҳнаткашларнинг реал даромадини ошириш, жамоат фондиди кўпайтириш, чакана товар оборотини яхши йўлга қўйиш имконини берди. Бу тадбирлар Совет Иттифоқи халқлари қатори республикамиз меҳнаткашларининг ҳам моддий ва маданий ҳаётини яхшилаш, турмуш маданиятини юксалтиришга олиб келди.

Мамлакатимиз иқтисодини ривожлантиришга Украина ишчилари, колхозчи ва зўлиларининг қўшаётган муҳим ҳиссаларини қайд этиш билан бирга, давлатимиз, шунингдек ҳар бир республика эришаётган барча муваффақиятларда жамиятимизнинг сийсий ва ғоявий бирлиги халқларимизнинг дўстлиги ва қардошлиги катта роль ўйнаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Шунинг учун ҳам биз коммунистлар, бутун Украина меҳнаткашлари, республикамиз эришаётган муваффақиятлар бутун совет кишиларининг қўрамонона ва ижодий меҳнатлари туфайлидир, дейишга ҳақликимиз. Украина иқтисоди, фани, маданияти барча совет республикаларининг иқтисоди, фани, маданияти билан ҳамкорликда, халқларнинг бузилмас дўстлиги, ленинча миллий сийсат асосида ривожланмоқда.

Бу муваффақиятларни қўлга киритишимизда ўзининг кундалик буюқ ташкилий ва сийсий ишларида ҳар бир республиканинг гуллаб-яшнаши ва Совет Иттифоқидаги барча халқларнинг бахт-саодати тўғрисида тинмай қайғураётган, ғамхўрлик кўрсатаётган КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳўкумати-нинг хизматлари беқийбдир.

Янги беш йиллик Украина Совет Социалистик Республикасига ҳам порлоқ истиқбол йўлларини очиб беради. Саноат ва қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини тез суръатлар билан ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш ва капитал қурилишнинг кенг программаси белгиланмоқда. Бизнинг республикамиз бундан бўён ҳам мамлакатнинг иссиқлик энергияси, металлургия, кимё ва машинасозлик базаси сифатида ривожланиб боради. Электр қуввати ҳосил қилиш бир йилда ўртача 200 миллиард килловат-соатга, кўмир қазиб олиш — 215 миллион тоннага, пўлат эритиш — 54 минг тоннага етказилди.

Янги беш йилликда биз саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини янада оширишимиз, капитал маблағ сарфлашини кўпайтиришимиз ва меҳнат унумдорлигини яна ҳам ўстиришини жадаллаштиришимиз керак. Бунинг учун такомиллашган машина ва ускуналарни, хусусан, электрон-ҳисоблаш машиналари ва автоматлаштириш асбоб-ускуналарини кўп ишлаб чиқаришимиз зарур. Беш йилликда автомат бошқариш системалари 3,4 марта ортади.

Саноатни ривожлантиришга ажратиладиган капитал маблағнинг 3,2 қисми корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан таъминлашга сарфланади, бу ўз-ўзидан корхоналарнинг иқтисодий самарадорлигини ошириб, меҳнат шaroитини яхшилайди. Бу тадбирлар сановатимизнинг ҳамма соҳаларида амалга оширилади. Моддий бойликлар ишлаб чиқаришнинг ўсиши билан республиканинг миллий даромади ҳам 37—39 процентга кўпаяди.

Украина коммунистлари, бутун украин халқи КПСС ленинча Марказий Комитети раҳбарлиги остида буюқ Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши ва бахт-саодати йўлида КПСС XXIV съезди Директиваларини амалга ошириш ва янги беш йиллик планларини муваффақиятли адо этиш учун бутун куч ва имкониятларини ишга соладилар.

(КПСС XXIV съездида сўзланган нутқдан)




Украина ССР Фанлар академиясининг президенти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Борис Евгеньевич Патон совет фанига улкан ҳисса қўшган олим.



Львов Автобус заводининг янги маҳсулотлари йўлга чиқди.





Электростанцияларимизнинг тўнғич гиганти Днепр ГЭСи.

В. И. Ленин номидаги Донецк металлургия за-  
водининг натта мастери, Социалистик Меҳ-  
нат Қаҳрамони Владимир Волков.



Украина ССР Олий Советининг биноси.



Украин шахтёри Иван Иванович Бридно Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга биринчи қазовор бўлган атоқли ишчи.




Олтин бошоқлар.



Украин қизи.

Херсон яқинидаги «Аскания-Нова» заповедниги табиий фанларимизнинг илмий-текшириш марказларидан бири бўлиб қолди.

«Динамо» командаси ҳамisha ҳужумкор.



Уртадаги рангли соҳифада акс этган лавҳа украин халқининг тарихидан ҳиола қилади. Қардош халқларимиз оиласида украин ва ўзбек халқлари мустаҳкам дўстлигининг рамзи бўлган бу мозаик панно Тошкентдаги Т. Шевченко номи 110-мактаб биносига ўрнатилган.

Г. ГРАФКИН ва А. ВАНШТЕЙН фотоси





Маховна яқинида Гранданлар уруши қаҳрамонлари хотирасига урнатилган ҳай  
Киевдаги Номаълум солдат қабирида мангу олов қаҳрамон шәхидлар шухратиден  
қачон учмайди.







Совет Қуроли Кучларининг қудрати она юртимиз дахлсизлигининг метин гаровидир.  
Баҳодир жангчиларимиз Ватан буйругига ҳамиша тайер.

Г. ГРАФКИН фотолари



# Ерни севган эл таронаси

## Фаргона



Пахтазорда сув тарарди қўлида кетмон била,  
Феъли кенглик баҳс этарди чети йўқ осмон била,  
Аския айтиб куларди гоҳида меҳмон била,  
Олам аҳли билмағай ҳеч бундайин мардонани.

Сўзни нозик ҳис этолмас ҳеч бир элда бунчалик,  
Тобланибди меҳнат ила гармселда бунчалик,  
Йўлда ҳормоқ билмас асло — нони белда, бунчалик  
Кўрмаганман турфа хислат тўплаган фарзонани.

Майли менга ўз сирини очмаса ҳам Ахсикат,  
Хотирамда тиклагайман унга монанд мамлакат,  
Ерни севган элни кўрдим бир-бирига ҳамжиҳат,  
Ҳар қадамда учратар ким изласа дурдонани.

Журжи Зайдон тасвир этган, бунда, оташхона йўқ,  
Утга арзи-ҳолин айтган битта ҳам мағона йўқ,  
Фонийи мағоналарга нил бўёқ соғона йўқ,  
Дилқушо водийки, эслатгай яшил кошонани.

Эл ичиди номи қутлуг фанда Фаргоний қадар,  
Бунда ҳар дехқон мусаввир касбида Моний қадар,  
Бир умрга бўлдим ошиқ Шайх Санъоний қадар,  
Билмадим, қандай яшардим севмасам Фаргонани.

Эски йўлда янграр эди янги наволар,  
Кучга тўлиб нур сочарди қариган қуёш.

Ҳар бир мева туғилади куртак ва гулдан,  
Аммо озми атир гулдан мевасиз гуллар!  
Йўқ, мен қийиқ қидирмадим бу ерда қилдан,  
Манзил сари элтмас экан дуч келган йўллар.

Мен танлаган йўл ҳаётга бегона эмас,  
Мўъжизалар учрамайди унда эҳтимол.  
Балки ҳеч ким тақдирини қилмайди ҳавас,  
Сенга атаб эколмасам битта ҳам ниҳол.

Қоронғуда йўқотарман, балки, йўлимини,  
Балки бир тош йиқитади адашганимда,  
Балки биров мадад берар кўриб ҳолимини,  
Балки куним битар сенга туташганимда.

Аммо сенга қилмағайман зарра хиёнат,  
Қасам ичиб бермаганман гарчи қатъий сўз.  
Сен мангусан бу дунёда, мен — бир омонат,  
Эзгу ҳислар ичра, лекин, ёнурман ҳануз.

Паризодим, сени излаб тоғларга бордим,  
Айтолмадим ўйлаб юрган саволларимни,  
Аммо, топиб юпансин, деб, қўйиб юбордим —  
Тоғ бурғутни каби ўжар хаёлларимни.

## Паризодим



Паризодим, сени излаб тоғларга бордим,  
Айтолмадим юракдаги саволларимни.  
Аммо, топиб юпансин, деб, қўйиб юбордим —  
Тоғ бурғутни каби ўжар хаёлларимни.

Ўзим жавоб беролсайдим,  
Бошимни эгиб,  
Шамол каби югурмасдим, қўним билмасдан.  
Шивирламас эдим ҳар бир дарахта тегиб,  
Ҳатто тоғлар сўзлар эди сукут қилмасдан.

Пишқирарди ювosh бўлиб қолган дарёлар,  
Хазон бўлган лала қайта кўтарарди бош.

## Муқанна

Биламан, азимин, мен ҳам биламан  
Жасур Муқаннининг воқеасини.  
Эҳ, сизга ҳижжалаб нима қиламан,  
Фидойи одамнинг фожиясини.  
«Ёв олса ватанин олибди, лекин,  
Дўппи топилади омон бўлса бош», —  
Дея тинч кечирса бўлмасмиди кун!  
Нега лоқайдликка бермади бардош!  
Юртинг катталари бор эди, ахир,  
Ахир, бор эди-ку лашкарбошилар!  
Аммо, нега уни кўтарди аср!  
Ўйлаб, тажрибасиз ақлим шошилар.  
Қилич Муқаннани енга олмади,  
Енга олгани йўқ тўмонат аскар.  
У мағлуб бўлмасди курашда балки,  
Душманлар юзма-юз келганда агар.  
Лекин ҳамма ерда тарқалди иғво,  
Иғво ҳам бўлурми шунчалар гўзал.  
Ҳақиқатдаи содда, илҳам ва тугал.  
«Бу — бўҳтон, туҳмат!», деб оҳ

урмади у,  
Ўзини оқлашга қилмади шитоб.  
Устозу дўстига югурмади у,  
Ҳеч кимни қоралаб ёзмади китоб.  
Вақт деган ҳакам бор ёруғ дунёда,  
Ечилмай қолмайди бирорта тугун.  
Минг йил Хошим номи бўлди қоп-  
қора,  
Аммо эл олдиди оппоқдир бугун.

## Дарё

Сабобатли дарё оқар  
Чайқалиб беғам,  
Менинг яхлит ҳаётимни  
Иккига бўлиб.  
У қирғоқдан эшитилар  
Таннш бир оҳанг,  
Аммо унинг мазмунини  
Бўлмағай билиб.  
Уша оҳанг ором бериб  
Қулоқларимга,  
Ўрагимга қуяр аста  
Армон доғини.  
Йўллар аста бош уради  
Оёқларимга,  
Эсга солиб ҳаётимнинг  
Яхлит чоғини.

## Юлдуз



Агар севиб кўз остига олганинг бўлса,  
Агар бўлса юрагингга яқин тутганинг,  
Агарда сен интилганга у ҳам интилса,  
Завқли бўлур учрашувни зор-зор кутганинг.  
Мен бир қизни севган эдим тўшимда кўриб,  
Аммо излаб тополмадим одамлар ичра,  
У-чи, мени кузатаркан тепамда туриб,  
Йўлга қараб, қарамабман тепамга сира.  
Уни излаб не йўлларни пийда нездим,  
Уни излаб бошимани урдим тошларга,  
Умид билан менга қараб турганин сездим,  
Хижолату бахтдан кўзим тўлди ёшларга.  
У нур сочиб кулар эди менинг ҳолимга,  
Кулгисидан қуйиларди қалбимга таскин.  
«Алвидо» деб нафас уриб ҳижрон — зolimга,  
Ширин орзу кучи билан ўзимни босдим.  
«Уша юлдуз бўлар ҳамма дардингга даво.  
Уша юлдуз ёруғ қилар бир кун юзингни,  
Сен хиёнат қилсанг агар, у қилмас вафо».—  
Тинглар эдим хаёл суриб севгим сўзини.  
Энди мени юпатолмас ўтинчи ишлар,  
Энди менга таскин йўқдир гам бор жойларда.  
Энди менга бегонадир алдамчи тушлар,  
Туш ҳикматиин сўрамайман энди сойлардан.  
Энди беғам давраларда чувалмас фикрим,  
Энди худбин шуҳратга мен толиб эмасман.  
Ҳаммасини юлдузимнинг йўлига тикдим,  
Энди ундан бошқасига кўнгил бермасман!

## Чироқ



Ривоят

Бир чўпон яшаркан тоғ орасида,  
Ўзи кўқартирган боғ орасида.  
Гоҳ сурув ортисдан тинмай чопаркан,  
Гоҳ қизик нарсалар ўйлаб топаркан...  
Чақмоқ қилиб қалби изтиробларин,  
Жилваллаб фарзининг шўх гирдобларин,  
Табиятдан олиб андозасини,  
Очиб илҳомининг дарвозасини,  
Қилмоқ учун тунни кунга иттифоқ  
Кўёш нусхасида ясабди чироқ.  
Кенгайгандай бўлиб бу ишдан дунё  
Одамлар ўқирмиш унга тасанно.  
Бир «тавба» дермиш ёқасини ушлаб,  
Бир бош чайқармиш лабини тишлаб.  
Ҳар бир хонадондан олиб битта от,  
Бермоқчи бўлишди унга мукофот.  
Бир: «Олтин, кумуш берайлик», деди,  
Бир: «Мармар сарой қурайлик», деди.  
«Йўқ,— деди бошқаси,— қайси замонда  
Қўйдан бошқа нарса ёққан чўпонга!»  
Шу тахлит саналгач ноёб нарсалар,  
Ҳеч нима тенг келмас — ўйлаб кўрсалар.  
Маспахат бир ерга келмай қолибди,  
Одамларнинг кўнгли тўлмай қолибди.  
Шунда бири дебди қилни қирқ ёриб:  
«Ўзидан сўрайлик уйига бориб».

Уларнинг гапини эшитган замон,  
Ҳайрон бўлган каби қулибди чўпон,  
Тиниқ ақл билан беулчов ҳиммат  
Ато қилган экан унга табиат:  
Тўлдирмай элининг қалбини нурга,  
Олиб кетармади уни қабрга!  
Нечун, ахир, борди ижод йўлидан,  
Ижоди тутмас элининг қулидан!  
Уйларди, йўлларни аниқ кўрсатиб,  
Умрбод раҳнамо бўлиб турсам, деб.  
Аммо одамларда фикр ўзгача,  
Фикрдан туғилган экир ўзгача.  
Ерда тузоқ бор деб чўчиган қушдай,  
Улар кўнгли турар жойига тушмай.  
Хурсанд қилгилари келаверибди,  
Хурсанд бўлгилари келаверибди.  
Уни мақтаб-мақтаб ўлдирибдилар.  
Сўнгра тоғдан мармар келтирибдилар.  
Йўниб, моҳр билан беришиб сайқал,  
Боғда қўйибдилар чўпонга ҳайкал,  
Сўнгра кўнглилари тушиб жойига,  
Турфа гул экимшлар ҳайкал пойига.





# АТОМ СИРЛАРИНИНГ БИРИНЧИ КАШФИЁТЧИСИ

«...Инсон ақл-авновати табиатнинг жуда кўп ажойиб сирларини кашф этди ва яна кўпроқ кашф этади. Винобарин табиат устидан ҳукмронлигини ошириб бораверади».

**В. И. ЛЕНИН**



нги Зеландиянинг Крайстчерч шаҳридан чиққан физика ўқитувчиси йигирма уч ёшли Эрнест Резерфорд хушхабар эшитди: «1851 йил мукофоти»ни унга беришга қарор қилинибди. 1851 йилда Лондонда бўлиб ўтган умумжаҳон кўргазмасининг маб-

лагидан таъсис этилган бу мукофот Британия империяси вилоятларининг олий ўқув юрларини яхши битирган студентларга, уларнинг Англия университетларида амалий синов даврини ўттиришларида ёрдамлашиш учун берилиб туриларди.

Резерфорд Янги Зеландиянинг жанубидаги Брайтотер қишлоғида, 1871 йил 30 августда дунёга келди. У Шотландиядан кўчиб келган зигиркор фермер оиласидаги ўн икки фарзанднинг тўртинчиси эди. Камбағаллик, оғир жисмоний меҳнат ва доимий муҳтожлик бўлажак гениал физикнинг ёшлигидаюқ йўлдоши бўлди. Лекин булар уни чўчитолмади, хушчақчақлик, билим сари интилиш, касбга, ихтирочиликка ва деҳқон меҳнатига бўлган муҳаббат Эрнестда жуда эрта уйғонди. У бошланғич мактабдаёқ ўз қобилиятини кўрсатди. Урта мактабни битирганида унга берилган характеристикада: «Зехни жуда ўткир ва келажаги порлоқ математик», дейилган эди. Эрнест коллежда ўқишни давом эттирди.

Атомлар — мураккаб тузилган бўлиб, қандайдир майда заррачалардан ташкил топган... Бу фикрни Резерфорд, 1891 йилда, студентлик давридаги «элементар эволюцияси» деган доклада олдинга сурди. Докладчи моделлар тузилиши ҳақида оддий тасаввурга ҳам эга эмас экан, деган хулоса чиқарди. Унинг докладини тинглаган профессор ва студентлар: ахир, атомларнинг бўлинмаслиги 2000 йил илгаридан — Де-

мокрит даврдан буён маълум-ку. Резерфордни ҳеч ким ёқламади. Уни масҳара қилишди. Аммо унинг биронта ҳам тасдиқловчи далилга эга бўлмаган гипотезаси, йигирма йилдан сўнг коинот негизи — атом тузилиши тўғрисида кишилар онгидаги тасаввурни ағдар-тўнтар қилиб юбориш учун «хийлагина телба» фикр бўлди.

Кичкинагина совуқ омборхонада Резерфорд электрмагнит тўлқинларини тажриба йўли билан ўргана бошлади. У юқори частотали ўзгарувчан ток билан электрмагнит тўлқинлари ҳосил қилганда, улар пўлат симни дарҳол магнитсизлантиришини аниқлади ва секунднинг юз мингдан бир улушидан камроқ вақт ичида ўтадиган ҳодисанинг магнитсизланиш вақтини ўлчади. Тажриба яқини эълон қилинди ва одамларда кучли таассурот қолдирди. Камтарин тажрибачи эса коллежни битириб, ўқитувчилик қила бошлади. Бир неча ой ўтган, у «1851 йил мукофоти» билан тақдирланганини эшитди.

Мана Резерфорд — XIX асрнинг етмишинчи йилларида машҳур олим Генри Кавендиш хотирасига ташкил этилган Кембриж университети-нинг машҳур Кавендиш лабораториясида. Физика фанининг жаҳон миқёсидаги маркази ҳисобланган бу лабораторияга мазлум ва машҳур Жозеф Томсон раҳбарлик қиларди.

Зўр илмий ва ижодий фаолият муҳитида иш-тиёқ билан иш бошлаган Резерфорд олимнинг вазифасини нимадан иборат эканлигини дарҳол белгилаб олди. «Фан аҳли», — деган эди у, — ўзини айрим кишиларнинг фикри билан эмас, балки ўша муаммо устида бош қотираётган минглаб до-нимшандларнинг фикри билан боғлаши керак, улардан ҳар бири фан биносини тиклашда ўз улушини қўшиши лозим». Ўша вақтда, дарҳақиқат, фанининг улугвор биноси тикланмоқда эди. Жозеф Томсон атом таркибига кирувчи манфий электр заряди билан зарядланган заррача — электронлар мавжуд, деган фикрга келди. Германияда Рентген предметлардан ўтадиган кўзга кўринмас — «икс нурулар»ни, Францияда эса Беккерель — уран атоми таркатадиган, кўзга кўринмас нуруларни кашф этишлар. Кейинги ҳодиса-ри эр-хотин Кюрилар радиоактивлик деб атади-лар.

Рентген ва Беккерелларнинг кашфиётлари дарҳол бутун дунё бўйлаб тарқалди. Радиоактивлик билан боғлиқ бўлган физик ҳодисаларни ўрганиш бўйича жуда кўп тажриба материаллари тўплана бошлади. Аммо радиоактивликнинг мо-ҳияти нимадан иборат, деган савол пайдо бўлди. «Резерфорд биринчи бўлиб жавоб топди, — деб ёзган эди кейинроқ унинг шоғирди машҳур совет академиги П. Л. Капица, — агар радиоактивлик материянинг парчаланаш жараёни деб фарз қилинса, радиоактивлик билан боғлиқ бўлган физик ҳодиса дарҳол тушунарли бўлади, деган эди у». Атомларнинг бўлинмаслиги ҳақида бутун дунёда «рад этиб бўлмайдиган, узил-кесил фикр» ҳўкм сураётган шароитда материяни парчаланаяди, деб фарз қилиш учун қандай тасаввурга ва қандай далил фикрга эга бўлиш керак эди.

Рентген нуруларини Беккерель нурулари билан таққослаб, Резерфорд шундай хулосага келдики, Беккерель нурулари, гарчи улар кўзга таъсир эт-маса-да, Рентген нуруларига хос кўзга кўринув-чи нуруларнинг хоссаларидан фарқ қилади. Беккерель нуруларини кучли магнит майдонидан ўт-кази туриб, Резерфорд шу нуруларнинг икки ну-рулини ажратиб олишга ақраётганини пайқайди ва улардан би-рини альфа нурулини, иккинчисини бета нуру-лини деб атади. Шундай қилиб инсоният мо-деллар қаъридаги сирлардан биринчи бор воқиф бўлди. Атомнинг мураккаб тузилгани ва унинг бўлинувчанлиги ҳақида Резерфорд ёшлигидаги олға сурган гоё биринчи марта тасдиқланди. Амалий синов даврини ўтаётган йигирма олти ёшли Эрнестни Канаданинг Монреал шаҳридаги Макгил университети-нинг физика профессори ла-возимини эгаллашга таклиф этганларида, ҳеч ким абажланмади ҳам.

Ҳатто эскирган асбоб-ускуналарга ҳам муҳтож бўлган Макгил университети-нинг лабораторияси тадқиқот ишлари олиб боришга имкон бермас эди. Йигирма уч йил мобайнида Резерфорд уни инсоннинг табиат билан кураш олиб борадиган биринчи қалъасига айлантирди. Худди ана шу жангда Резерфорд материяни ўз сирларини очи-шга мажбур этиб, атом тузилиши ҳақидаги ҳозир-ги замон фанига пойдевор қўйди.

Уз ходимларини руҳлантириб, Резерфорд ўн саккиз-йигирма соатлаб ишларди. У радиоактивликка доир минг-минглаб тажрибалар ўтказди. Ҳатто олтиш йил ўтгандан кейин ҳам Резерфорд ишлаган «Физика биосинининг айрим хоналари деворларида кучли радиоактивлик излари ҳали ҳам сақланиб қолган. Ун йиллик тинимсиз меҳнати туйғай Резерфорд принципиал аҳамиятга эга бўлган натижага эришди: альфа нурлари — мусбат, бета нурлари эса манфий электр зарядлари билан зарядланган бўлади; альфа нурлари — электромагнит тўқинларидан иборат бўлмасдан, балки алоҳида турдаги физик заррача — альфа заррачадир; улар — гелий атомларидан иборатдир; фақат уран, радий ва торий элементларига радиоактив бўлмасдан, балки газлар — радий ва торий атомларининг емирилишидан ҳосил бўладиган газ ҳолидаги моддалар ҳам радиоактив бўлади; табиий радиоактивлик жараёнида (уран атоми ўзидан гелий атомини чиқариб, қандайдир бошқа атом бўлиб қолади) бир элементнинг бошқа элементга айланиши содир бўлади. Бу ва шунга ўхшаш бошқа ҳулосалар атомнинг бўлибмаслиги ҳақида фанда «қарор толган» тасавурини тамомилан рад этди. Бу ҳулосалар Резерфордга, инглиз физиги Содди билан ҳамкорликда 1903 йили радиоактив емирилиш назариясини яратиш имконини берди. Бу назария асосида ўн йиллаб физиклар авлоди таҳсил курди.

Резерфорд эришган натижа кўп кишиларни эсанкириб қўйди, улар эскирган тушунча билан фикр юритадиган, энг йирик физикларнинг ҳам ақлига сиғмади. Масалан, лорд Кельвин номи билан машҳур, инглиз физиги Вильям Томсон, 1907 йилгача — вафот этишига қадар, атомларни материянинг бўлибмайдиган заррачаси, деб ҳисоблаб келди ва радиоактивлик — атомларнинг емирилишидир, деган эътиборли фикрини ҳеч қабул қилолмади. Резерфорднинг фандаги мутаассибликка қарши кураши оsonликча давом этмади.

1903 йили Кирил жамияти — Британия фанлар академияси Резерфордни ўзига аъзо қилиб сайлади ва 1905 йилда эса уни Румфорд медали билан тақдирлади. 1907 йили Резерфорд Манчестер университетининг физика кафедраси профессорси лавозимига тақдир этилди. 1908 йилда Резерфордга Нобель мукофоти берилди.

Рентген, Беккерель, Пьер ва Мария Кюри, Резерфорд... Булар, XIX—XX асрлар чегарасида табиатшунослик бошидан кеңираётган янги ичкиланиш қадрамонали, ўзларининг меҳнатлари туйғайли материал ҳақидаги диалектик материализм таълимотининг асосий қоидаларини тасдиқлаб бердилар. Худди ўшарларнинг меҳнати, В. И. Ленинга, 1909 йилда «Материализм ва эмпириокритицизм» асарига қўйидаги фикрни айтишга имкон туғдирган улкан материал тайёрлаб берди: «Атомнинг бўлинувчанлиги, унинг битмас-туганмаслиги, материянинг барча формалари ва унинг ҳаракатларининг ўзгөрүвчанлиги ҳамisha диалектик материализмнинг таянчи бўлиб келди».

Манчестер университетиде Резерфорд бир ускуна ихтиро қилди, унинг ёрдамида альфа заррачалар — гелий атом эканлигини яна бир бор исботлади. У физик Гейгер билан ҳамкорликда альфа ва бета заррачалари сўчтигини — радиоактивлигини кузатадиган асбоб — Гейгер сўчтигини ихтиро қилди.

Резерфорд бутун диққат-эътиборини жалб этиб, ҳал қилмоқчи бўлган асосий масала — альфа заррачаларининг моддалар билан ўзаро таъсирини ўрганиш эди. Бу масала ҳал этилса, Резерфорднинг фикрича, у атомнинг янги силрлари ечиш имкониятига эга бўларди. Уша вақт га келиб, унинг ўстози Жозеф Томсон атом тузилишига доир ўз назариясини яратган эди. Бу назарияга биноан атом — мусбат заряд билан зарядланган шарча бўлиб, ичида манфий заряд билан зарядланган заррача — электронлар мавжуд, аммо электронларнинг манфий зарядлари бутун атом — шарчанинг мусбат зарядлари билан нейтраллашди, бинобарин, атом электр жиҳатидан нейтралдир.

Агар Томсоннинг назарияси тўғри бўлса, деб ўйлади Резерфорд, нейтрал атом мусбат заряд билан зарядланган альфа заррачга таъсир этмаслиги керак, бинобарин у юпқа металл қатламидан монесиз ўта олади. Аммо ҳар хил моддалардан ишланган жуда юпқа пластинкалардан ўтаётган альфа заррачаларини ҳисоблайдиган соддагина тажрибалар ақл бовар қилмайдиган нрсаларни — баъзи альфа заррачаларининг металл пластинкага урилиб, орқага тисарилаётгани ва сачраб кетётганини кўрсатди. Бу факт ақлга сиғмайдиғандек туюлди. Жумбоқ дарҳол жавоб топишни тақозо этарди. Бу жавобни Резерфорд топди: модда пластинкасининг ҳар бир атомида мусбат заряд билан зарядланган салмоқдор бў-

лак бўлиши керак — ана уша бўлак альфа заррачани орқага итариди; моддомки нейтронлар уша салмоқдор бўлгани нейтраллай олмак экан, демек улар — ундан ташқарида бўлади. Резерфорд атомнинг марказида жойлашган ўша салмоқдор бўлгани ядро деб атади. Шундай қилиб, атомнинг ядро модели пайдо бўлди. Хуллас, гениал шогирд буюк ўстозининг назариясини рад этибгина қолмай, балки коинот асоси — атомнинг тузилиши ҳақида кишилар онгидеги тасавурини мутлақо ўзгартириб юборди.

Резерфорд кашф этган атом планетар моделининг ичкилобий аҳамиятига баҳо бериб, инглиз физиги Эддингтон: «Уша моделин кашф этди, Резерфорд, Демокрит замонидан буюн келатган материяга нисбатан муносабатимизни тубдан ўзгартириб юборди», деган эди.

Янгилик излаётганда Резерфорд ҳамisha шогирдларини эргаштириб борарди. Агар шогирдлари унинг камчилигини тўлдирсалар ҳатто тузатишлар киритсалар, у гоът мамнун бўларди. 1913 йилда Резерфорднинг буюк шогирди Генри Моли (1914 йилда ҳалок бўлган) ядродеги мусбат зарядлар бирлигининг соми унинг атом номери билан эквивалент эканлигини исботлади ва муайян элементнинг Менделеев даврий жаъдалига урнини аниқлади. Бу кашфиёт Резерфорднинг кейинги ишларида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Уша вақтда унинг бошқа шогирди Нильс Бор, замонавий фан учун янгилик ҳисобланган, квантлар назариясига асосланиб, ядро атрофида айланувчи электронлар назариясини ишлаб чиқди ва ўзининг биринчи вариантда классик электродинамика принципларига асосланган Резерфорднинг атом назариясидаги камчиликлари бартараф этди. Атомнинг янги модели — Резерфорд-Бор модели — ҳозирги замон ядро физикасининг моясини ташкил этди, шу асосда радиоактивлик ҳодисаси ўрганила бошланди. Олимларнинг диққат-эътибори ядро физикасига мужассамланди.

Агарда альфа заррачаларини атом ядросини парчалай оладиган даражада тезлаштирилса нима бўлар экан? Унда атом ядроси ўзгарди, янги элемент ҳосил бўлади, сунъий равишда бир элементнинг бошқа элементга айланиши юз беради-ку. Импералистик урушдан аввал Резерфорднинг вужудини қамраб олган бу фикрни, у фақатгина Кавендиш лабораториясида амалга ошира олди. Бу лабораторияга у 1919 йили етмиш йили Жозеф Томсон истеъфого чиққанидан сўнг раҳбарлик қила бошлади. Катта энергияга эга бўлган радиоактив заррачалар билан элементларнинг атомларини бомбардицион қилиб, бинобарин шу билан ўша ядроларнинг тартибини ўзгартириб, Резерфорд фан тарихида биринчи ўлароқ бир элементнинг бошқа элементга айланиши — сунъий ядро реакциясини ҳосил қилишга эришди. Қизик бир тасодиф юзага келди: ўрта аср алхимиклари бир элементни бошқа элементга айлантиришни орзу қилишарди. XVIII—XIX асрлар фани Дельтондан бошлаб, алхимикларнинг уйдирмасини чиппака чиқарди ва атомларнинг бўлибмаслиги ҳақидаги фикрини мустаҳкамлади. Шундай бир вақиятда атомнинг бўлиниши исботланибгина қолмасдан (1902 йил), балки ўн етти йил ўтгач, бир элемент сунъий равишда бошқа элементга айлантирилди. Резерфорд, 1930 йилда ёзган ядро реакциялари ҳақидаги асарининг номини киноа билан «Янги алхимия» деб атагани бежиз эмас. Албатта, бу асарининг ўрта аср сохта фанига ҳеч бир дахли йўқ; у инсон ақл-заковати табиат билан курашадан нималарга қодир эканлигини рўйрост кўрсатиб берди.

Импералистик урушдан кейинги дастлабки йиллардаёқ Резерфорд ўн етти ядро реакцияси кашф этди. Унинг икюдий идрокидеги навбатдаги зафар, ядро таркибида, мусбат заряд билан зарядланган протон (водород ядроси) массасига тенг массали зарядланмаган заррачанинг мавжудлигини башорат қилиш бўлди. 1920 йили Резерфорд бу нарсани нейтрон деб атаб, унинг баъзи хоссаларини таърифлаб берди. Нейтроннинг атом қарнига оsonликча кира олиш қобилиятини ҳамда ёки унинг ядроси билан биринчи ёки интенсив атом майдонидан парчаланиб, пиротериди, эхтимол, «атом водород ёки электрон, ёкинги кира йўли икювини ҳам чиқардиган» бўлиши кераклигини алоҳида таъкидлади. Фақат 1936 йилда Резерфорднинг шогирди Чадвик Кавендиш лабораториясида нейтроннинг кашф этди. Ушандаёқ Резерфорд, атом энергиясидан фойдаланишда нейтрон катта аҳамият касб этаганини башорат қилган эди. 40—50-йилларда турли мамлакатларда дастлабки ядро реакторлари — нейтрон билан бомбардицион қилиш натижасида, айрим оғир элементларнинг ядролари бўлиниб, ўз-ўзини қувватлаб турадиган, занжир реакцияси ҳосил қилинадиган қурилма яратилди. Меҳнатга иштиёқи эър бўлган Резерфорд муҳтожда хуш-

чаққак, сергайрат, қувнок, дилкаш ва меҳмондўст одам эди. У саҳнат қилиш ва очиқ ҳавода спорт билан шугулланишни севарди. «Шогирдларим қаршимига йўл қўйишмайпти», дерди у ғурурланиб. Унинг шогирдлари кўп эди. Уларнинг кўпчилиги, шу жумладан совет олимлари Ю. Б. Харитон ва П. Л. Капица каби академикларимиз мушгўр физиклар бўлиб етишдилар. Резерфорд, олимларнинг катта икюдий коллективларини ташкил эта олган жаҳоннинг энг улуг физикларидан биринчилари қаторида туради. У 1922 йили СССР Фанлар академиясининг фахрий аъзоси қилиб сайланган. Инсониятга даҳшат соловатган янги импералистик урушларда, жиний мақсадларини кўзлаб, атом энергиясидан фойдаланиш нақадар хатарли эканлигини Резерфорд ҳам, унинг шогирдлари ҳам бир неча бор таъкидлаган эдилар. Фан ютуқларини тинчлик ва инсониятнинг тарақиети манфаатлари йўлида фойдаланиш мақсадида улар олимлари куч ва ғайратларини аямасликка дэъват этдилар. Резерфорд 1937 йили вафот этди. Резерфорднинг охириги сўзи мактабга қаратилган эди: Бор жамғармасини ватани Янги Зеландиядеги Нельсон коллежига топширини васият қилди. Резерфордин Вестминстер аббатлигидаги Нютон ва Фарадей қабрлари ёнига дафн этдилар.

Резерфорднинг кўпдан-кўп дўстлари унинг тўғрисида гапирганларида: «У табиатга энг муҳим саволларни беради», дейишарди. Биз эса: Резерфорд табиатга энг муҳим саволлар бериш билан қиёланмасдан, балки уни шу саволларга жавоб қайтаришга мажбур ҳам этарди, бинобарин, инсоннинг табиат устидан ҳукмронлигини ошириб боради, деб оламиз.

Резерфорд атом ҳақидаги фанга кенг йўл очиб берди. Шу йўлдан бориб жаҳон физикалари кўп ютуқларни қўлга киритдилар. Утом ҳақидаги фанга совет олимлари ҳам улкан ҳисса қўшдилар. Академик П. Л. Капица альфа заррачаларини импульсини аниқлади ва альфа заррачаларини оғдирувчи, ўта юқори кучлинига эга бўлган магнит майдони энергиясини ҳосил қиладиган мотор-генератор ихтиро этди. Капица ишлаб чиққан, ўта кучли магнит майдони ҳосил қилишнинг импульс методи ядро физикаси соҳасидаги тадқиқот ишларида ҳам, металлларни ўрганишда ҳам қўлланадиган бўлди.

Атом ҳақидаги ҳозирги замон фанининг ривожланишига мутафаккир совет олими Игорь Васильевич Курчатов гоът салмоқдор ҳисса қўшди. Унинг актив иштирокида урушдан аввалги йиллардаёқ Совет Иттифоқида атом ядросини парчалайдиган юқори кучлиниши қурилма ва Европада биринчи циклотрон ихтиро қилинди. Курчатов ва унинг шогирдлари ядро реакциянинг тармоқланиш фактини белгиладилар. Сунъий радиоактив ядронинг изомерларини аниқладилар, уранныннг ўз-ўзидан бўлинишини кашф этдилар, нейтрон ёрдамида занжир реакция ҳосил қилиш имкониятларини ўргандилар. Курчатов ва унинг шогирдлари раҳбарлик қилган юқори малакали илмий коллективларнинг меҳнати туйғайли мамлакатимизда атом қуроли, дунёда биринчи атом электрстанцияси, бирлашган ядро тадқиқоти институти, дунёда биринчи водород бомбаси яратилди. Курчатов ва унинг мактаби бошқариладиган термоядро реакциясини назарий томондан ишлаб чиқди ва уни амалда ҳосил қилди.

Курчатов Резерфорднинг ҳозирги замон атом ядроси ҳақидаги таълимотининг буюк асосчиси деб атади. Сунги ўн йил ичида физиканинг бутун тарақиети Курчатовнинг Резерфордга берган баҳосини тамомилан тасдиқлади. Резерфорднинг радиоактивлик назарияси, атомнинг планетар модели ва ядро реакцияси каби улкан муваффақиятлари физика ва техникага, уларнинг бир қанча соҳаларининг тарақиқи этишига улугвор ва ёрқин йўл очиб берди. Атом энергетикасининг муваффақиятлари ва сунъий радиоактив изотоплар санаотида, қишлоқ ҳўжалигида ва медицинада самарали қўлланилмоқда.

Бизнинг мамлакатимизда атом ҳақидаги фан иттифоқдosh республикаларимизда ҳам тарақиқи этмоқда. Бизнинг республикамизда атом ҳақидаги фанининг тарақиқи маркази ўзССР Фанлар академиясининг Ядро физикаси институтидир. Ўзбекистон физикалари атом заррачалари билан қаттиқ жисмлар сиртларининг ўзаро таъсирини ўрганиш борасида муҳим натижаларни қўлга киритдилар. Уша проблемалар устида республикамизда олиб борилаётган тадқиқот ишларидан ҳозирги замон фанининг кўп тармоқлари катта манфаат кўрмоқда. Бинобарин, Ўзбекистон физикалари ҳам, Резерфорд аъналарига амал қилиб, табиатга савол бериш билан қиёланиб қолмасдан, балки уни шу саволларга жавоб қайтаришга мажбур этмоқдлар.



# ҚИРҚ МЎЪЖИЗАНИНГ БИРИ

**Х**оразмда бўлганмисиз? Бўлсангиз, бу ерда қирқ мўъжизага дуч келасиз. Инсон саҳродан тортиб олган бу кенгликни воҳа деб атаган. Воҳа қишда Аму соҳили бўйлаб чўзилган яхлит ўрмонга ўхшаса, ёзда шаҳру қишлоқлар ёппасига яшил либосга бурканади. Қишин-ёзин саҳро воҳага, воҳа саҳрога ҳамла қилади. Лекин воҳанинг бели маҳкам.

Йилнинг 300 кунни ҳаво мусоффо, Қаҳратонда кўёш чарақлаб туради. Лекин унга ишониб телпак кийишни унута кўрманг, қулоқингизни совуқ уриб кетиши бор. Мана — қадимий Хева. Унинг

қалъа-кўргони баланд қояга, найза учли миноралари музлаб қолган шалолага ўхшайди. Гумбазлари мовий, камалак рангида товланади. Хевага талпинувчилар кўзига у бир фарсангдан шундай кўринади. Ана шу қадимги дарвозасида сизга мўъжиза юзма-юз бўлади.

Бу Ўзбекистондаги уч мўсафид шаҳарнинг бири. У кампада 2000 ёшда, Кўхна арк деворлари ёнида топилган ёдгорликлар шундан далолат беради.

Хеванинг ўрни қадимда ҳувиллаб ётган саҳро экан. Кўхна арк деворлари тепасига чиққан киши ҳозир ҳам жануб ва ғарб томон-

да мудраб ётган ўша бепойн саҳрони, лекин иккинчи томонида гуллаб ётган воҳани кўради. Мағрибдан машриққа, шимолдан жанубга йўналган катта қарвон йўллари худди шу ердан ўтган. Дунёнинг тўрт бурчини боғлаб турган шу қарвон йўллари бири-бири билан кешишган нуқтада ширин сув қудуқ пайдо бўлибди. Не мензилдан саҳрою биёбон кечиб келган қарвонбоши қудуқнинг муздек сувидан ташналигини қондиргач:

— Хей-во! — деб хитоб қилганмиш, Шундан қудуқ номи «Хей-во» бўлиб қолганмиш. Қудуқ атропои қарвон саройга, қарвон сарой шаҳарга айланиб, шу номи билан машҳур бўлган эмиш.

Қадимги Хева кўша қўргонли шаҳар, Ичон қалъа ўша замонларда қудуқ атрофида қурилган; Хева пойтахт бўлгандан кейин, Дешон қалъа қурилгач, унинг ичкарасида қолиб кетган.

Хева ўн олтинчи асрнинг сўнгигача атиги вилоят шаҳри, «Беи шаҳар»дан биттаси бўлган, холос. Ичон қалъа деворлари худди ана шу давр ёдгорлигидир. Ичон қалъада тўққизинчи асрнинг иккинчи ярмида қурилган Жоме масжиди бор. Унинг пишиқ гишт деворлари ярим белига қадар кўча сатҳидан пастанда қолиб кетган бўлса ҳам, бино ҳамон ўз қиёфасини йўқотган эмас. Қайрағоч устунлардан 18 таси ҳозир ҳам бутун. Улар ўйна нақшлар, жимжи-мадор кўфий хатлар билан сайқалланган.

Ичон қалъадаги нодир ёдгорликлардан яна бири ўн тўртинчи асрнинг дастлабки йиллариға манабу Санд Аловиддин мақбарасидир. Мақбара мустақкам асосда пишиқ гишт билан ганч қотишмасидан гумбаз шаклида қурилган. Мақбаранинг чап томонида унинг автори бўлмиш Пири Кулол қабри жойлашган. У сирланган сополга бурма нақш солиш усулининг зуқко устаси бўлган.

Хева ёдгорликларининг қайси бирини олманг, халқ усталарининг маҳорати билан заҳматкаш қўлларнинг оғир меҳнати далилларига дуч келасиз. Шерғозихон мадрасаси қурилиши ўша вақтлардаги қурилиш ишларининг қандай амалга оширилганидан гувоҳлик берувчи характерли воқеа ҳисобланади. Мадрасани Буюк Пётр экспедицион отрядидан асир олинган рус тутқунлари ва кўшини шарқ мамлакатлардан келтирилган қўллар қурган. Бинони қуриб бўлишгач, хон қулларни озод қилиш тўғрисидаги ваъдасидан қайтгани учун, қўллар исбн кўтариб, Шерғозихонни ўлдирди. Исбнчилардан ўттиз киши Жоме масжидга бекиниб, хон қўшинларидан қирқ кун ўзларини мудоффа қилишди...

Хева хонлари салтанатининг кейинги юз йили мобайнида ҳам халқнинг қуллик меҳнати билан йирик мейморчилик, мудоффа иншоотлари қурилди. Қутлимурод ва Оллоқули мадрасаси, Кўхна арк, Тош ҳовли қасри, тим—қарвон сарой, Мўхаммад Аминхон ва Мўхаммад Раҳимхон мадрасаси, Дешон қалъа кўргони шулар жумласидандир.

Тош қасри, Нуруллавои залидан ташқари, уч юз йил мобайнида барпо қилинган йирик осори атиқа намуналарининг ҳаммаси Ичон қалъа ичида қурилган. Эндиликда бу гўё ҳаёлий бир манзара қасб этади, жонли музейдек ўзинга маҳлиё қилади. Баҳайбат қасрлар, ҳашаматли мадрасалар, жимжимадор миноралар ёнма-ён, рўпарамар-рўпара қад кўтариб турибди. Ранг-баранг қошинлар, нақшнинг пештоқлар, заррин куббалар бир неча ўн йиллар, асрлар мобайнида меймору наққошлар қўлидан гўё ҳозир чиққандай ярақлайди, товланади. Тиниқ рангларда кундуз қувёш, оқшомлари ой ва юлдузлар жилоланади.

Бу нафосат Хоразм классик мейморчилигидаги шакл санъати

## «МЕН ЎЛКАМНИ ШУНИНГ УЧУН СЕВАМАНКИ...»

Атоқли шоира, йирин жамоат арбоби Зулфия ўзбек совет публицистикасига муносиб ҳисса қўшган қаламнашлардандир. Унинг бадий-публицистик мақолаларинда асосан икки муҳим мавзу тадиқи этилади: бири — эскилик сариктирариға қарши ёрқин, нурли ҳаёт учун кураш мавзуи бўлса, иккинчиси — тинчлик ва дўстлик ғояларини тараннум этишидир.

Зулфиянинг «Чўққилар» сарлаҳали мақоласида Шарқна нур сочиб турган гўзал ва кўркам Ўзбекистон тавсиф этилади.

«Тоғларнинг гўзаллиги узокдан яхши кўринади, дейдилар. Бу таъбир, менимча, жуда тўғри. Узокроқдан тоқна назар ташланг: у жуда баланд, унинг этагидиға ҳамма нарса — харсанг тошлар ҳам, дарахтлар ҳам, тепаликлар

ҳам бениҳоя гўзалдир. Этагида ёз, кўнисида баҳор, чўққисида қиш. Кувёш нури дарахтларнинг яшилликни, қорлинларнинг нумушида чақнайди. Қарайсан, кўнсинг ҳам тоғдай кўтарилиб кетади.

Мен мамлакатимни, давримни жуда севаман, тақдиримни жуда қадрлайман... Мен уни шунинг учун севаманки, у менини, бизники, ўзимиз туғилиб ўсган жойимиз. Унда ажойиб ҳаёт намол тапади. Мен ўлкамни шунинг учун севаманки, бу ерда ҳамма миллат фарзанди бир хилда озод, бир хилда қадрли, катта бир оиланинг тенг аъзоси бўлиб яшайди. Бу ерда миллий айирма ва инсон шахсини камситадиган қабихликларга ўрин йўқ! Мен ирқий ва миллий айирма ва камситишлар одамларни энг заиф жонивордан ҳам кучсиз ва муте қилиб ташлаган ўлка-

ларни кўрганман. Бу инсонлик ва саодатнинг энг бағритош душманлари томонидан ўйлаб чиқарилган ўта шафқатсизлик эканини у ерларни кўрган кишигина тўла тасаввур қила олади».

Зулфия мақолада озод ўзбек аёлини янги ҳаёт баҳоринда очилган ранго-ранг гулларга ўхшатади. Баҳор боғида уларнинг барнамол бўйларини кўриб фахрланади:

«Мен бизнинг совет аёлларимиз кўтарилган ёрқин чўққиларга назар ташлайман. Совет аёлларининг зич, бахтнёр сафида Совет Шарқи аёллари, ўзбек аёлларининг тенг бўйларини кўриб ифтихор қиламан».


Адибанинг барча асарларида коммунистик ғояларининг порлаб туради. Адабиёт арбоби сифатида чет элларда бўлган чоқларда шоира бу ғояни оташин ташвиқ қилади.

«Мен Ленин номини биринчи бор қачон эшитганимни яхши эслай олайман. Аммо болалигим дан Тошкентда содир бўлган ҳар бир янгилан, ҳар бир яхши нарсани ана шу ҳисса ва ёрқин номини тасаввур эта олайман. Мана, хотин-қизлар клубиға кираверш да қизил байроқ қилпираб турибди — бу Ленин... Жинзэхадан иелган қариндошимға Совет ҳоимияти ер бериди — бу Ленин... Майдон-

донда митинг. У ерда мардонз оташ сузлар айтиллапти, ўртада лов-лов ёнувчи ўтга яна бир паранжи ташланди — бу ҳам Лениннинг иши. Илгаритдан, болаликдан бўлган ҳиссаёт ҳануз менда сақланиб қолди: Ленин ер юзида мавмуз ҳамма бахт, эринилик ва нурга алоқадор... Ҳали қанча йиллар ўтар ва лекин одамлар инсоният бахти, шодлиги ва нур ҳақидаги орзу-умидларини мангу Ленин номи билан боғлиқ ҳолда тушунадилар».

Зулфия асарларида мустамлақна асоратида азоб ченаётган шарқ халқларининг озодлиққа бўлган орзу-умидлари ва нурашлари ёрқин ифодасини топди. Оташин публицист бу қаранати ўзининг чет эл сафарларида бевосита кўрди, унинг кўдратини чунур ҳис этди. Шарқ тематикасидаги мақолаларида империализмнинг чириб бораётганлигини, мустамлақналикни сиёсатининг барбод бўлаётганини, уруш оловини ёнувчиларға қарши умумхалқ ғазабининг тобора алан-галанлаётганини комил ишонч билан аниқ этирди.

Ижодкор публицистик мақолаларида ўзи кўрган ёни иштирок этган воқеаларни қайд этибгина қолмай, балки шу воқеаға ўзининг қатъий муносабатини ҳам билдиради. Унинг мақолалариндаги қай-



билан мазмун бирлиги, кошн ва ранглар уйғунлигининг мўжизасидир. Буни хусусан Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Ислоҳ хўжа минораси, Калта минор архитектурасида аққол кўрамыз.

Ислоҳ Хўжа минораси Хевада энг баланд ва кўркам минора. Унинг баландлиги 56,5 метр. Тепасигача тусланиб боргувчи Бўёқлар фақат икки рангдан: куюқ феруза ва оқ рангдан иборат. Феруза ранг минора қаддини қамраган, хошядай, белбоғдай, ҳалқалардай бўғинма-бўғин, поғонамапоғона ўзгариб, нурланиб, ажиб бир манзара ҳосил қилди.

Ун тўққизинчи асрнинг охири қорағи ва ундан кейин қурилган иморатларда Хоразм классик мейморчилиги рус бинокорлиги, шаҳарсозлик услуби билан бойланган. Қоронғи ва тор хужралар ўрнига кенг ва ёруғ хоналар, дарчалар ўрнига ойнаванд деразалар, гишт тўшалмалар ўрнига тахта пол, паркетлар, ўт ўчоқлар ўрнига каминлар қурилган. Европача наққошлик намуналари ҳам кириб келган. Нуруллавоё зали, почта-телеграф, касалхона, янги усул мактаб бинолари Европа услубида жиҳозланган. Кўша дарвоза Европа шаҳарларидагидек икки томонлама кўча ҳаракати қондаларини назарда тутиб ёнма-ён солилган.

Буларнинг ҳаммаси ажойиб санъат ва маҳорат намунаси, меҳнаткаш халқ, бобокалонларимиз томонидан яратилган, улуғ кишилар номлари билан болганган. Туркман халқининг атоқли шоирлар Маҳтумқули, Зилолий, Мулла Нарфас, Каминалар Шерғози хон мадрасасида, қорақалпоқ адабиётининг асосчиларидан бири бўлмиш Ажиниёз Қосибой ўғли Қутлимурод Иноқ мадрасасида, ўзбек классик адабиётининг Мунис, Огоҳий, Аваз Утар ўғли, Мутриб, Комил Хоразмий каби машхур намоёндалари ҳам Хева мадрасаларида таҳсил олганлар.

Ҳар бир гишт, чизикда билим

ва маҳорат билан бирга, феодал истибдод, зулм экс этган. Оллоқулихоннинг Тош ҳовли қасри қурилиши воқеасини олайлик. Хон машхур меймор Абдулла Нурмуҳаммад ўғлини хузурига чаккир фармон берибди. Меймор олдин ётиги билан қариганлигини рўқач қилган бўлса, ниҳоят, хон зуғум қилавергач:

— Халқ ҳаводан бошқа ҳамма нарсадан пошшоликка солиқ тўламоқда,— дебди.— Қаср қурилиши тинкаси қуриган халқни баттар хонавайрон қилади...

Оллоқулихон қаср қуришдан бош торган жасур мейморнинг терисини шилдиради. Марҳум зулмдан ўлиб кутулдию, лекин бошқа устлар: Абдулла Жин, уста Одина Муҳаммад, уста Муҳаммад Хевақийлар, меҳнаткаш халқ зулмдан халос бўлмади. Қасрни қуришди. Хевада бугун бизни ҳаяжонлантирадиган нимаки бор — ҳаммасини ўшалар, уларнинг аждодлари, авлодлари, заҳматкашлар бунёд қилди.

Қадимги санъат чамани бўлган Хева дарҳақиқат, машхур мейморлар, моҳир наққошлар, куполлар, мисгарлар ватанидир. Давлат мукофотининг лауреати уста Абдулла Болтаев, Рўзимат Машарилов, Ота Полвонов, уста Боғибек, Бобожон Қуриёзов, унинг ўғли Одамбой Бобожонов каби ўнлаб халқ талантлари бизнинг кунларда ҳам ўз номларини пештоқларда ёзиб қолдирган аждодлар ишини давом эттирмоқдалар. Урганч ва Хевада не-не янги жамоат бинолари, қайта тикланётган қадимги маданий ёдгорликлар уларнинг қўлида сайқал топмоқда.

Алқисса, азиз журналхон, сизга кичик кўзичадан атиги биттаси ҳақида қисмен ҳикоя қилдим. Қолган ўттиз тўққизтасини, Хоразмга таширф буюрсангиз, ўзингиз топасиз.

Раҳим БЕКНИЁЗ

ноқлин, самимийлик, жўшқин ноқиқа хос нутқ интонацияси шоиранинг ижодига уйғун хусусиятидир. Кичик бир эпизод воситасида воқеа-ҳодисаларга социал тус бера билиш Зулфиянинг поэзиясида бўлгани каби публицистикасида ҳам равшан кўринади.

Зулфия жаҳон мамлакатларида қилган дўстлик сафарларидан олган таассуротларини «Қоломбо набутарлари», «Югославия хотиралари», «Бирлашган ҳолда илгарига!», «Қоҳира анжумани» ва бошқа мақолаларида ҳикоя қилган.

1956 йилнинг июлида Деҳлида бўлиб ўтган Осий ва Африка мамлакатлари ёзувчилари конференциясида сўзлаган нутқида мамлакатимизда Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнг юз берган ўзгаришларни, Совет Шарқининг гуллаб-яшнашига замин туғдирган ленинча миллий сийёсат тантанасини улуғлади.

Шоира 1958 йили Тошкентда ўтказилган Осий ва Африка ёзувчилари конференциясида ҳам фалоч ташкилотчилик қилди. Осий ва Африка ёзувчилари Совет комитети рангаси сифатида хоржий мамлакатларга қилган сафарлари ҳақида йўл очеркларни, шеърлар ёзиб, тинчлик ва дўстлик ишига катта ҳисса қўшди.

Зулфиянинг «Паранжили хотин

билан учрашув» мақоласида феодал ўтмишининг сарити — паранжигача қарши кураш типик ифодасини топди. Аёллар паранжини ташлаб, кўча-кўйда очиқ юрганлари билан туб маънода озодликка чиққан бўлмайдилар, жамият ҳаётида фаол қатнашиб, ўз куч ва истеъдодларини халқ саодатида бағишласаларгина чинакам ҳурриятга эга бўладилар, деган ленинча фикрни олға суради публицист.

Зулфия муайян давр учун характерли бўлган «Паранжили хотин билан учрашув» мақоласида қоқоқлиги тўғриси паранжи ёпини, жамиятда ўз ўрнини эгалламаган аёллар ҳақида фирбир билдирган бўлса, кейинроқ ёзган «Дугоналар билан суҳбат» мақоласида оқ-қорани таниган, паранжи балосидан кутулган, аммо уй-рўзгор ишларига ўралашиб, хали, коллентив ишидан четда қолган аёллар ҳақида мулоҳаза юритади. У совет мактабида ўқиб, таълиятарбия олган, жамиятга фойдаси тегадиган, аммо «бола тарбияси» баҳонаси билан эл-юрт ишидан четда қолган аёлларга шундай деб мурожаат қилади: «Сиз, мен ўз ҳаётимни болаларимнинг тарбияси бағишладим, дейсиз. Аммо ҳақиқатда эса, сиз ўзингизнинг тор оилавий доираңизга, уй ташвишлари доираңизга ўралашиб қол-

гансиз. Тўғри, биз — онамиз, ўз болаларимизни меҳнатсевар, мустақкам иродали, она-Ватанга содиқ фарзанд қилиб тарбиялашимиз керак! Биз — оналар истаёмизки, ҳар биримизнинг фарзандимиз коммунизм қурувчиларининг биринчи қаторида бўлисин. Шунинг учун ҳам биз ўз ҳаётимиз, ўз хулқимиз ўз хатти-ҳаракатимиз ва ўз меҳнатимиз билан фарзандларимизга намуна бўлишимиз керак. Сиз боланинг қалбига бир назар солиңг! Бола ўз онасининг инженер ёни антриса, биноер ё педагог эналлиги билан қанча фахрланади!.. Республикаимизда хотин-қиз ўқитувчилардан юзлаб кишига «Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи» деган фахрий унвон берилди. Булар орасида Ҳабиба Юсупова каби ўзининг ўн боласини тарбиялаб ўстирган оналар эз эмас...».

Автор шу фантлардан хулоса чиқаради: «Станон тепасида, колхоз даласида, университет дарсхонасида, давлат тепасида, интимий ва сийёсий ҳаётимизнинг ҳамма соҳасида эркаклар билан бир қаторда ўзини кучли ва буюк ишларга қодир ҳис қилган аёлларимиз, Ватанимиз келангаи бўлган фарзандларимизни яхши шароитларда тарбия қилиб ўстириш имкониятига эга бўлган аёлларимиз

ўзларини беҳад бахтиёр ҳис қилдилар. Улар ҳақли равишда бу бахтни Октябрьнинг самараси, деб билдилар ва шунинг учун ҳам Октябрьни ўзларининг янгида дунёга келган кунлари деб ҳисоблайдилар».

Бу финри адбанининг ўз ҳаёт йўли ҳам тасдиқлаб турибди. У темирчи оиласида дунёга келган. Улуғ Октябрьнинг шарофати билан, миллионлар қатори, саодати хатта эришди. «Онамининг қанчадан-қанча қўшин ва афсоналарни билишига ақлимиз бовар қилмасди. Бу сеҳрли афсона ва дostonлар бизга бениҳоя хузур бағишлар, ўзига ром қилиб олар, ҳар сафар янги жилва касб этарди.

Ҳозирғидай замон ва шароитда яшаганда, онам ним бўларди, шоирами, олимами, биламдими. Ленин шунини яхши биламанми, мўъминизлар яратишга қодир, жаҳонни кўзга кенг очувчи, инсонини гўзаллини сари етакловчи сўзга шайдолин ҳиссини менинг қалбимда... оддий ўзбек аёли бўлган онам уйғотганига аминман...» дейди шоира.

Ҳассос шоира Зулфиянинг публицистик мақолалари, унинг етун шеърлари сингари одамлар кўзига «жаҳонни кенг очмоқда», юракларга тугён солиб, ооздин, тенглим, бахт учун нурашга чорламоқда.

Р. МУХАММАДИЙ

# МУГУРДАК

## АРАВА



Исфандиёрхоннинг мотам пардаси ичида фикс-фужур, айшират, фаҳш ва қон тўкиш билан ўтган қирқ кечаю қирқ кундулик, «хилватга чекиниши» ҳақида расмий манбалар шундай хабар беради: 1915 йилнинг охирида хоннинг биттаю бита ўғли, ўн икки яшар шаҳзода Темурғози тўсатдан вафот этади. Хон Хоразм тахтининг вориси бўлмиш фарзандининг вафоти туфайли давлат ишларидан қўл ювади. Қирқ кун мотам тутишга қарор қилиб, хилватга чекинади.

Исфандиёрхонни беш панжасидай билган вазири аъзам Матвафо Баққол ўғли, Ашур маҳрам, Абдуллабой ва бошқа сарой аъёнлари маслаҳатлашиб, хоннинг кўнглини олиш учун қирқ кунлик мотам давомида «олий ҳазратлари» қўйнига ҳар кун битта қиз солиш лозим, деб топадилар. Улар азбаройи садақатлари жўш уриб, ўз қизларини қўшган бўлсалар керак, деб ўйламанг. Арқони давлат хон кўнглини овлаш учун қирқ қизни фуқародан олишга қарор қилади. Қорақалпоқлар чекига ўн қиз, қозоқлар чекига ўн қиз, ўзбеклар чекига эса йигирма қиз тушади. Туркман овулларида хонга қарши галаёналар бўлиб тургани туфайли, туркман чекига тушган ўн қизни ҳам ўзбеклардан олишни маъқул кўрадилар.

Бизгача етиб келган маълумотларда эса, валиаҳднинг кўққисдан ўлими ва хоннинг қирқ кунлик мотами шундай изоҳланади: Ёш шаҳзода кўп сонли оналаридан бирининг қайсидир маҳрам билан ўйнашганини кўриб қолади. Сирлари фош бўлишидан қўрққан ошиқ-маъшўқ Темурғозиға захар берадилар. Исфандиёрхоннинг қирқ кунга қўзилган мотамини айш-ишрат билан ўтказишига келсак, кўрган-билган кишиларнинг айтишларига қараганда, бунинг асл сабаби ҳам бошқа, мотам — фақат баҳона бўлган, холос. Исфандиёрхон бутун Хоразмнинг бир неча йиллик даромадини олиб, подшо ҳузурига Петербургда борганида уни, албатта, иззат-иқром билан кутиб оладилар. Тантанали қабул маросимида малика Александра Фёдоровна ҳам иштирок этиб, қўл меҳрибонликлар бахшида қиларди. У билан бирга яна ўнлаб хонимлар айтотида паравона бўлади. Умида бундай ажойиботни кўрмаган Исфандиёрхоннинг қони жўшиб, кўзлари ўйнаб кетади. Николаи II рафиқаси Александра Фёдоровнанинг оплоқ елкаларига Исфандиёрхоннинг суқланиб тикилаётганини пайқаб қолади. Шу кечасиёқ хон ётоғига «шоҳона инъом» жўнатилади — бу кўпларнинг қўлидан ўтган бир фоҳиша эди.

Хон подшо ҳузуридан Хевага қуруқ келмайди — улўз даргоҳдан таносил касали орттириб қайтади. Яқин кишиларига ўз дардини айтиб даво излайди. Сарой табиби билан вазири аъзам

Матвафо, Ашур маҳрам, Абдуллабой ва Шихназарбойлар ўйлаб-ўйлаб «олий ҳазратлари қирқта қизга саховат кўрсатиб яқинлашсалар даво топадилар», деган фикрни айтдилар. Дин пешволари Одам оҳунд билан Жалол эшон ҳам буни маъқуллаб фатво берадилар.

Кўриб турибсиз, Темурғозининг вафоти, қирқ кунлик мотам хонга фақат бир баҳона эди. Шу кунёёқ қора перанжиге ўранган шумоёқ даллол хотин тушган мугурдак арава Хеванинг Урганч дарвозасидан чиқиб, Хўжайли томон йўл олади. 1916 йил январь ойининг бошида хон ҳарамиде Энажон исми қиз пайдо бўлади. Уни Қорақалпоғистоннинг Хўжайли шаҳрида истиқомат қилувчи қассоб Дўстниёз Юсуф ўғлининг уйидан, ота-она бағридан юлиб олиб келадилар.

Ох, бу лазнати мугурдак арава не-не ота-оналарни қон қақшатаган! Унинг номиёқ не-не қизларни кўрқувдан дир-дир титратар эди. «Мугурдак арава келаётгани», деган хабар эшитилиши ҳамона қўқликроқ қизи бор оилада тўзон кўпар: бола фақирни ўрагани, чуқурчагами бўлса-да, яширишар, афтига қора суртишар, захарли ўт боғлаб қуйдиришар, ҳатто кўр қилиб юзини бузишар, шу йўл билан шармандалиқдан қутулиб қолишга ҳаракат қилишар эди.

Ўн олтинчи йилнинг ўша машъум январь кечаси бўмбўш совуқ хонага қамаб қўйилган Энажоннинг олдиға Исфандиёрхон кўзлариде ҳирс, оч мушукдай яланиб кириб келганиде бечора қиз худди ожиз мусича аҳволиға тушмаганмикан? Қаттиқ қаршилиққа учраб юзлари тирналган, соқоли юлинган хон жазаваси тутиб Энажонни бўғиб ўлдиради. Қизнинг жасадини эса ота-онасиға юборттиради. Эртасиға ҳам ҳарамда худди шундай фожиа юз беради. Бу сарфари қурбон манғитлик Жаббор темирчининг қизи Ойқиз эди. Ойдай қизларини тириклайин бериб ўлигини қайтариб олган ота-оналарнинг аҳволини тасаввур этиб қўринг-а! У бечора ситамдийдаларнинг оқфарадлари етти маҳаллани бузган, ёшу қарини зор йиллатган бўлса эмак эмас.

Хон зулми этидан ўтиб суягигача өтган, таланган, хўрланган, аламзада халқ бу шумлиққа чидаб туролмади. Қорақалтақ бўлиб Хевага қараб юрди. Хўжайлида халқ кўзғолончиға Авазжонхўжа, Манғитда Жаббор темирчи бон бўлди. Сон-санқоқсиз солиқ ва ўлпонлардан, ерсизлик-сувсизликдан азоб тортаётган туркман кәмбағаллари ҳам уларға қўшилиди.

Аллақачон замини чириб, қилтиллаб турган Хева тахти халқ аъзаби бўронидан чарқалаб бўлиб кетиши муқаррар эди. Фақат у қоризм найзасининг зўри билангина жон саклаб қолди. Ўн олтинчи йил халқ ўртасида «Галкин йили» деб аталиши бежиз эмас. Генерал Галкиннинг жазо отряди кўзғолончиларни қонга белади. Неча-не

ча қорақалпоқ, туркман овулларини, ўзбек қишлоқларини тўпга тутиб, қулини қўққа совурди. Манғитда Жаббор темирчи бошлиқ исёнчилардан ўн бир кишини, Урганчда ўн тўрт, Гурланде етти кишини тутиб дорға остирди.

Хўжайлиға борганимда ўша машъум «Галкин йили»нинг гувоҳи Қутлиқиз момо билан учрашдим. Момо ўн олтинчи йилнинг баҳорида Хўжайли ерлари қизғалдоқдан эмас, эл қони билан қизрганни, бозор майдонига қурилган дорлар, уларға осилган кўзғолончиларнинг мурдалари аҳоли юрагига ваҳима солиб неча кунлар турганини эслади.

Хон қўлиде ҳалок бўлган Энажон қизининг қиб-фасини суртишганимда Момо буни эслолмади. Аммо ўз ориятини ҳимоя этиб хонга қарши исён кўтарган халққа бошчилик қилиб ҳалок бўлган покиза қалби йигит Авазжон тўғрисида онаси Шукуржон тўқиган, кейинча оғиздан оғизға ўтиб юрган шу қўшқини айтиб берди:

Авазжон бий бўлиб бийлик қилолмай,  
Зар чакмонин ағиларина қилмай,  
Замонаннинг аъравонини тилмай,  
Бир қиз учун ҳалок бўлди, найлайин!

Золим душман юрди қалъа пастида,  
Галкин келди исёнчилар қасдида,  
Авазжон бий бўлди доринг остида,  
Бир қиз учун бўлди фидо, найлайин!..

Кексалар айтмоқчи, элнинг кўза ёши авуларнинг ёқасидан тутди. Қасос, муқаддас қасос қуни этиб келди! Подшо, хон тахти қуфаяқун бўлди. Яқинда Манғитға борганимда Ойқизнинг изини қидирдим. Кўрган-билганлар бормикан, деб суртишдим.

Манғит район иқроға комитетининг раиси Йўлдошбой Файзуллаев ҳузурида бўлганимда ҳам «Ойқизни билганлар борми?» деб сўрадим. Менинг саволим уни ўйлантириб қўйди, қалин бодом қоқоқлари босиб тушди, лаблари қимтилди. У бир дам ерга тикилиб турди-да, жавондан аллақандай катта дафтар олиб varaқайи бошлади. Кейин билсам, бу дафтар ўзига хос Манғит тарихи, район аҳолисиға алоқадор барча муҳим воқеалар унда қайд этилган экан.

Йўлдошбой ака ўн олтинчи йил воқеалари, йигирманчи йил Хоразм инқилоби, граждандар урушиға алоқадор одамлар рўйхатини бирма-бир кўздан кечириб чиқди.

— Ойқизни билса бир Айтбой бобо билан Садат кампир билади,— деди дафтарини ёпа туриб. У қаерғадир телефон қилди. Раъно деган аёлдан ҳол-аҳвол сўради. Онасини йўқлади. Қуёни, болалари ҳам қолмади. Галпинг раст-баландиға қараб Йўлдош ака ҳозир Садат кампирнинг қизи билан сўзлашаётганини сездим.

Раъно аптека мудириси экан. Онаси қайси бир қариндошларининг маъракасиға кетибди. Эрталаб келар экан.

Шундан кейин Айтбой бобони қидириб бордик. Яқин орадиға тор қўчада турар экан. Эшикдан кириб борганимизда ҳовли тўрдаги айвонда оплоқ соқоли, ёноқ сувакчи кенг, барваста бир чол кўрпачада ёнбошлаб ётар эди. У бизнинг шарпамазини сездми шеклиди, ўриндан қўзғалди. Қўлини пешанасиға соябон қилиб ҳовли томонға тикилди.

Салом кўрдик, қўлини олдик. Хангомалашиб ўтириб, ўтган кунлардан гап очганимда Айтбой бобо ўйланиб туриб бош чайқади:

— Жеппор!.. Ойқиз...— у яна бош чайқади.— Эслолмадим, ашулли...— Бобо узар сўрагандек жилмайди-да, қўшиб қўйди:— У вақтда ёш бола эдим. Бироқ генерал Галкин Манғитни ўтлаганда биз Тўртқўл томонға қочганимиз. Мол-дўди барини ташлаб... Буни билман...

Бобо сўзлаётганида тарих саҳифаси жонланиб кетгандек бўлди. Орқанда — ўт ичида қолган қўчана шаҳар. Тугундан димикқан молларнинг букириши, отларнинг аянчили кишаши. Дашт-далада эса қочиб бораётган ярим яланғоч оёқдон. Бола кўтарган оналар, ҳолдан тойган кексалар, сочлари тўзиган қизлар... Улар орасида фақат Ойқиз, аламдидеда халқнинг қасос бақроғиға айланган қизгина йўқ.

Манғит тупроғиға қадам босганимдан бошлаб эс-хушимни Ойқиз фожиаси чулғаб олган эди. Айтбой бобо ҳузуридан чиққанимда ҳам хаблим унда бўлди. Дуч келган оймақол қизға боқиб, «Ойқиз бөлки унга ўхар!» деб тахмин қилардим. Эртасиға Садат кампириниға кириб борганимда ҳам унинг чехрасидан ўн тўрт кунлик ойдай тўлишган гўзал Ойқизға хос белгиларни қидирдим.

Рўпарамда Ойқизнинг тонгдоши, қисматлари ҳам ўхшаш, фақат хон чағалидан тасодифан омон қолган Садат кампир турарди. Мен унинг бир осмон остида яшаб, бир ҳаводан нафас олаётган

замондошим эканини унутиб, тарих ёдгорлиги қаршисида анграйиб қолгандек турганлигимгами, момо бетўхтов кулимсирарди.

Йўқ, уни етмиш уч йиллик ҳаёт ташвишлари бука олмабди. Балки, халқ айтмоқчи, палаги тозалигидандир. Мана, алфдай бўлиб қаршимда турибди. Бошида кўш шол рўмол, эғнида янги бармоқларининг учигача ёпғудек узун кўйлак, кўк духоба камзул. Ҳали ўткир кўзларида савол-омуз табассум жилваланади.

Орқароқда кўрпача солиб, жой ҳозирлаб юрган қизил атлас кўйлакли жувон — Йўлдош ака телефонда гаплашган ўша Раъно бўлса керак, буй-бастаи куйиб кўйгандек Садат бувининг ўзи. Очқик деразадан майкачан бир бола билан сочлари жамалак қизча биз томонга ўғринча қараб туришибди. Уларнинг ҳам зуваласи Садат бувидан узилган кўринади.

Айвонда меҳмондўст жувон дамлаган кўк чойдан ичиб ўтириб Садат бувини гапга солдим.

— Исфаңдиёрхон сизга илтифот қилиб мугурдак арава юборган экан,— дедим.

Буви лабига бармоғини босиб кулиб кўйди.

— Оти ўчсин,— дея шивирлади.— Бир кун мана шундай дастурхон атрафида ўтирган эдик. Матниёзбийдан навкар келди. «Бегмурот нобиқ борми?», деб... Бобомиз ёв билан олишганда «озига қилич тегиб чопилган экан. Шунга отамизни ҳам «Чобиқ» деб чақиривар эди. Отамиз ҳоқимниқидан ранги ўчиб қайтиб келди. Онам билан шивир-шивир сўзлашдилар. Онам: «Вой манглайи қора!», деб ўзини уриб йиги бошлади. Отам: «Жим! Йигидан не фойда?», деб, кейин қаёққадир кетди. Онам менга қарайди, йиғлайди. Увача пичир-пичир қилади. Сўрасам айтмайди. Бир вақт отам келди. Дарга бобога маслаҳатга борган экан...

— Ким у?— деб сўрадим.

— Бобомизнинг дўсти...—деб жавоб берди Садат буви.— Кўпни кўрган доно қария... «Ҳазрат деган, садағаси кетай, фуқаронинг отаси бўлмай-мал!», дебди дарга бобо. Шундан кейингина барча ташвиш менинг учун бўлаётганини билиб қолдим. Бирпасда тоғалар тўпландилар. Ҳамманинг оғзига «мугурдак арава», Ваҳима! Мени бўлса қоронғи сомонхонага олиб кириб бекитдилар. Отам дарвозанинг бир томонида болта ушлаб ўтирибди. Эшмамат акам, кўлида пичоқ, иккинчи томонида ўтирибди. Сомонхона эшигининг тирчишидан қуриб турибман. Бир вақт дарвоза олдига отлик икки навкар билан усти ёпиқ арава келиб тўхтади. Уша отинг ўчғир мугурдак арава! Ундан Матниёзбийнинг хотини Розия билан хонининг кўшмачиси Хатира маҳрам тушди... Қадами етган жойни қуритадиган ўша жодугар Хатира! Паканагина, қақанглаб турган қорача хотин... Отам уларнинг йулини тўсди. Навкарлар хоннинг ғазоби қаттиқ эканини айтиб дўқ-пўписа қилишди. Отам бўш келмади. «Улигимни босиб ўтасизлар!», деб қаттиқ турди. Хатира маҳрам вағирлайди, назарлар қамчи силтаб бақиради... Ҳаммасини эшикнинг тирчишидан кўриб турибман. Ахир мугурдак арава жилди. Кўз олдидан юрагимга ларза солган тобут кўтарилгандай бўлди.

Садат бувининг ҳикояси давомида (аминман, бу биринчи эшитиш эмас) тиззасини кучоқлаганча диққат билан қулоқ солиб ўтирган Раъно бир хўрсиниб кўйди.

— Она, бобом яхши ҳам сизни олиб қолгани!— дея қувончини очик изҳор қилди Раъно.

— Нимасини айтасан!— деб кўйди Садат буви.— Ҳарамга олиб кетилган қизларнинг ўликлари қайтса қайтганки, тирик қайтмаганлар.

— Айби нима уларнинг?— Раъно елкасини қисди.

— Айби қиз бўлиб туғилганию ҳусни-жамол!— аста жавоб берди Садат буви.

— Ҳамшаҳарингиз Жаббор темирчининг қизи Ойқизнинг қисмати шундай бўлган экан,— деб айтиб бердим.— Эшитганмидингизлар?

Садат буви қошларини чимириб ўйланиб турди-да, бош чайқади.

— Сизларниқидан қуруқ қайтган мугурдак арава балки Жаббор темирчиникига тўсатдан бостириб қуриб, Ойқизни зўрлик билан олиб жўнагандир,— дея ўз тахминини гапирдим.

Раънонинг ранги ўчди, кўзлари катта очилди. Ўтирган ўрнида бир сескани тушди. Садат буви: «Бечора», деб кўйди.

Тўғри. Адолатсиз ўтмишда ундай бечоралар, очилмай туриб сўлган гулғунчалар оз бўлган дейсизми! Раънога қараб, «Чўчиманг синглим, сиз қур, эркин дунёнинг бахтиёр фарзандисиз, Ойқизлар бошига тушган фожиа, онангиз кечирган мусибатни сиз кўрмайсиз, зўрни тенгсизлик, зулмат дунёси Октябрь шарофати билан қайтмасга кетган», дегим келди. Кўпчиликка кўшдай аён бу ҳақиқатни такрор-такрор таъкидлагим, «ардоқланг бу кунни!», дегим келди.



Оналик саодати.

Р. ЖУМАННЕРОВ фотоси

## Севинчларим сизга

Севинчларим сизга,  
Азиз дўстларим.  
Қатра-қатра йиғдим гуллар атридан.  
Сизга талпинади ширин ҳисларим,  
Кулиб боқар улар шеърим сатридан.

Севинч! —  
Кўёш каби тансиқ бир олам,  
Ҳар кун ёғилмайди, ахир осмондан.  
Уни кўп кўрадим ҳаётда мен ҳам.  
Яшаб севинчларга тўла замонда.

Мурғак болалиқда боқмади севинч,  
Ярим етимлиқнинг аянқ кунлари...

## Неча кунким...

Неча кунким, паришондир хаёлим,  
Неча кунким диллим эрур ғаш.  
Нечун бир сўрмайсан,  
Ингоро, ҳолим,  
Вижудим ёндирар пинҳоний оташ.

Кимнидир кутади безовта кўнги,  
Кимнидир излайман бўм-бўш хонада.  
Изтироб чекади хонандаги гул,  
Тўкилган барглари кўриб ёнида.

Эшикка жавдираб қарар кўзларим,  
«Тик!» дегим севинчдан энтикар юрак.

Ота дийдорига интизор... ўкинч...  
Онамнинг аламли, бўғиқ унлари...

Оламга гўлғула келтирган уруш,  
Тилка-пора қилди қувноқ ёшлиқни.  
Ниҳол қаддимизни эзмишди турмуш,  
Унутдик эркалик,  
Кўнгилихушлиқни.

Ташвишли замоннинг юки елкада,  
Сеҳрли назм аро топдим бир овунч.  
Иқбол ҳада этган кутлуг ўлкада  
Ғоҳида жилмайиб қаради севинч.

Дўстлар меҳри ёниқ менинг кўзимда,  
Олча гулларидай тўзғир ҳисларим.  
Дардлар,  
Изтироблар қолсин ўзимга,  
Севинчларим сизга, азиз дўстларим.

Баъзида адашиб кетар сўзларим,  
На чорал  
Бугун ҳам бўлмади дарак.

Кўзимга тор этиб сўнгсиз дунёни,  
Жавонда китоблар туришар қатор.  
Тош ойна излайди таниш сиймони,  
Сукутда лол эрур чанг босган дутор.

Тонг отар, кун ботар,  
Утар бугун ҳам,  
Ҳар дақиқа менга туюлар бир йил.  
Оромимни олашди ҳажр ила алам,  
Кимнидир кутади безовта кўнги.

Душан ФАЙЗИЙ

# НОАНИҚЛИК ҚАЕРДАН

## БОШЛАНАДИ?

Маълумки, классик адабий меросни ўрганишда дастлабки манбаларнинг тексти устида кўп билан ишлаш жуда катта аҳамиятга эга. Таржима ва илмий текширишлар жараёнида кўпинча асл нусха текстини янглиш талқин қилиш, сўзларни, уларнинг маъно ранг-баранглиklarини тушунмасдан изоҳлаш каби нуқсонлар кўп учрайди. Бу янглишликлар, аввало сўзма-сўз таржимага вақтида бошланади, сўнгра бадий таржимага ҳам ўтади ва гоҳо илмий ходимлар шу галат текст асосида илмий-ижтимоий хулосалар ҳам чиқарадилар.

Биз ҳозир классик шеърятимизнинг таржимаси билан кенг миқёсда шуғулланмоқдамиз. Шунинг учун асл нусха текстини тўғри талқин қилиш масаласи алоҳида ва кенг муҳокамага лойиқдир. Бу ўринда эса биз фақат бир нашрдаги баъзи фактик янглишликларини кўрсатиб ўтмоқчимиз. Бу нашр Зайнал Ризаевнинг ўтган йил «Фан» нашриётида рус

тилида чиққан «XVI аср охири ва XVII асрда форс тилидаги шеърятда ҳинд услуби»<sup>1</sup> асаридир.

Муаллиф бу китобда жиддий фалсафий масалаларни кўтаради. Биз асарнинг илмий моҳиятига баҳо бермоқчи эмасмиз. И. Брагинский ёзган сўз бошида айтилганидек, асарда мунозарали нуқталар ҳам кўп, улар алоҳида илмий баҳсга муносибдир.

Биз, юқорида айтганимиздек, асл манбалар текстини англашдаги янглишликларгагина диққатингизни тортмоқчимизки, бундай ҳоллар ўзга нашрларда ҳам учраб туради.

Бу янглишликлар баъзан кўзга ҳам чалинмайди, аҳамиятсиздек туюлади, лекин гоҳо классик сатр маъносига бошқа тус бериб юбо-

1 З. Г. Ризаев. Индийский стиль в поэзии на фарси конца XVI—XVII вв. Издательство «Фан» Узбекской ССР. Ташкент, 1971.

ради. Масалан, Алишер Навоий «Хайрат ул-Збор»да шоҳларни адолатга қақриб бундай дейди:

Негаки чун хашр кунн зулжалол  
Золиму маълумин айлар савол.

Байтдаги «негаки» чуқки маъносида эканлиги кўриниб турибди. Аммо З. Ризаевнинг таржимасида бу «Зачем в судный день всевышний задаёт вопрос угнетателю и угнетенному?» тарзидаги саволга айлантирилган. Кўриниб турибдики, бу икки хил фикр, масалага икки хил муносабатдир.

Муаллиф Машраб ғазалидаги «Бандари суратни «банди сувар» деб изоҳлаб, шунга асосан шоирни ташки шаклларнинг бандаси («он стал слугой внешних форм») деб атайди. Аслида эса «Бандари сурат» Ҳиндистоннинг Бомбай штатидаги бир портнинг номи. «Девони Машраб»нинг З. Ризаев кўрсатган 171-варағида шоирнинг шу портдан — Бандардан ўтганлиги ҳам айтилган.

Муаллиф ўз манбаини аниқ кўрсатган текстларда ҳам кўп ноаниқликларга йўл қўяди.

Машрабнинг «Сар бажайби хеш бурдам аз адам боз омадам», деб бошланган форсида бир ғазали бор. З. Ризаев шу ғазалининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кутубхонасида сақланган 170-рақамли кўл ёзманинг 26-а варағида эканини кўрсатади. Мана уша кўл ёзма кўлимизда. Иккинчи байтнинг биринчи мисрадаги «Дил-бо худо» жумласини муаллиф «Дил бо худам» дея ўзгартириб, русчага «моё сердце со мною» деб таржима қилади. Кўл ёзмада охириги байтнинг биринчи мисрадаги «ринди»

## Муҳокама, мулоҳаза, мунозара

# БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ

Коммунистик партиянинг миллий сивсати қардош халқларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва маънавий жиҳатдан бойиши учун мислсиз имкониятлар яратиб берган. Социалистик маданиятимизнинг ривожланишида миллий ва интернационал жиҳатларнинг мутаносиблиги катта ўрин тутади. Халқларимизнинг дўстона ҳамкорлиги шароитида миллий маданиятларнинг бир-бирига яқинлашуви ва ўзаро бойиши объектив қонуниятдир. Миллий маданиятларимизнинг энг яхши ютуқлари айни замонда интернационал аҳамиятга эга. «Ҳа, интернационал маданият миллийлик-

дан холи эмас...» деган эди Владимир Ильич Ленин.

Мамлакатимиз халқлари маданиятида миллий ва интернационал жиҳатлар ҳақидаги масала сўнги йилларда ҳар тарафлама тадиқ этилмоқда. Урта Осиё республикаларида ҳам бу масалага илмий аниқлик киритувчи кўпгина асарлар пайдо бўлди. Абдуқодир Содиқовнинг 1970 йили Фрунзеда чиққан «Қирғиз совет адабиётида миллий ва интернационал жиҳатлар» деган китоби, Намг Ғойбовнинг ўша йили Тошкентда чиққан «Санъат тараққиётининг баъзи масалалари» деган асари шулар жумласи-

дандир. Аммо айтиш керакки, фойдали илмий-текшириш ишлари билан бирга, баъзан савияси паст, чалкаш мақолалар ҳам пайдо бўлмоқда. Биз бу ўринда Н. Ғуломованинг «Звезда Востока» журналинда (1971 йил, 5-сон) чиққан «Тилларнинг бир-бирига яқинлашуви масаласига доир» сарлавҳали мақоласини кўзда тутмоқдамиз.

Автор аввал тил маданиятимизнинг ривожидида буюк рус тилининг тарихий аҳамияти тўғрисида дуруст гапларни айтади. «Тил тараққиёти жамият тараққиётининг тарихий шарт-шароитлари билан узвий боғлиқ» эканлигини, «жаҳонда «соф» тил йўқлигини таъкидлайди. Аммо кейинроқ бориб у мана шу таъкидлашларига зид бўлган кўпгина чалкаш мисоллар келтириб, нотўғри мулоҳазалар билдира бошлайдики, кўйилган масала ғайри илмий тус олади.

Маълумки, ҳар бир миллий тил фақат ўзига хос ички қонуниятларга, ўз грамматик тузилиши, ўзига хос структураси ва ўз луғат бойлигига

эга. Тилларнинг бир-бирига яқинлашуви масаласи асосан лексик составнинг ўзгариши, бойиши, янгиланиши каби жараёнлардан иборатдир.

Ўзбек тили, унинг луғат бойлиги минг йилларнинг ижтимоий-тарихий шароитини бошидан кечирган. У жуда катта қадимий маданиятни, классик адабиётни, ҳозирда эса улкан социалистик маданий бойликларимизни юзага келтиришда муҳим восита бўлиб, бу катта тарихий йўлда ўзи ҳам бой ва гўзал хазина сифатида шаклланди. Бу тилда ҳозир энг мураккаб фан муаммоларини, энг нозик туйғуларини, энг конкрет ва энг маъхум тушунчаларини ҳам аниқ ва рангбаранг ифодалаш мумкин. У тарихий ва шу билан бирга ҳақиқий ҳозирги замон тилидир.

«Биз, аввало англашимиз керакки, тил (ва жамият) тилшуносларнинг рецетплари асосида эмас, ўз объектив қонуналири асосида ривожланади», деб таъкидлаб турган автор шу мақоланинг ўзида жуда кўп зурак рецетплар беради. 20-йилларда буржуа миллатчиларининг тил соҳасидаги за-

## Жаҳон адабиёти ёдгорликлари



# «АВЕСТО»

Шарқнинг энг қадимги ёзма ёдгорликларидан бири бўлган «Авесто» эраимиздан минг йилча муқаддам Урта Осиё тупроғида майдонга келган. Унда асосан зардуштли динининг таълимоти баён этилган бўлса-да, ҳозир биз яшаб турган ерларнинг қадимги аҳволдан,

тарихи, ҳўжалиги, ижтимоий-географин шароити, қабилаларнинг муносабатлари, маданияти, оғзани адабиёти, ижтимоий онг ва фалсафий оқимларидан дарак берувчи нўпгина маълумотлар ҳам бор.

Урта Осиёда яшаган энг қадимги қабилаларнинг, дастлабки давлат уюшмаларининг номилари биринчи марта «Авесто»да тилга олинади. Олимлар бу ёдгорликнинг натта қисми сосонийлар даврида Аму ва Сир ёқаларида, баъзи қисмлари эса ҳозирги Озарбайжон ва Эрон тупроғида яратилган деб ҳисоблайдилар. Чиндан ҳам биз асарда эраимиздан бурунги Урта Осиё табииати манзаралари тасвирини кўп учратамиз: «Унда юксак тоғ ён бағирлари ўтлоқ ва сойларга бой, сурув-сурув подалар ўтлаб юради, теран кўллар, тошқин дарёлар кўп...» Ёдгорликнинг талай сатрлари меҳнат ва хунарни мадҳ этишга бағишланган, унда: «Дон экинан деҳқон адолат уруғини сочади», сингари ҳинматли фикрларни учратамиз.

«Авесто»нинг бизгача етиб келган парчаларида бой бадий ифода воситалари — истиора, муболага, мажоз, таңрир ва хитоблар кўп кўлланган. Қофия ва мусиқийлик унсурлари ҳам бор.

Асарда воқеалар афсона тарзида ифодаланиб, зардушт динининг дуализм концепцияси яққол кўринади. Ёвузлик билан эзгулик ўртасидаги абадий кураш Ахраман ва Хурмуз тинимсиз оқиқоли берилади. Буларнинг бири ёвузлик, очлик, ҳалокат, мусибат, фалокат рамзи бўлса, икинчиси — ёруғлик, бахт-саодат, тинчлик, фаровонлик ва адолат тинимсиздир.

Урта Осиё ва Эрон халқларининг энг қадимий эпин ёдгорлиги «Авесто» натта тарихий-илмий аҳамиятга молиқдир. Қуйида «Авесто»дан кичик парча эълон қиламиз.

сўзи — «зинди» деб олиниб, русчага «я источник Зинда», деб таржима қилинади, унга изоҳ бериб «название толкования священного писания древних персов», дейилади. (Аслида «Занд» бўлиб қадимги эронликларнинг дини — зардуштининг мўқаддас китобидир, у тафсири (толкование) эмас. «Занд» китобининг тафсири эса «Авесто» деб аталади.) Шундай қилиб, хатодан хатолар келиб чиқади.

Ғазалининг «Нуктаи таржийъ бандам» жумласидаги «нукта» сўзини «нуктага» айлантириб, русчага «я точка таржийъ бандам» деб таржима қилинади. Нуктанинг тоқалиги тўғри, аммо нукта — ўткир фикр деган сўзидир. Шу ғазалда «адам, яктан, автод, ав адно» сўзлари ҳам бузиб таржима қилинади, натижада Машраб ҳақида янглиш фикрлар туғилади.

Муаллиф эрон, ҳинд, афгон шоирларининг ғазалларида учраган «машраб» сўздан мурод Бобораҳим Машраб, «вусъати машраб» эса унинг билим даражаси, диалогони деган фикрни айтиди. Бу, бизнингча, янглишдир. «Машраб» сўзи ичимлик, ичши жойи, мазаб, маслак, мизож, хулқ, жўшқинлик, табиат, характер, лоқайдлик, лоубойиллик каби маъноларни билдиради. Бу тўғрида Фафур Фулом бундай деб ёзган эди: «Биз Урта Осиё халқлари, озарбайжонликлар, эронликлар, афгонлар «машраб» сўздан ринд, лоубойиллик, яъни эркин фикр маъноларини англаймиз. Исм бўлмаганда, ёлғиз ҳолда «машраб» сўзи табиат, фелъ-автор дегани. «Шўх машраб» деганда, шўх табиатли кишини тасаввур қиламиз».

Машрабнинг замондошлари, ундан аввал ва кейин ўтган ҳамма шоирлар «машраб» сўзини шу маънода ишлатганлар. Нозим Ҳирсийнинг:

Машрабам бо нек бад омихта  
Гул ба доман хок бар сар мекунам —

деганидан Бобораҳим Машраб англашилмайди. У: «Мен яхши-ёмон билан қўшилиб, аралашиб катган маслакка эгаман. Гоҳ эгтимга гул терсам, гоҳ бошимга тупроқ сочаман», демоқчи бўлади. Бобораҳим Машраб 1050/1640 йилда туғилган. Нозим Ҳирсий 1058/1648 йилда вафот этган. Аники, у ўзи кўрмаган, билмаган саккиз яшар болани шеърда ёд этиши мумкин эмас.

Навойнинг «Маҷолис ун-нафоис»идаги: «Мавлоно Яқийий тундорқо машраблик киши эрди... Мавлоно Муқимий хирилик эрди. Дарвеш машраб киши эрди», деган сўзлари ҳам, Фузулининг:

Бесабаб сонман Фузулининг маломат  
чендикин,  
Беҳабардир машрабин аҳлн рибдан  
сахламаз —

деган байтидаги «машраб» ибораси ҳам Бобораҳим Машрабга алоқасиздир. Навоий ҳам, Фузулий ҳам ўзларидан неча юз йил кейин дунёга келган Машрабни эсламаган бўлсалар керак. Шунинг каби «вусъати машраб» ибораси ҳам Машрабнинг билим даражаси деган маънода эмас, шунчаки «кенг фелъ» деганидир. Навоий Мирхонд ҳақида: «вусъати машраб била адами тазин хижатидан гоҳи бир аёғ ичар...», дейди. «Машраб» ёки «вусъати машраб» иборалари Машрабдан илгари ўтган шоир, адибларнинг асарларида кўп учрайди. Китоб муаллифи Эрон шоири Шифойининг бир ғазалидан:

Хариқ голибий ницъ шоҳ машраб бин  
Ки раҳгузараш бо спехр дар жангастн,—

деган байти келтириб, «шоҳ машрабни ҳам Бобораҳим Машрабга боғлайди. 3. Ризаев кўрсатган 167-рақамли кўл ёзма «Девони Шифойийни кўлга олган киши бу ғазал контекстида «шоҳ» сўздан «кэнг олий» деган маънони дарров англайди. «Шоҳ асар» дейилганда юксак асарни тушунаемиз. Шифойининг бу байтидаги «шоҳ машраб» ҳам Бобораҳим Машраб эмас, албатта.

Бундан ташқари, муаллиф шу ғазалдаги «ҳариқ» (куйган) сўзини «ҳариф» (ҳамкор) билан чалқатириб, байтни янглиш таржима қилади.

3. Ризаев классик шоирларнинг девонларидан мисол танлаганда уларни ўз тазисларига бўйсундиришга уриниб, маъносини ўзгартириб юборади. Масалан, Навоий Абдурахмон Жомийни таъриф қилиб:

Гунбазини ҳужрада зоти ниҳон,  
Уйлаки кўн гўмбази нчра жаҳон,—

деса 3. Ризаев бун «В келье куполе (неба) скрыта Его сущность, так что в куполе небес (находится) целый мир», деб таржима қилади. Бунда муаллиф байтнинг Жомий ҳақида эканини унутиб, уни «кудо-табиат» ҳақида дейди.

Муаллифининг ўзи хўшодин бирон фикрни исбот қилиш учун асл манбалардан олинган парчаларни истаганига талқин этгани бу китобнинг кўпгина жойларида учрайди.

3. Ризаевнинг бу асари ҳақида илмий қимматчилик ўз фикрини айтиди, деб умид қиламиз.

Ш. ЗУННУ

## Муҳокама, мулоҳаза, мунозара

рарли уринишлари ва уларга қарши кураш ҳақида тўғри гапириб келиб, автор бирдан бизнинг кунларга кўчади-да, республика мабуотиини «лексикани архаиклаштиришга берилувчи» да айтади.

«Ҳазорги ўзбек тилида архаик китобий араб-форс сўзлари пайдо бўлмақда: **маъруза [доклад], голявий [идеологический], коинот [космос], муҳаррир [редактор], мавзу [тема], узвий [органически], қаҳвахона [кафе], меймор [архитектор]**...».

Оммага тушунарли бўлган ўзбек сўзлари гоҳо (услуб тақозо қилмагани ҳолда) мутлақо китобий, тушуналиши қийин бўлган араб-форс сўзлари (баъзан архаик ўзбек сўзлари) билан алмаштирилмоқда: **тадиққи [одатда ўзб. текшириш], аҳамиятга молик [аҳамиятга эга], муайян [аник] [!], гоът [жуфта], таъсир этади [таъсир қилади], изҳор қилади [билдиради], кашф этади [яратди], таваллуд қили [туғилган кун]и шамсу қамар [кўш ва ой], замин [ер], сокин [тинч], асносида [вақтида].**

Араб-форс тилларидан кирган сўз-

лар баъзида тушуниб бўлмайдиган китобий шаклларда (араб-форс) ишлатилади: **хаёлан, [хаёл+ан: [мысленно]], мантиқан [мантик+ан: логически, мантик хижатидан], мағрурона [мағрур+она: гордо, мағрур бўлиб...]** Бу нисолларнинг ҳаммаси республика газеталари ва журналларидан олинди...»

Н. Фуломованинг бу рецептлари тилимиз ҳазинасига бефарқ қарадан келиб чиққанга ўхшайди. Тилини бундай қашшоқлаштиришга уриниш зарарлидир. Чунки биз бу йўл билан кетсак, **шеър, мактаб, тарих, китоб, адабиёт, санъат, лугат** каби минглаб сўзлардан воз кенишимизга тўғри келади. Ахир қандай тил ҳақида гап бормоқда? Агар адабий тил ҳақида бўлса, Н. Фуломова келтирган сўзларнинг ҳаммаси Ойбекда ҳам, Фафур Фуломда ҳам, Абдулова Қаҳҳорда ҳам қўллаб ишлатилган-ку! Автор таъсир этади, сунъий йўлдош, мажбурият, узвий, кашф этди, сокин каби сўзлар ва ибораларнинг «тушунилиши қийин» эканлигини исбот қилишга уриниб кўрса бўларди.

Н. Фуломова чиқариб ташлашни тақлиф қилган бу сўзлар ўрнига қавс ичида бошқа сўзларни тавсия этади. Бир жойда эса яна изоҳ бериб, «муайян стилистик контекстда» ўша қўйилган сўзларга ҳам ўрин қолдиради. Аммо қуйроқда яна шундай дейди: «Бироқ бундай «ёнима-ён яшаш» нечун!»

«...Сўз танлаш ҳақида, тил ҳодисаларига ёндашиш методологияси ҳақида гап бораркан, «ёнима-ён яшаш» га ҳеч бир ўрин йўқ; бу экономика ёки савдо-сотиқ соҳаси эмас, идеология соҳасидир».

Турли идеологияларнинг муроса билан ёнима-ён яшашлари мумкин эмаслигини яхши биламиз. Аммо бу ўринда гап лугатдаги синоним сўзлар устида бормоқда-ку! Мавлудми, бундай синонимлар ҳамма тилларда ҳам кўпдан-кўпдир: сокин—тинч, жуда—гоът, этмоқ—қилмоқ, замин—ер...

Н. Фуломова Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек каби сиймолар меросини ўрганганда учрайдиган ҳикмат, ҳандаса, лисонийёт сингари сўзларга ҳам ғазаб билан қараб, бунда

«схолостик араб фанига мослашув» деган таъбирни қўллайди.

Еш тилини ўз фикрларининг жўнглигини билмаса, Бунинг унча айби йўқ, лекин кибр ва дағаллик билан кимларнидир номларини атамай қоралаш эса кечириб бўлмас ҳолдир.

Биз кўҳна тарих ҳақида ҳам ёзмамиз, энг янги техника ҳақида ҳам ёзмамиз. Ҳар бир сўзининг ўрни бор. Уни тилдан чиқариб ташлаб бўлмайди. Лугатда ҳеч бир чиқит сўз йўқ. Гап ҳар бир сўзни ўз ўрнида ишлата билишадир. Қайси тилдан қачон кириб келганидан қатъи назар, ўзлашиб кетган ҳар бир сўз шу тилнинг бойлигидир. Бадийи, фанний, публицистик, журналистик ва бошқа услубларнинг ҳар бири ўз лексик ранг-баранглигини талаб этади. Ҳаёт тараққий этган сари, айниқса, бизнинг қардош халқлар оиласида миллий тилларнинг сўз бойлиги ортавереди. Бу бебаҳо ҳазинани кўз қорачиқдек асраш ҳар биримизнинг мўқаддас бурчимиз.

М. РАСУЛИЙ,

филология фанлари кандидати

Энг аъло вилоят ва мамлакатлардан бирламчиси, деб, мен Хурмуз, Хоразмини барпо этган эдим. Аммо ажал элчиси Аҳраман, унга ўлат келсин, дея... қаҳратонни бунёд қилди.

Энг аъло вилоят ва мамлакатлардан иккиламчиси деб, мен Хурмуз, суғдларнинг маконини барпо этган эдим. Аммо ажал элчиси Аҳраман, унга қирон етсин, дея соқларни бунёд айлади.

Энг аъло вилоят ва мамлакатлардан учламчиси деб, мен Хурмуз, садақатли ва қудратли Марғиёбнани яратган эдим. Аммо ажал элчиси Аҳраман, унга кулфат етсин, дея, Босқинчиларни бунёд этди.

Энг аъло вилоят ва мамлакатлардан дўртламчиси деб, мен Хурмуз, туғи баланд, гўзал Бақтрияни яратган

эдим. Аммо ажал элчиси Аҳраман уни вайрон бўлсин, дея, ваҳший қабилаларни дунёга келтирди.

Энг аъло вилоят ва мамлакатлардан бешламчиси, деб, мен Хурмуз, сербекату серкент Арайёни барпо этгандим. Аммо ажал элчиси Аҳра-

Маммо ажал элчиси Аҳраман, унга офат етсин, дея Хуноқдод деган ялмоғзини яратди...

Энг аъло вилоят ва мамлакатлардан ўнинчиси, деб, мен Хурмуз, гўзал Орохузани яратиб қўйдим. Аммо ажал элчиси Аҳраман унинг бошига қора

этан эдим. Аммо ажал элчиси Аҳраман, унинг шаънига пугур етсин, дея, ёвуз сеҳрғарларни дунёга келтирди...

Энг аъло вилоят ва мамлакатлардан ўн учинчиси деб, мен Хурмуз, садақатли ва қудратли Чохро элин бунёд этган эдим. Аммо ажал элчиси Аҳраман, унга зарар етсин, дея, ўликларни ёндиришдек ярамас одатни чиқарди.

Энг аъло вилоят ва мамлакатлардан ўн тўртинчиси, деб, мен, Хурмуз, Дахқоқ аждаҳосини йўқ қилган Турайтовнинг эзгу ватани — Варайёни бунёд этган эдим. Аммо ажал элчиси Аҳраман, унга вайроналик етсин, дея бачкана келгиндиларни барпо қилди... («1-Вандидод» қисмидан)

1 Зардуштийлар ўликларни дафн этмай, йиртич ва даррандаларга ем қилиб берар эдилар.

## «ХОРАЗМИНИ БАРПО ЭТГАН ЭДИМ...»

ман, унга зарар етсин, дея дербеклар сулоласини яратди...

Энг аъло вилоят ва мамлакатлардан еттиламчиси, деб, мен Хурмуз, Войқарта элини бунёд этган эдим.

кун солиб, ўликларни ерга қўмишдек ярамас одатни<sup>1</sup> чиқарди.

Энг аъло вилоят ва мамлакатлардан ўн биринчиси, деб, мен, Хурмуз, фаровон ва шонли Этимандрни бунёд

# Бугун ҳаёт дейдилар

Ўғлим Улуғбекнинг кундалигидан



Т. МУҲАМЕДОВ чизган

**Н**ихоят, мен ҳам туғилдим. Эҳ-ҳа, жуда кенг ва ёруғ экан бу олам! Қани, ҳаёт деганларини ҳам бир кўрайлик-чи! Ия, шу пайтда чўмилишга бало борми? Одамларга ҳайронман. Чинқириб йиғласам ҳам парво қилишмайди-я? — Уч ярим кило, — деди дод деб йиғлашимга қарамай мени тарозига ётқизган ҳамшира. Кейин мени оппоқ чойшабга йўрғаклашди. Дарров мудроқ босди.

\*\*\*

Кўзимни очсам, бир талай чақалоқларнинг орасида ётибман. Уларни сизга таништардим у номларини билмайман-да. Дарвоқе, номларини ўзлари ҳам билишмайди, негаки уларга ҳали ном қўйилган эмас. Менинг номим эса Улуғбек бўлади! Дадам билан оғим аввалдан шунга келишиб қўйишган.

Ажаб! Унг томонидagi қизалоқ нега чинқириб йиғляпти экан-а? Чап томонидagиси ҳам йиғлай бошлади.

Демак, мен ҳам йиғлашим керак. Ҳаммамиз чинқириб йиғлашга тушдик. Кейин ҳамшира опалар, энагалар келишди-да, бизни аравачаларга солиб, ойиларимизга улашиб чиқиди. Вой, бечора оғим! Бир аҳволда ётибди шўрлик. Шунга қарамай, мени кучоғига олди, қандай мазза она кучоғи!

\*\*\*

Бугун уйга кетармишимиз. Қандай яхши! Ҳаммадан ҳам оғимнинг қувонганини айтмайсизми. Мана, руҳсат ҳам беришди. Хайр, киндик қоним тўкилган макон! Хайр, оқ халатли меҳрибонлар! Мени ҳамшира опа кўтариб олди. Ойижоним орқамиздан эргашди. Эҳ-ҳе, олам жуда кенг-ку, а?

Бизни анча киши кутиб турган экан. Энг аввал одмигина кийинган, хушчақчақ кампир (бу киши бувим бўлсалар керак) оғимнинг пешанасидан ўлдилар. Кейин менинг пешанамдан. Дадам эса оғимга бир даста гул тутқазди. Аммо менга қарамади ҳам. Қизик, нега ундай қилади? — Уялма, ўғлим! Киши ўз фарзан-

дидан ҳам уяладими? — далода бердилар бувим дадамга.

Кейин дадам ҳам юзимни очиб, бир лаҳза менга тикилди. Ҳаммадан олдинда мени кўтарган бувим, кейин оғим ва бошқалар машинага ўтирдик. Ҳаммалари нуқул қулишади. Йўл-йўлакай қувониб кетишяпти. Мен индамай қўя қолдим. Бу дунё жуда хушчақчақ кўринади.

Ҳамон йўлдамиз. Қизик, йўл олисимкан, машаққатлимикан? Шу хушчақчақ одамлар менга доимо йўлдошимкан?

Уйимизда анча одам кутиб ўтирган экан. Бизни ўраб олиб, оғимни табриклашди, менга ҳавас билан қарашди. Мен эса ўзимни уйқула солиб ётавердим. Уша кун уйимизда тўй бўлиб кетди. Эҳ, нақадар соза-а, бу ҳаёт!

\*\*\*

Уйимизда бугун ҳам қандайдир маросим борга ўхшайди. Мўйлови эдингизга сабза урган амаким, икки катта амаким ҳам шу ерда. Улар мени яхши кўришади. Аинқиса бувим!

Менсиз ҳеч туролмайдилар. Мен у кишининг биринчи неваралари эканман.

Дадам унча хурсанд эмасдай. Нега ундай экан-а? Шунангги қувноқ дунёда ҳам хафа бўлиб юрадими киши?

— Бешикка беламаймиз, — деди ниҳоят бувимга дадам, — биз ойиси билан шунга келишиб қўйганмиз.

— Кўйсанг-чи, бекорчи гапларни, — жеркиб бердилар бувим. Ҳаммагнинг ҳам бешикда катта қилганман. Ҳали боласизлар, сен айтган Навоий-у, яна бошқа улуғлар ҳам бешикда катта бўлишган.

— Менга ўхшаб боши қийшиқ бўлиб қолсинли! — деди бошини кўрсатиб дадам.

Бувим кулиб яна алланима дедилар.

Ойим жуда уятчан. Бувимга нимадир демоқчи бўлдию айтмади. Лекин дадамга маъносига назар ташлаб қўйди. Менга эса, бари бир. Бешикми, бошқасими — ётавераман.

Янги бешикни ясатишди. Бувим мени унга ағнатдилар. Индамай ётаверардим у аммо оғимни зичлаб тангишганидан кейин овозим борича чинқириб йиғладим. Оёқларимни тирпирлатиб ётишни яхши кўрардим. Кейин қўлларимни ҳам боғладилар. Ия, жуда ноқулай-ку. Бунинг устига қоронғи. Қани, йиғлайверай-чи, Балки ечиб олишар. «Йиғлайвер, кўзинг қуралай бўлади», дедилар бувим. Яна анча йиғладиму бувим бир ёқимли алла айтиб юбордиларки, қулоқ солмасдан иложим йўқ эди.

Алла айтай, шўхлик қилмай қулоқ солгин, қоқиндиқ. Кўзумчоқдай кўзларингни юма қоқгин, қоқиндиқ. Кўзичоқдай ширингина ухлаб олгин, қоқиндиқ. Сен бувингнинг қувончи бул, бахти бўлгин, қоқиндиқ. Алла айтай, ширингинам, алла айтай, аллаё...

Алла элитиб ухлаб қолибман.

\*\*\*

Ойим ишга чиққанидан буён уйда бувим икковимиз қоляпмиз. Дадам ишга, амаким билан амчачам ўқишга кетадилар. Менга бувим маъкул. Яхши аллалар айтадилар. Кўнглимдаги гапни ҳам дарров фаҳмлаб оладилар, маза қилиб гурунглашамиз.

Ҳадемай ўқишдан қайтган амаким мени кўчага олиб чиқди. Ташқари жуда ҳам яхши! Ажабтовур товушлар ва ранглар. Турли-туман машиналар гизиллаб ўтиб турибди. Ариқдаги сувни қаранг, бирам шўжи! Шилдираши худди бувимнинг аллаларидек ёқимли.

Кўшни эшикдан чиққан узун бўйли киши бизга яқинлашди. Кейин дағал товуш билан менга сўз қотди:

— Ҳа, пучуқ, кўчага чиққингми? Ия, тишинг йўқ экан-ку?

Кейин у одам қаҳ-қаҳ отиб кулди. Мен орим келиб йиғлаб юбордим. Тишим йўқ эмиш! Бувимнинг тишлари бўлмаса ҳам ҳаммадан яхшилар-ку?

Мени кўчага олиб чиққани учун бувим амакимни роса койидилар. Кейин исирик тутатдилар.

\*\*\*

Чатоқ бўлди-да. Бувигинам бетоб бўлиб қолдилар. Докторлар у кишини олиб кетишди. Қон босимлари ошганмиш. Уша кун менга қараш учун оғим ишидан қолди. Кеча эса иши ўнгидан келмай қайтди. Яслига жойлаштириш учун ҳайси бир идорадан руҳсатнома олиш керак экан. Дадам ишдан қолиб, уша идорага борса, у ердagi киши «Эртага келинг», дебди. Эртасига ҳам, индинига ҳам шундай бўлибди. Шундан кейин дадам ўша одамни «бюрократ» дебди. Емон

одам дегани бўлса керак. Бу дунёда ёмон одамлар ҳам бор экан-да? Кейин дадам танишлари орқали мени вақтинча яслига жойлаштирадиган бўлди. Майли, борсам борай. Ахир, оймим ҳадеб ишдан қолверса бош-лиқлари уришиши мумкин. Дадамни ҳам бошлиқлари тартибга чакирибди. Аҳаб, бошлик дегани уришадиган одам бўлар экан.

\* \* \*

Мени биринчи куни яслига оймим билан дадам олиб борди. У ерда болалар кўп, ўйинчоқлар ҳам бир талай. Мен йиғламадим. Ахир, энди катта бўлиб қолдим. Беш ойлик бўлдим. Аммо бу ер менга унча маъқул келмади. Уйда мени кўтариб юришарди. Яслида кўтаришмас экан. Уни-си ҳам майли-я, бу ердаги опалар алла айтишни билишмас экан. Бувижонгинам тезроқ тузалсалар эди.

\* \* \*

Эрталаб дадам билан оймим айтишиб қолишди. Сезиб турибман, айб дадамда. Ахир, беш кундан буён мени яслига оймим олиб бораётган эди-да. Бугун эса олиб боришни дадамдан сўраганларига шунча жанжал.

— Олиб бормайман, вассалом, — деди дадам. Кейин оймимни жеркиб берди. Мен чидаб туролмадим.

— Да-да-а! — дедим чинқириб биринчи марта. Улар кўнониб кетишди. Айтишларини қўйиб, мени кучоқлаб олишди.

— Яна аввал «ойим» демай, «дадам» дейди-я! — деб ҳазиллашди оймим.

Мени яслига дадам олиб кетди. Мен ўйлардим: энди икковлари айтишиб ё уришиб қолишса, нима дейишни биламан.

\* \* \*

Мана, Бувижонгинам ҳам келдилар. Мен у кишини жуда соғинган эдим-да. Бувим ҳам энг аввал мени ўлиб-ўлиб, бағриларига босдилар. Мен ҳам ўпмоқчи бўлдим у далай олмадим. Ўзларини ялаб қўя қолдим.

Бувимни кўргани қўни-қўшиллар, қариндошлар келишди.

Мен қўпича ёлгондан йиғлайман. Лекин бугун икки марта астойдил йиғлашга тўғри келди. Биринчиси — эрталаб уйимизга доктор келиб мени уқол қилганида. Иккинчиси эса — дадам туйфайли бўлди. У киши аллақандайдир бир бадбашара махлуқни келтириб менга тутқазди. Мен қўрқиб йиғлаб юбордим. Юғуриб оймим кирди.

— Бу нима? — деб оймим сўради дадамдан, ҳалиги бадбашарани кўрсатиб.

— Уйинчоқ.  
— Қанақа уйинчоқ.  
— Хўроз!  
— Ҳозир йўқотинг. Турки қўрсин! Қўриб менинг ўтакам ёриляптию бола бечора қўрқмайди ми бундан?  
Шу пайт амаким келиб, уйинчоқни қўлга олди.

— Бу хўрозга ўхшайди, лекин мушук бўлса керак, — деди.

Оймим бўлса маймунга ўхшагди. Дадам бўлса кўнмасди.

— Хўроз! Хўроз!! Хўроз!!!

Бугун Янги йил байрами. Мен етти ойлик бўлдим. Уйимизга меҳмонлар келишдида шекилли, тараддуд кўришяпти. Арчани ҳам жуда яхшилаб яса-тишди.

Кечқурун бир талай таниш-нота-ниш одамлар келишди. Қўшимиз Лайлонинг онаси ҳам уни кўтариб келди.

Дадам гап бошлади:  
— Ҳаёт қувончга ҳам, қийинчилик ва ташвишларга ҳам тўла. Зотан, шунинг учун ҳам уни ҳаёт дейдилар-да. Утган йили оиламиз ҳаётида ҳам анча воқеалар бўлди. Фарзанд кўрдик. Улуғбегимиз ярим ёшдан ошди.

Анча қийинчилик, ташвишларни ҳам бошдан кечирдик. Биринчи қадаҳини ўтиб кетаётган яхши, серташвиш йил учун кўтарайлик.

Ҳаммалари ичишди. Кейин юзларини ажабтовургина буриштиришди. Кейин битта амаки шунанга болаб қўшиқ айтдики, худди бувимнинг ал-лаларидеки ёқимли.

Мен қўшиқни яхши кўраман. Бир қўшиқни эмас, сувнинг шилдираб оқи-шини, оппоқ қорни, кушларнинг чу-ғур-чуғурини — бутун ҳаётни яхши кўраман. Одамларнинг хурсандчили-гини ҳам яхши кўраман.

— Вой-о-ой, ойижон! Дадажон! Бувижон! Қеёқдасизлар? Вой, қор-ним! Вой қорним! Жуда ёмон орги-япти! Вой, вой-вой!.

Йигимнинг таржимаси шу эди. Чин-қириб йиғлайвердим. Оймим ҳам то-вуш чиқармай йиғлаб бошлади. Да-дам мени шаҳарга — докторга олиб бориш ҳаракатига тушди. Учовлашиб жўнадик.

Доктор эшигида бир қанча киши қатор бўлиб ўтирган экан. Биз ҳам-мадан кейинда турдик. Бизга энди навбат келганда қоринимнинг оргири таққа тўхтади. Доктор қулди, оймим билан дадам ҳам қулди.

Доим шунанга: мен йиғласам, йиғ-лайдилар, кулсам, куладилар.

Шифохонадан уйга қайтиб келаётган-нимизда автобусда мени кўтариб ол-ган оймим кўзи олазарак бўлиб жой излади. Ҳамма жой банд. Унг томон-даги ўриндиқда ўтирган, дадам билан оймимдан ёшроқ икки киши бизни кўришлари билан бирдан газета ўқишга тушиб кетишди.

— Мана бу ерга ўтириг, синг-лим, — деди ёши ўтинқириб қолган киши ўрнидан туриб. — Аммо оймим негадир у кишига раҳмат айтиб, ўти-ришга кўнмади.

— Бўлмаса, кичикитойни менга бе-ра қолинг. У киши қайтадан жойига ўтириб, мен томон қўлани чўзди. Оймим мени узагиб юборди.

— Оти нима йигитчининг? — деб сўради ҳалиги киши оймимдан.

— Улуғбек...

— Оббо азамат-эй! Улуғбек!

Мен ҳам бу одамга разм солдим. Қарасам... у кишининг бир оёғи... ёғочдан экан! Қизиқ! Оёқ ҳам ёғочдан бўларканда-а?

Навбатдаги бекатда ёғоч оёқли киши тушадиган бўлди. Урнига оймим ўтириб, мени бағрига олди. Мен ку-загиб турдим: у киши ёғоч оёғини гиҷирлатганча тушиб кетди. Дадам бошини сарак-сарак тебратиб қўйди.

\* \* \*

Дадам шеър ёзиб туради. Кечаги воқеадан таъсирланиб, шеър ёзган экан, оймимга ўқиб берди:

«Ёғоч оёқ гиҷирлайди,  
Гиҷирлаб ҳазин  
Одамларга баён этар  
Серҳасрат арзин:  
«Мен қарағай эдим бир замон —  
Она ергинамнинг чайир ўғлони.  
Чорак аср аввал кесиб беомол,  
Кесилган оёққа улашди мани.  
Чорак аср мадад бердим, аммо,  
Оёқ бўлолмадим, бўлолмаман  
ҳам,  
Чорак асрдирки, менга муаммо:  
Мажрўҳ этар нечун одамни  
одам?»

Чорак асрдирки, менга муаммо:  
Мажрўҳ этар нечун одамни  
одам?»

Чорак асрдирки, менга муаммо:  
Мажрўҳ этар нечун одамни  
одам?»

Чорак асрдирки, менга муаммо:  
Мажрўҳ этар нечун одамни  
одам?»

Чорак асрдирки, менга муаммо:  
Мажрўҳ этар нечун одамни  
одам?»

Чорак асрдирки, менга муаммо:  
Мажрўҳ этар нечун одамни  
одам?»

Чорак асрдирки, менга муаммо:  
Мажрўҳ этар нечун одамни  
одам?»

Чорак асрдирки, менга муаммо:  
Мажрўҳ этар нечун одамни  
одам?»

Чорак асрдирки, менга муаммо:  
Мажрўҳ этар нечун одамни  
одам?»

Чорак асрдирки, менга муаммо:  
Мажрўҳ этар нечун одамни  
одам?»

Чорак асрдирки, менга муаммо:  
Мажрўҳ этар нечун одамни  
одам?»

Чорак асрдирки, менга муаммо:  
Мажрўҳ этар нечун одамни  
одам?»

Чорак асрдирки, менга муаммо:  
Мажрўҳ этар нечун одамни  
одам?»

Чорак асрдирки, менга муаммо:  
Мажрўҳ этар нечун одамни  
одам?»

## Почтачи

Оғир йиллар, бўшаган қишлоқ  
Тинган завқли сазинг куйи ҳам,  
Сукут билан юрар почтачи  
Сумқасида бордай фақат гап.  
Сез бўлмади ҳушидан кетган  
«Улди...» сўзин ўқиган дамба,  
Етим бўлди қанча гўдақлар,  
Оналар, сингиллар мотамда.  
Ойлар, чиғмас эди югуриб  
Хат ташувчи кўринса шу он,

## Йил—ўн икки ой



Қишнинг охири оғир. Бутун ой да-вомида кундуз билан кеча орасидаги вақт тафовути камайиб боради. Нав-рўз арафаси.

Асрлар ўтиб кетди, лекин февраль сўзи календардан тушмай келмоқда. IX асрнинг биринчи ярмида яшаб, бу-тун дунёда Алфарагану номи билан маълум ва машҳур астроном ва ма-тематик Шайх Шаҳобиддин Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Фарғоний феврални «фабрўрайўс» шаклида ёзган. Абу Райҳон Берунийнинг кўрсатишича, йил-нинг бу иккинчи ойини қиёбийлар «фабрайир», румликлар «феврариюс» деб атаганлар.

## Очил дастурхон

### Мош палов

Паловнинг хили кўп. Лекин унинг ҳамма турини тайёрлавириш одат тусига қирмаган. Паловнинг баъзи бир турлари унутилиб ҳам кетган. Яқиндан бошлаб мош палов дамлаш одат бўлиб келмоқда.  
Масаллиқ: 600 грамм гуруч, 200

Гўё почтачида ҳамма гап,  
Гўё этар ёзмишни баён.  
Қишлоқ бўйлаб юрар почтачи  
Елкасида юк, хира таъби,  
Кишиларнинг қайғу-аламини  
Якка ўзи кўтарган каби.  
Неча йиллар ўтди шу хилда,  
Почтачимиз югуриб-ёлди.  
Бир кун бутун халқ қувончини  
Юрагига сиғдириб келди:  
«Уруш тамом, буюк Ғалаба»,—  
Даб жар солди кезиб у отда;  
Уша оддий одам — почтачи  
Ўз ҳайкални тикди ҳаётда!  
Чор ҚАМРО.

Ҳамма ойлор орасида фақат фев-ралнинг кунлар сони ўзгариб тура-ди. Агар йил рақами 4 сонга қолдиқ-ли бўлиса, февраль 28 кундан, қол-диқсиз тақсим қилинса — 29 кундан иборат бўлади. Феврალი 29 кунли йил кабисали йил дейилади. 1972 йил ка-бисали бўлгани учун февраль оғир 29 кундир.

Табиий ҳодисалар ва ижтимоий ҳа-ётнинг боришига кабисали йилнинг ҳеч қандай таъсири йўқ. Кабисали йил қандайдир табиий ҳодиса билан боғ-ланган даврни ифода қилмайди. (Йилни кабисали деб аташ ёки ата-маслик одамларнинг ўзига боғлиқ бўлганлиги ҳақида журнализмнинг аввалги сонидеки изоҳ берган эдик).

Календаримизнинг февраль ойига Эрон шамсий хиҷрий ҳисобининг ас-фанд, Сурия қўёш системасининг шуб-бот оғир тўғри келди. Февралнинг бошларига буржий системанинг дав-ло ойи, охириларига — ҳут ойи тўғри келди.

Бу йил февраль ойига қамарий календарнинг Янги йили тўғри кела-ди: 1972 йил 16 февраль куни 1392 йил муҳаррам ойининг биринчи ку-нидир. Февраль ҳамма мамлакатлар-да 29 кун, лекин муҳаррам Саудия Арабистони ва Туркияда — 30 кун, Эрон, Тунис ва Афғонистонда — 29 кундан бўлади.

Ой Ердан узоқлашди (апогей) — 6 февраль, яқинлашди (перигей) — 17 февраль кунлари. Ой боши — 7 февраль, тўла ой — 15 февраль. Бу ойда қуйидаги сайёраларни кўриш мумкин: Меркурий (ойнинг охирида-рида оқшомда), Марс (оқшомда), Са-турн, Уран, Нептун тун бўйи аққол ярқираб туради.

О. ФАЙЗУЛЛАЕВ

грамм мош, 200 грамм гўшт, 200 грамм ёғ, 400 грамм сабзи, 200 грамм пивё. Туз ва зираворлар таъ-бага қараб солинади. Бу тўрт кишилик овқат нормасидир.

Тайёрлаш усули: мош бир кечаю кундуз сувуқ сувга ивителиб қўйи-лади. Мошини, яхшиси, юза идишда, чўнончи лаганга бир қават ёйиб иви-тиш керак, шунда ҳаво ҳам таъсир қилиб дуруст бўртади. Бўртган мош-ни клеёнкага ағдариб, кўздан ўтка-васиз. Гуруччи ювиб, устига илиқ сув қуясиз-да, мошни гуручга аралашти-расиз.

Энди қозонда ёғни доғлаб, пивё, гўштни нўхатча қилиб тўғралган сабзи билан қовуриг. Туз ва зираворлар септач, сув солиб микдиратиб қўясиз. Зирак мезёрига етгач, мош аралаш-тирилган гуруччи солиб, уни палов сингари дамлайсиз. Гуруч ивитама бўлгани учун сувни озроқ қуйишни унутманг.

Ош 20 минутда дам ейди.

Пазанда Қарим МАҲМУДОВ

Ҳар бир халқ ўз ватандошлари ва инсоният учун унутилмас хизматлар қилиб, келажак авлодларга бебаҳо мерос қолдириб кетган улўғ зотларни миннатдорлик билан эслайдми, фахрланади. Ана шундай инсонлардан бири халқимизнинг буюк фарзанди Абу Мансур Хасан бин Нух ал-Қамарийдир. Уни баъзан ал-Қумрий ҳам дейдилар.

Абу Мансур Х асрининг биринчи ярмида сомониёлар (900—998) ҳукмронлиги даврида Бухорода туғилди, шу ерда нашуу намо топди. Ҳаётга мустикал қадам қўйганидан бошлаб илм эгаллашга кучли иштиёқ кўрсатди. Уша давр фозилу табииблири ҳузурда адабиёт илмини ўрганиб, табобат санъатини тақомиллаштирди. Тиб илми ва амали фанида камолотга эришди, замонасининг буюк фозилларидан бири сифатида шўҳрат қозонди. Табобат фани ва даволаш усулидаги маҳорати билан мамлакатда ҳурмат, иззат-икромга ноил бўлди. Замондошлари Абу Мансур аҳволи баънида мана бундай деганлар: «Замонасининг улўғи ва даврининг ягонаси, тиб санъатида эҳқонининг нуқсонсизлиги билан машҳур ва тиббий амалиётларни яхши истеъфода этиш фанида ва тиббининг усуллари ва тармоқларига доно ва ҳамма муолажаларига қодир эди. Шу боисдан ҳам Сомония подшоҳларининг ҳузуринда ўз тенгқуларидан мумтоз ва зиёда эҳтиромга сазовор бўлди».

Донишманд табиб сомониёларнинг олтинчи ҳукмодори Амир Мансур бин Нух бин Наср бин Аҳмад бин Исмоил Сомоний (961—975) наздида яқин бўлиб ҳамсўҳбат ва маҳрамлик мартабасига эришган эди. Ҳаддан зиёда билимдонлиги, қамоли амонатдор ва дёнвнатли бўлганлигидан аҳли ҳарамни даволаш иши унга ишониб топширилган эди.

Бир кўни шундай воқеа ўзо берди. Улўғ табиб саройда подшоҳ ҳузуринда экан, султон дастурхон ёзиб, ноз-неъмат келтиришни буюрди. Таомилга кўра келтирилган таомини шу ишга мутасаддиқ канизак гулдонинг бошидан олиб дастурхонга кўйда-да, энгашганича қаддини ростлаблайми қолади. Султон ҳақимга қараб муо-

лажа қилишни буюради. Абу Мансур бу касални дори-дармон билан даволашдан умидсиз эди. У бир оз ўйланиб тургач, бу дардининг дармони ягона чорас — нафсония тadbирларини кўриш эканлигини англайди. Урданидан кўзгаалиб канизакнинг бошидаги ҳилва рўмолини тортиб олади. Кейин тезлик билан канизакка ёпишади. Кўпчиликнинг кўзи олдида бўлаётган бундай шармандаликни кўрган канизак ўзини ҳимоя қилиш мақсадида жон талвасасида ўрнидан туриб кетади ва белини ростлайди. Бир нафас ичида содир бўлган бу ҳодиса ва муолажадан подшоҳ жуда таажубланади ва ҳақимдан касалнинг сабаби, муолажа тadbирининг боисини сўрайди. Шунда ҳақим: «Уша онда канизакнинг орқа умуртка погонаси-

рийдан ёшлигида кўп фойдалар кўрган Ибн Сино кейинчалик халқимизнинг номини оламга машҳур қилди. Устозининг бундай зўр хизматларини Ибн Сино ўзининг «Шарҳи асосида» асаринда ифтихор билан очик ва ошқора баён этиб ўтган.

Улўғ донишманд Абу Мансур Бухорий келажак наслларга тибга доир бир қанча муҳим асарлар қолдирди. Унинг асарларига хос хусусиятлардан бири шундаки, олим далил сифатида ўзидан аввал ўтган Шарҳ халқимлари ва Жолинус (Гален), Буркот (Гиппократ) каби машҳур юнон врачларининг фикрларини келтириб, уларни шарҳлашни яхши кўради. Абу Мансур замонасининг генал олимни Абу Бакир Закарий ар-Розий (вафоти 933 йил) билан ҳамсўҳбат, ҳам-

малар фондида (5708-рақами остида) ва яна бир нухсаси Эроннинг Ризави кутубхонасида сақланмоқда. Буюк ҳақимнинг «Китоби илал ал-илал» («Касаллар, касалликлар китоби»), «Мажмуайи кабир дар адвияти муфрада» («Якка дориларнинг катта тўплами»), «Мулюжоти Мансурий» («Мансурга мансуб муолажа йўллари»), «Рисола дар иложи амрози садр» («Орак касалликларининг давоси ҳақида рисола»), «Мақола дар марази истисқо» («Сув йиғиш касали ҳақида мақола») каби асарлари ўзбек, шунингдек, жаҳон тиббиётининг тараққиётига улкан ҳисса бўлиб қўшилган.

Техривонда нашр қилинган «Намаи донишвон» (1879) ҳамда Қоҳирада чоп этилган «Феҳресп ал-маҳтўт ил-муаварати» деган китобларда ҳамбар берилишича, Абу Мансур Бухорийнинг «Аттанвиру фил муслихот ит-тббияти» («Тибга оид маҳрумларни равшанлаштириш»), «Рисолати фит тибби» («Тиб ҳақида рисола»), «Аш-шамсият ал Мансурияти» («Тиб илмига оид рисола»). Офтоб урганларга қилинадиган дори-дармон борасида бўлса керак. — А. Ж.), «Мақола дар бухрон» («Касалда бирдан юз берадиган катта ўзгариш»), «Рисола дар ҳумийоти доира» («Қаттиқ иситмалар ҳақида рисола») асарлари Қоҳира кутубхонасида сақланмоқда.

Қанчадан-қанча илоҳисиз касалликларнинг давосини топан Абу Мансур ўзига ёпишган бедаво дард натижасида ҳижрий 418 (мелодий 1027) йилда вафот этди. Буюк олим Бухорода дафн этилгандир.

Юқорида айтилган мулоҳазалар шунинг ҳаққоний равишда тасдиқлайдики, Абу Мансур Бухорий бундан минг йиллар муқаддам медицина фанимизга асос солган ва шунинг билан бирга Ибн Синодек улўғ сиймонинг мураббийси, устоди бўлган буюк алломадир. Халқимиз улўғ фарзандининг бой меросини чуқур илмий ўрганиш, тарғиб-ташвиқ этиш ва бу туганмас ҳазинани замонамизга хизмат қилдириш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиздир.

**А. ЖУВОНМАРДИЕВ,**

тарих фанлари кандидат

## Улўғ аждодларимиз

# ИБН СИНОНИНГ УСТОДИ

да фализ ич қамалиб қолган. Уни ҳарорат кучи билан юмшатиш керак эди. Кўпчиликдан хижолат чеккан канизак чор-ночор табиий ҳароратини оширишга мажбур бўлди. Натижада саломатлиги тикланди», деб жавоб беради.

Абу Мансур Бухорийнинг Ибн Синодек буюк сиймонинг қамол топиши борасида қилган хизмат ва тарбияси ҳам гош таҳсинга сазовордир.

Шамсиддин Абдулҳамид бин Исонининг (уни Хусравшоҳий ҳам дейдилар) нақл этишича, Абу Али ибн Сино навқиронлик йилларида Абу Мансур Бухорий қўлида мадрасада таълим олган, у билан беморларни кўргани бориб, жарроҳлик амаллари ва муолажа тadbирларини ўрганган. Қам-

фирк бўлган. Шу сабабли ўрни келганда ар-Розий фикрларини ўз асарларида ҳурмат билан қайд этган. Чунончи, у, «Гино ва муно» асаринда ар-Розий фикрларини шарҳлаган бўлса, «Аш-шамсият ил Мансурияти» асарининг «Маърифати маони ин-набзи» деган сўнги бобини ар-Розийнинг сўзлари билан хотимлаган.

Абу Мансур ал-Бухорий тасниф қилган китобларининг энг муҳимлари кўйидагилардир.

Олимнинг «Гино ва муно» асари ўша замондаги касалликларнинг турлари, уларни даволаш йўллари ҳақида сўзлайди. Бу асарининг бир нухсаси Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўл ёз-

## Тақриз

Ўзбек театри деганда Ҳамза, Маннон Уйғур, Етим Божовон, Аброр Ҳидоятлов, Сора Эшонтўраева, Шукур Бурхоннов, Наби Раҳимов ва яна бир-қанча устоз санъаткорлар кўз олдинда намоён бўлади. Ўзбек театрининг бу катта авлоди ҳақида кўпгина монографиялар ёзилган.

Бу соҳада кўп захмат чеккан театршунослардан бири Я. Фельдмандир. Унинг Олим Хўжаев ижодида бағишланган монографиясида ва бошқа рисола ҳамда мақолаларида ўзбек саҳнасининг тараққиёт йўли ҳаққоний кўрсатилган. Санъатшунос олимнинг яқинда чиққан китобида ҳам ўзбек саҳнасининг ривожланиш йўли, актёрлар маҳорати таҳлил этилади. Тўғрироғи, асар ўзбек саҳна усталарининг сўнги ўн беш-йигирта йил ичида эришган муваффақиятлари ҳақида яхши тасаввур беради.

Санъатда ҳақиқий истеъдоднинг, профессионал маҳоратнинг жозибали кучи бу китобда саҳнашим юлдузлари мисолида, изчил равишда исботланади. Я. Фельдманга қадар театршуносларимиздан ҳеч ким ўзбек саҳнасидаги Ленин образи ҳақида бунчалик кенг ва ҳар томонлама фикр айтмаган эди.

1940 йилнинг октябр ойи барча ўзбек томошабинлари учун зўр ҳая-

# ЖОЗИБАЛИ КУЧ

жон ва қувонч келтирди. Чунки Н. Погодиннинг «Милтиқли киши» пьесаси ўзбек саҳнасида қўйилмағи ҳақида афишалар, газета эълонлари пайдо бўлган эди.

Я. Фельдман ўзбек саҳнасида Ленин образининг яратилиши хусусида гапирар экан, фақат Саъидхон Табибullaев, Шукур Бурхоннов, Зикир Муҳаммаджоннов, Маҳсум Юсупов, Рихси Авазов каби актёрларнинг ижодлари билангина чекланмайди, балки республикамиз область театрлари фаолиятга ҳам муурожаат этиб, Ж. Зубайдуллаев сингари ёш актёрларнинг буюк сиймо образини яратишдаги маҳорати тўғрисида ҳам фикр юрилади.

Авторнинг муваффақияти шундан иборатки, у саҳна асарларини даврий жиҳатдан чекламасдан, жуда кўп персонажларни бир-бирига қийслайди ва актёр маҳорати ҳақида салмоқли эстетик хулосалар чиқаради.

Я. Фельдман ўзбек саҳнасида замондошимиз қийфасининг яратилиши, талқини масаласига алоҳида тўхтайдми, миллий актёрларнинг ажнабийлар образларини гавдалантиришдаги маҳоратлари хусусида сўз юрилади. Театрнинг интернационализм традицияларини очиб беради. Ўзбек саҳнасида «Қонли сароб», «Замон драмаси» сингари асарлар билан бир қаторда Нозим Ҳикматнинг «Туркия ҳақида ҳикоя», «Бир севги арфосаси», Муҳаммад Дибнинг «Жазоир — менинг ватаним», Г. Фигерейдонинг «Эоп», М. Каорунинг «Уғирланган умр», В. Брагин ва Г. Товстогонининг «Мангу ҳаёт», Э. Роблесининг «Монсерра» («Улмидан кучли») асарлари ҳам муваффақият қозонганлиги маълум. Автор саҳнашимда кўп халқлар ҳаётининг реал лавҳалари, образлар маҳорат билан талқин этилганлигини қайд этади.

Я. Фельдман сийсий-назарий му-

шоҳадалар билан амалий-эстетик тадқиқотни муштарак олиб боради, актёрлар маҳоратини кенг таҳлил қилади, аниқ хулосалар чиқаради.

Айтиш керакики, китобнинг мунозарали ўринлари ҳам бор. Автор гоҳо баъзи раълар ижросини тавсиф этаркан саҳийлик кўрсатган. Модомики, китоб актёрлар маҳорати тадқиқига бағишланган экан, таҳлил этиш турли амплуддаги актёрлар ижросини бир-бирига қийслаш, уларнинг ютуқ ва камчиликларини, иқодий қийинчиликларини аниқ равшан кўрсатиш лозим эди. Жумладан, автор «Имон» пьесасидаги Санжаров образига батафсил тўхтаб, бу персонажни беқийёс даражада муваффақиятли чиққан, дейди. Ҳолбуки, адабиётшуносидега Санжаров образининг пьесода фаолиятсиз бўлиб қиққани кўп марта айтилган эди. Автор Санжаровнинг ҳар бир хатти-ҳаракатида жуда катта ҳаққоният бор деб таъкидлайди. Бизнинг ҳам бу персонаж пьесода соядек бўлиб қолган, у психологик ҳолатларнинг очилишида жуда кам аҳамият касб этади.

Китобнинг бундай баҳсли ўринлари балки махсус мунозараларда тилга олинар. Умуман айтганда, Яков Солломонович Фельдманнинг янги китоби санъатшунослик фанимизга кўшилган катта ҳиссадир. Унда ўзбек актёрларининг маҳорат мактабидеги асосий хусусиятлар ишонлари кўрсатилган. Китобнинг қиммати ҳам шунда.

**МУЮФОТ МАҚСУДОВА**

\* Я. С. Фельдман, Властители дум. Изв. им. Г. Гулима, Ташкент, 1970.

XVIII аср охири ва XIX аср бошларида ўзбек халқи орасида насрий дostonларга бўлган қизиқиш жуда кучайди. Хомуший ва Бухорий таржималарида Фирдавсий «Шохнома»сининг, Оғаҳий таржимасида Низомий «Ҳафт пайкар»нинг насрий вариантлари, «Минг бир кеча», «Қалила ва Димна» каби асарларнинг ўзбекчалаштирилиши бунга сабаб бўлди. Тош босма матбааларнинг ноширлари мавжуд насрий китобларнигина эмас, катта-катта шеърый асарларни ҳам насрлаштириб китобхонларга тақдим этдилар.

Шеърый дostonларни насрлаштириш уни кенг ёйишининг бир усули ҳисобланган. Насрлаштиришининг икки усули бор. Биринчисида шеърый асар бошдан-оёқ насрлаштирилади, ундаги воқеалар прозаик тарзда баён этилади. Иккинчи усулда эса, насрлаштирувчи сюжетни ҳикоя қилар экан, асарнинг энг муҳим ўринларида, қаҳрамонларнинг ҳис-ҳаяжони, ички кечинмаларини ёрқин ифода этиш лозим бўлиб қолганда, шеърый парчалар келтирилади. Бундай насрлаштирилган асарлар услуб жиҳатидан халқ дostonларига яқин туради. Шеърый асарларни насрлаштириш борасида малака орттирган адиблар асар тилини имкон борича соддалаштиришга, уни ўзлари яшаётган давр китобхонлари тушувчасига мослаштиришга, мураккаб иборалардан холи қилишга интиланганлар.

Насрлаштириб чоп этилган шеърый асарлар орасида Алишер Навоийнинг «Ҳамса»си ҳам бор. Навоий ижодининг муҳлислари, тарғиботчилари унинг ўлмас меросини оммалаштириш учун шу йўлдан ҳам фойдаланганлар.

Алишер Навоий «Ҳамса»сининг Ф. Орифжоновга қарашли «Ғуломия» матбасида 1906 йилда чиқарилган прозаик нашри улуғ шоирнинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёра», «Садди Искандарий» дostonларидан иборат бўлиб, «Насри Ҳамсаи беназир» деб аталган. Дostonларнинг қизиқ-қизиқ эпизодларига мос равишда суратлар ҳам чизилган.

«Ҳамса»нинг ким томонидан насрлаштирилганлиги китобнинг бирор ерида аниқ кўрсатилмаган. Бироқ алоҳида-алоҳида чоп этилган «Лайли ва Мажнун» (1910), «Фарҳод ва Ширин» (1912) дostonларининг насрлаштирувчиси хоразмлик адиб Умар Боқий эканлиги кўрсатилган. Умар Боқийнинг номи «Ҳамсаи беназир»нинг ҳам айрим ўринларида учрайдики, бу Навоийнинг барча дostonларини шу адиб насрлаштирган, деган хулосага келишга асос беради. Буни дostonлар тилидаги услуб яқинлиги ҳам кўрсатиб турибди.

Шеърый асар насрга айлантирилгач, ўзининг кўлгина фазилатларини йўқотиши табиий, албатта. Вазн, қофия, ритм, радиф сингари шеърга хос унсурлардан воз кечишидан ташқари ифода ва иборалар, бадий усулларнинг бир қисми ҳам бошқача тус олади, уларнинг ифодавий ҳусусиятлари ўзгача услубга кўчади. Хуллас, шеърый асар насрлаштирилганда унинг таъсир кучи суясади. Шу сабабдан «Сабъаи сайёра»нинг насрлаштирилган нусхасини ўқир эканмиз, гарчи унда воқеалар иҳбатинан содда тил билан баён этилган, арабча-форсча сўзлар ўринини кўпроқ соф ўзбекча сўзлар эгаллаган бўлса-да, бироқ характерларнинг Навоийдагидек нуқамал ифодасини кўрмаймиз. Лекин асар қаҳрамонларининг ишлари, улар ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳикоялар, воқеа-эпизодларнинг ҳаммаси, тасвирлар анча батафсил берилган.

Фикримизни ойдинлаштириш учун мисол келтирамиз.

Дебки: ёраб не ҳолат ёрнин бу!  
Не туганмас малолат ёрнин бу.  
Менмудурменик чунки қилдим зўр,  
Аядаҳо, саллатимдан ўлди мўр!  
Энди ишқ аядаҳоши зўр этти,  
Аядаҳокуш танимни мўр этти.  
Менмудурменик зоҳир этинак кин.  
Ожизим ўлди инки шерн нар  
Дард ила ҳаир қилғоч арислонлиқ  
Муш улубмен, вале ярим жоплиқ,  
Менмудурменик разм чун туздум,  
Чин сипоҳини ёлғузун буздум.

Дилоромдан айрилиб, ҳижрон изтиробиде қийналаётган Баҳромнинг нидоси, оху фиғони ана шундай ҳароратли, ўтли мисралар билан тасвирланган. Мазкур парча куйидагича насрлаштирилган: «...Кундан-кунга ишқи зийда бўлуб, зору низоёр бўлуб ағригча тушди. Аядаҳоқи ўлдурган қуввати ва шердек бадани заифу ожиз бўлди, икки шерни бир-бирига урган бадани чумоли судрагудек, заиф бўлди. Узаг ўзи айтур эрдикки: «Эй дарего, аядаҳоқонин ўлдурган қувватим қаён кетти ва ёлғуз ҳоқони Чиннинг лашқарини синдиргон шужоатим қаён кетти?»

Кўриниб турибдики, насрий матнда Навоий ифодалаган мазмун, тасвир тўла акс этмаган. Баҳром дардини китобхонга санъаткорона етказган шоирнинг шоҳ байтларидан аядаҳо, чумоли, шер,



Навоий  
гулшани

## НАСРИЙ

# «САБЪАИ

# САЙЁРА»

Чин лашқари каби бир неча ташбеҳгина қолган. Насрий матн муаллифи бунинг устига ўринсиз такрорий сўзлар ишлатиб, ўзидан иборалар қўшиб, жумланинг тиниқлигига ҳам путур етказган.

Насрий нусхада қаҳрамонлар психологияси ва лирик кечинишларни ифодоланч эпизодлар келтирилган мисолимизда қисқартирилиб берилган, айрим ҳолларда эса батамом қолдирилган. Лекин сюжет ривожини таъминловчи воқеалар, эпизодлар тасвири, кичик-кичик деталларга қадар сақланган. Бъзаан, ҳатто улар анчагина батафсил, чўзиқ тарзда ҳам баён этилади. Масалан, Баҳромнинг Дилором ишқига берилиб, мамлакат ва давлат ишдан гофил бўлгани, юрти харобага айлангани, шундан хабар топган, икки ўт орасида қийналгани куйидагича тасвирланган:

«Алқисса, подшоҳ мақсадиға етти, кеча-кундуз Дилоромға нағма қилдуруб ўлтурур эрди. Ҳар вақтеки Дилором чангини кўлиға олиб нағма қилса ҳамма эшитганлар беҳуш бўлур эрдилар... Гараз улки мулк подшоҳлик ёдидан чиқди, ҳар кунни Дилором билан бир мақом ва мажлисда май ичмак эрди, шикор қилмоқ эрди. Шаҳар халқи, ҳамма улуглар ўз бошича бўлуб, раияларига зулм, бедодлик қилишга тутти. Битикчилик қаламларини зулмга қарор этти. Ҳар тарафдин қароқчилар пайдо бўлди, имому муаззиннинг овози наст бўлди, бўриллар қўйларни, балки қўйчиларни еди ва золимлар бечора элга бўри чағондек зулм қила бошлади. Бир неча маҳрамларни подшоҳга хилватда арз қилдилар ва халойиқ орасидиға гуфту гўйни айдилар. Баҳром дуру дароз андешага тушипти, лекин ишқ илгида бечора бўлди. Ҳар чанд хоҳладики, ул ой юзлуқни ташлаб, раиятпарварлик қилғай, ҳаргиз бўлмади. Билдики, мулки ҳароб бўлиши, ҳамма халқи бечора бўлишидан. Кўнглида ҳаёл қилур эрдикки, нечук чора қилиб ўз ишига тағйир бергай. Подшоҳлик била ошиқлик, бу икки ишни бирда бирини тарк қилмоқ керак. Бу ишлар нихоят мушкул. Ошиқликни тарк қилмоқ — ҳайхот, ҳайхот! Яна ҳаёл қилур эрдикки, —агар подшоҳлик бўлса, мундоғ ой юзлук топилаур. «Бу ой юзлуқни топмоқликнинг сабаби подшоҳликнинг эрди, агар, подшоҳ бўлмасам, муни топмоқ маҳол эрди. Агар подшоҳу ошиқликни бирда қилай десам, музни шийша қилиб шамъ ёндурурман», деганга ўхшаш. Бу худ маҳол. Кўнгли мулкнинг хароблиғи борса гам андиша бирла ишқни тарк қилголи қасд қилур эрди. Алқисса, подшоҳ гам билан ишрат қилур май ичар эрди...»

Кўриниб турибдики, насрий нусхада ҳам изчилликка, далиллагча тўла риоя қилинган. Шу билан бирга насрий нусха муаллифи бу парчада ҳам, асарнинг бошқа жойларидагидек, Навоийнинг ишқ ва ошиқлик, мулк ва подшоҳлик, адолат

ва инсонпарварлик тўғрисидаги юксак гоъларини, саҳийлик, одамийлик, поклик, ростгўйлик, олижанобликка даъват этувчи фикрларини китобхонга етказа олган. Бу жиҳатдан мазкур вариант Фарбийнинг «Шоҳ Баҳром ва Дилором» дostonига қараганда «Сабъаи сайёра»га анча яқин бўлиб, ундан устун туради. (Фарбий асари ҳақида «Гулистон»нинг 1970 йил 12-сониде маълумот берган эдик.)

Дostonнинг сюжети ва композицияси ҳақида гап кетганда шуни айтиш керакки, насрий нусхада ҳам, Фарбий дostonида бўлганидек, Навоийнинг ҳамд-наътлари ва бошқа муқаддима, бағишлов боблари акс этмаган. Лекин китоб «Сабъаи сайёра» қандай бошланган бўлса, шундай бошланган:

Эй сифатинг демакда эл тили лол,  
Элга тил сандин ўлди, тилга мақоّل.

Шундан сўн Баҳромнинг отаси Яздиғурд, унинг золимлиги, ўғли Баҳромнинг адолатли, паҳлавон, тadbиркор саркарда бўлиб етишганлиги, отаси ўрнига тахтга чиққач, мулкни обод, халқини шод этганлиги баён қилинади. Баҳромнинг Яманда Нуъмон шоҳ қўлида тарбиялангани ҳам келтирилган. Бунда насрлаштирувчи Низомий асаридеги маълумотлардан ҳам фойдаланганга ўхшайди.

Баҳромнинг Монийни учратиби, Дилором хабарини топиши, уни келтириб ишрат, машаат билан банд бўлиши, овга чиқиб, қизни чўлга ташлаб келиши, ҳижрон азобиде қийналишлари, қасрлар қурдириши каби эпизодлар «Сабъаи сайёра»дан деярли фарқ қилмайди. Воқеалар силсиласи, изчиллики бузмаслик учун адиб эпизодларни бир-бири билан ўзвий боғлаб боради, ҳар бир деталга, ҳар бир тасвирга эътибор бериб, уларни воқеаларга едириб юборади. Воқеабандлигини кучайтириш, китобхонни чағилтмаслик мақсадида насрлаштирувчи бир қанча ўринларда ўзидан жумлалар киритади.

«Сабъаи сайёра»нинг насрлаштирилиб («Қиссаи ҳафт манзарай Баҳром») нашр этилиши ўз даври учун катта аҳамиятга эга бўлган. У улуғ Навоий гоъларини тарғиб қилишда, кенг халқ оммаси орасига ёйишда, асарларининг манъке, обрўсини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этган. Насрий «Сабъаи сайёра» айна вақтда Баҳром тўғрисидаги қиссанинг ўзбек адабиётида ишланилишида, бу сюжетнинг ривожиде янги босқич бўлиб хизмат қилган. Шу билан бирга, умуман, «Насри Ҳамсаи беназир» XX аср бошлари ўзбек прозасининг намунаси сифатида ҳам муҳим аҳамиятга моликдир.

Муслиҳиддин МУҲИДИНОВ

## Нодир саҳифалар

### ЎЗБЕК

### ШЕЪРИЯТИ

### ТАЪСИРИДА...

Ўзбек ва озарбайжон халқлари ўртасидаги маданий ҳамкорлик, адабий алоқалар қадим замонлардан бошланган. Бу адабий ҳамкорликнинг ривожига улуг мутафаккир Алишер Навоийнинг ижоди ва фаолияти алоҳида аҳамиятга эришган. Навоий буюк озарбайжон шоирлари Низомий, Насимий, Қосим Анворлар ижодини атрофлича ўқиб-ўрганган. «Мажолис ун-нафос» тазкирасида Мавлоно Зиёвий, Оллоҳий, Ҳулоқий каби бир қанча озарбайжон шоирларининг номларини ҳурмат билан тилга олган.

Навоий ҳаётлик чоғидаёқ унинг асарлари Озарбайжоннинг адабий доираларида севиб ўқилган. Улуг шоир ижоди XV аср Озарбайжон шоири Кишварий ижодига ҳам баърақали таъсир этган. Бу ҳақда

1960 йили Бокуда чоп этилган «Озарбайжон адабиёти тарихи» китобининг биринчи жилдида куйидагиларни ўқиймиз:

«Кишварий ижодиётига машҳур ўзбек шоири Алишер Навоий ҳам кучли таъсир кўрсатган. Шоир Навоийнинг ғазалларини таллаб, уларга эргашиб бадиний юксак асарлар ёзишга ҳаракат қилади. У Навоийнинг бир қанча ғазалларига таҳмин боғлаб, ҳатто Навоийнинг ўстози ҳисобланган ўзбек шоири Лутфийнинг ижоди билан ҳам яқиндан қизиқиб танишади. Кишварий Навоийни бир ғазалида хотирлаб, ёзади:

Навоий, ҳимматингдан Кишварий аҳли назар ўлди,  
Жаҳон мулкин тутар шеъри назир ўлса Навоийга.

Навоий ижодига қизиқиш шундан кейинги асрларда ҳам давом этди. Озарбайжоннинг Муҳаммад Фузулий, Говси Табризий, Қосим ога Солик, Мустафо ога Ориф, Ширваний каби бир қанча шоирлари ўзбек шеърияти таъсирида ижод этдилар.

Қуйида биз ҳурматли журналхонлар эътиборига озарбайжон шоири Кишварийнинг Навоий ғазалларига боғлаган муҳаммасларидан бирини ҳавола қиламиз. Бу муҳаммас Кишварийнинг Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўл ёзмалар фондида сақланаётган девонидан олинди.

Ҳ. МУҲАММАДХУЖАЕВ

#### КИШВАРИЙ

### Навоий ғазалига муҳаммас

Саҳни гулшан кўри кўҳна хокидони беш эмас,  
Ҳосили унунг баҳори ё ҳазони беш эмас,  
Хони гардундин насибунг нимни нони беш эмас,  
Даҳр судидини тамаъ узким, зиёни беш эмас,  
Умрни тўтқил ғаниматким, замони беш эмас.

Айшу роҳат бирла гашт боғу бўстон айламак,  
Дурлу-дурлу! дам-бадам оройиши хон айламак,  
Унудуб ўлмакин фикри тоғу айвон айламак,  
Уй бино айлаб ажабтур элни миҳмон айламак,  
Улки бу уй ичра беш кун миҳмони беш эмас.

Гар жамолнинг боғи бўлса боғ ризвони жамил,<sup>2</sup>  
Ё Хириртак бўлса жоминг дўлуб салсабил,  
Вар<sup>3</sup> Искандартак жаҳонни қатл қилсанг мил-мил,  
Қуй тавонлиг сўзин, ёд эт ажал хоринки, бил  
Пашшалар ниши қошинда нотаवони беш эмас.

Неча кун пирохани<sup>4</sup> гар олуволо<sup>5</sup> қилди гул,  
Кетти охир обрўйи, бошига қуюлди гул,  
Рўзгорунг ишвасина алданиб верма кўнгул,  
Эйки бўлмиш хильатинг зарбафт бори билким, ул  
Маъни аҳлини қулдурурга заъфарони беш эмас.

Эй тажаррулда<sup>6</sup> Масихоу фасоҳатда<sup>7</sup> налим,  
Салтанат ичра Сулаймону бил Луқмонтак ҳаким,  
Азминга иқбол тобиъ, базминга давлат надим,  
Меҳр тоғу чарх тахтинг бўлса гофил бўлмаким,  
Меҳр бемеҳру фалак номехрибони беш эмас.

Ҳокими деб халқини инжитма, бир тақрибким,  
Подшоҳлар хондау ожизлара то деб ким,  
Шоҳи одил бўлса дикмаз илгина осиб ким,  
Шоҳга иш эл фикрини қилмоқдур улким, зебким,  
Бир сурук қўйдур раоё ул шубони беш эмас.

Бо вужуди зухди тақво Кишварийо хирқа пўш,  
Ному номуси қўйиб бўлди гадойи майфуруш,  
Ул Масих анфос<sup>8</sup> дилбарни кўргач бода нўш,  
Гар Навоий истади оворалиг, эй аҳли хуш,  
Ғам еманг, девонан бехонумони беш эмас.

Изоҳлар: 1 Сўзлар Кишварий девонидагидек озарбайжонча шаклида берилди. 2 Жамил—чиройли, позанин. 3 Вар—ва агар. 4 Пирохан — кўйлак. 5 Олуволо — қизил, олча рангли. 6 Тажарруд — четланши, ҳамма нарсадан кечиб, ёлғизлик. 7 Фасоҳат — сўзнинг раволиги, услубнинг чиройлилиги. 8 Масих анфос — Исо нафасли, жон бағишлагувчи маъносига.



\*\*\*  
— Деворий газетани нега кассанинг рўпарасига осиб қўйдинглар?  
— Бошқа жойда ҳеч ким ўқимайди!

\*\*\*

Кимё дарсида ўқитувчи ўқувчидан сўради:  
— Қани, Эшматалиев, сен ўрин алмашиш реакцияси деганда нимани тушунасан?  
— Масалан, менинг дадам фермаларни текширишга бурсалар, ориқ қўйларинимизни семиз қўйларга алмаштириб келадилар!

### Кулоққа

### чалинган

### гаплар


— Ҳа, Каримали, китоб қўлтиқлаб олибсиз?  
— Мажлисга кетяпман.

\*\*\*

Ўқитувчининг дарсга харита, глобус кўтариб кираётганини кўрган бир ўқувчи болаларга деди:  
— Бугун яна мантабамизга комиссия келганга ўхшайди..

Маҳмуд ВАЛИХОНОВ

Э. РУЗИБОВЕВ чизган



— Техник, майнавозчилик қилма.



— Ойишкен мен Катюшамни жуда яхши кўраман.

НАЪМАТАХ

Ш унақа, оғайни, бу ичкилиги тушмагур бошимга не-не савдоларни солмади! Айтаверсам, хэх-хел..

Айниқса, охиргиси қизик бўлган. Бир кўнглининг чигилини ёзиб келайлик, деб уч кунгагина рухсат олдим у шахарга жўнадим. Меҳмонхонага борсам — жой йўқ. Навбатчи хотинга яландим, ёлвордим — бўлмади. Кейин мақтай бошладим. Қошу кўзини, қадди-қоматини, турки... Э, узр, хулқи-атворини мақтайвериб, жағим оғриб кетди. Аёл киши эмасми, «Бўлди, бўлди!» деди қазариб ва шартта қиванция ёзиб берди.

Дўппини қийшиқ кўйиб икки кунни ўтказдим. Учинчи кунни Соли тиртиқ деган ошнам учраб қолди. У ҳам мендай бир одамни ахтариб юрган экан. «Дардақашим» деб қучоқлашиб кетди. Қўлиқлашиб боққа кирдик. «Азим чинорлар омон бўлсин», деб отдик, «Гулчилар ўлмасин», деб отдик, «Биз ҳам шуларнинг қаторида юрaverайлик», деб отдик, «Мана шунақа тез-тез отиб турайлик» деб отдик..

Хуллас, «отиш» мuddати узайиброқ кетиб, меҳмонхонага одатдагидан кеч қайтдим. «Чаманинга дулзор-э, омон бўл, омон бўл!»ни хиргойи қилиб меҳмонхонага кирсам, навбатчи кампир «Жой йўқ», дейди-да! Мени келмаса керак, деб ўйлаган эмши. Жанжални бошлаб, энди авжига чиқмоқчи бўлиб турган эдим, кимдир тирсагимдан тутди. Қайрилиб қарасам қорсул чол. Чол мени хонасига бошлаб борди-да, бир тўшак, бир ёстиқ ва оқ чойшабни кўлмага тутқазди.

— Манг, ярим кечада шовчин солиб юрасизми?! — деди.. — Айвонгами ёки бошқа бирон жойгами солиб ёта қолинг. Бир кечага ҳақ нараса қилмайди. Хар эхтимолга қарши, кийим-бошинингиз очиб, менга бериб қўйинг.

Ечиниб ҳовлига чиқдим. Қанча ухлабман — билмайман. Бир маҳал чўчиб уйгонсам, кимдир қаравотиним ҳадеб силкитяпти. Ширин уйқуну бузган қилиги совуқ ким эканлигини билмоқчи бўлиб, уринман, уринман — ўзимни ўнглай олмаман. Шабада турибди шекилли, совқотибман. Қаравотим эса, тўхтовсиз тевраняпти. Бёзан кўтарилиб-кўтарилиб тушаман. «Ё парвардигори олам, — дейман ичимада, — бу нима қилганинг? Ер қимирляпти шекилли!» — Қалима келтирган бўлман.

Кўзимни очиб, ўрнимдан турмоқчи бўлдим. Бироқ, ҳарчанд уринман, туролмайман. Бир маҳал юқорига қарасам, дарахт шохлари «шув-шув» этиб, орқа томонга чопиб кетяпти. Юлдузлар эса шохдан шохга сакраб менга эргашиб боряпти. Е парвардигори олам, нима гап ўзи!

Жон ҳолатда уриниб, ўнг тирсагимга аранг таяндим. Энди ўрнимдан турмоқчи бўлган эдим, ғирсиллаб чалқанча йиқилдим. Е тавба, нима гап ўзи!

— Ди-ди-и!..  
Э, ха, бу машинанинг сигнали-ку. Ха, машина! Нега мен машинадаман? Машина мени қаёққа олиб кетяпти? Нега олиб кетяпти? Қа, қа, шахардан олиб кетяпти. Меҳмонхонадан олиб кетяпти. Кийим-бошим... Ҳмм, чолга топшириб ҳовлига чиққан эдим. Жойни... наҳотки, машинага солган бўлсам!

Қишлоқдагилар одатда шанба кунлари узоқ районлардан мева, сабзавот, қовун-тарвуз келтиришади. Уларни бозорга туширишади-да, ўзлари ўша мен наҳот толган бозор меҳмонхонасига келиб тунашади. Кечиккан шофёрлар ҳам шу ерга келишади. Машиналарини ҳовлига қўйиб, меҳмонхонада бир оз ухлаб олишади-да, сахарда районларга қайтиб кетишади. Буни мен билардим-ку! Била туриб, нега машина бортига чиқиб олдим? Э, мастлик ўлсин, мастлик!

Машина учиб боряпти. Етган жойимда зулкусиз чайқаламан, баъ-



### Ҳажвия

зан сакраб-сакраб тушаман. Жунжикиб, тўшака ўранмоқчи бўлман. Бироқ, машина бир силкинганда ҳамма ҳаракатларим чиплака чикади.

Энди нима қилдим-а? Машина мени қаёққа олиб кетяпти ўзи? Учқўрғонгами ёки Янгикўрғонгами? Ёки Понгами? Ёки Яланғоч ҳолда Қирғизистонга бориб турсам-а?. Ававал-бор, бу аҳволда бирон манзилга эсон-омон етиб олишим ҳам мушкул!

Шамол ғув-ғув уриб турибди, бадани тешаман дейди. Тишларим орасида «Хиҳ!» деб ҳаво сўраман. «Ха!» деб чиқараман. «Хи, ха!», бунинг орасига аксириқ ҳам суқулиб туради. «Ха, ха, ха, апшу! Ха, ха, ха, апшу! Хи, ха, хи, ха, апшу!»

Шофёрга айтмасам бўлмайди. Машина тўхтаса ё тушиб қоларман, ё кабинетига кириб оларман. Урина-уринга чойшабга ўрандим. Унинг бир томонини бошимга ўраб, икки бурчагини бир қилиб тишлаб олдим

Бортнинг тахталарига урила-сурила ўрнимдан турдим. Кабина томига тал-тал урдим. Елдай учиб кетаётган машина «ғийқ» этиб таққа тўхтади. Олдинга қалқиб, йиқилиб тушшимга сал қолди. Шофёр — интиқагина йигитна кабинадан отилиб чиқди. Фонарчасини ёқиб, юзимга турди. Мен бир нараса дейишга улгурмадим, «Йил!», дедию ўзини кабинага олди. Машина ҳалигидан ҳам тез учиб кетди. Боласи тушмагур нега бундай қилди — тушуна олмадим. Яна тақиллатдим, йўқ, машинанинг тезлиги ошса ошадими, қамаймайди! Ноилжо ўтирдим. Минг азобда тўшакни белимга ўраб олдим. Ха, майли, тасалли бераман ўзимга, тонгда яланғоч савҳат

қилиш пешнада бор эканда! Аммо қаерларни савҳат қиялман, охири манзилим қаер бўлади, буни бир худо билади, бир — шофёр бола.

Тақдирга тан бериб, қалтираб ўтирибман, ўтирибман, қани энди савҳатнинг чеки кўринса!..

Кечаси бўлгани учун йўллар бўм-бўш. Машина бурилишларда ҳам тезлигини пасайтирмайди. Дарахт шохлари шовуллаб ўтиб турибди. Шохлар орқасида қоп-қора осмон, осмон тўла юлдуз. Юлдузлар ҳам мен билан бирга кетяпти.

Юрдиқ, юрдиқ, ниҳоят, икки ёнда милт-милт қилиб электр лампочкалари кўрина бошлади — бирор қишлоққа кирдик чоғи. Ҳамма ёқ ён-ёрғу жойга келганда машина «ғийқ» этиб таққа тўхтади. Кабина эшиги шиддат билан очилди ва ундан шофёр бола отилиб чиқди: у ёқ-бу ёққа қарамай, кўчанинг чап томонига югурди.

Дам ўтай тап-тап оёқ товушлари эшитилди. Қарасам, бир милиционер чопиб келяпти. Милиционер ўн қадмачи нарида тўхтади. Тўппончадан осмонга қараб ўқ узди. «Кимсан!» деб бақирди. Индамадим. Лекин гапиршига менда мадор ҳам йўқ эди, оғзимда тилим ҳам айланмас эди. Дир-дир қалтирайман, тишларим такиллаяпти.

— Кимсан?! — деди милиционер яна. — Кимсан, деяпман сенга! Тур ўрингиндан! Тур!

Чойшабни ёпиниб, иккала бурчагини тишлаганм ҳолда аста ўрнимдан турдим.

Милиционер беихтиёр орқасига тисарилади.

— Сотволди ака! — дея қичқирди у ўнг томонга қайрилиб, — Хой, Сот-

волди ака! Чопинг, бу ёққа! Тез бўлинг, тез! — Милиционер тагин менга юзланди. — Қимирлама! — деди ва осмонга қараб яна ўқ узди. — Қимирладинг, отиласан!

Зум ўтай шоп муйловли бир милиционер етиб келди. У кўзларини уқалай-уқалай, ҳовлиқиб сўради: — Нима гап?

Ёш милиционер жавоб бера-бермас, елкасига милиқч оingan бир чол пайдо бўлди.

— Хўи, тинчликми? — деди чол. Ёш милиционер менга ишора қилди: — Анавини қаранглар!

Чол билан келса милиционер «ий-ега» ўхшаш товуш чиқариб, беихтиёр орқага чекиндилар.

— Кимсан? — деди Сотволди милиционер.

— Гўрдан чиққан мурда бу! — деди чол қаттиқ чинқириб. Ло ҳавло вало қуваата!..

— Бўлмаган гап! — деди ёш милиционер. — Мурда гўрдан чиқа олдимми?

— Бўлмасам арвоҳ ёки жин бу! — ваҳима қилди чол. Ло ҳавло!..

— Кимсан! — бақиршиди милиционерлар бараварига.

Ҳарчанд жавоб бераман дейман, «мен мурда ҳам, арвоҳ ҳам эмасман», — демоқчи бўлману айтолмайман, тилим қалимага келмайди. Саволларга жавобан устма-уст акса уранман, кекираман..

— Хой, инсон, жавоб берсанг-чи! — ҳуноби ошди ёш милиционернинг. — Бўлмаса, туш бу ёққа!

Машинанинг орқа томонига қараб аста юра бошладим.

— Сотволди ака! — деб қичқирди ёш милиционер. — Сиз чап биқинда туринг. Мен, Носир бува, ўнг биқинга ўтиг. Сен орқада тураман. Милтигингиз ўқлоглиқими, бува?

— Уқлоглиқ, лекин болам, — чол орқасига бир-икки қадам босди, — Мен, мен.. ло ҳавло вало қуваата!..

— Утинг, деяпман сизга! — қичқирди ёш милиционер. Лоҳавлонгиздан ўргилай!

Чол хуркиб-хуркиб машинанинг олд томонини айланиб, ўнг томонга ўтди. Милтигининг илмини менга қаратди. Орқа бортга етганимда, ёш милиционер:

— Қани, оёқни ошир! — деди. — Мана бу ерга қўй.

Ёш милиционер мен оёқ қўйишим лозим бўлган жойни кўрсатиб, ўзи орқага чекинди. Қалтирай-қалтирай оёғимни оширдим. Паипаслаб зинани толдим ва унга оёқ босдим. Ерга тушганимдан кейин ёш милиционер кўчанинг чап томонини кўрсатди.

— Қани, бу ёққа! — деди. — Сотволди ака, сиз олдига ўтиг. Носир бува, сиз мағзинингизга чопинг.

Орқамда милиционер, олдимда милиционер, қатор бўлиб милиция идорасига кириб бордик. Район милицияси экан. Мени чоғроқ хонага олиб кириб қўйишди. Тонг отгач, меҳмондўстликини қарангки, роса оқатлангиршиди, чой ичиришди. Кейин сўроққа тутишди..

Учинчи кун менга кула-кула жавоб беришди. Ҳагили милиционерлар меҳмондўст бўлишдан ташқари кўп яхши, кўп савоатли одамлар экан. Уст-бошимни ҳам бут қилиб беришди. Оёғимда жағи кўчган қишлоқ ботинка, бошимда совояни узлиб кетган эски шалпа, эгнимда елкасига ямоқ тушган чит қўйлақ, почаси тиззадан келадиган калта шим. Қўлтигимда чойшабга ўралган тўшак. Ох, ўшанда кўрсангиз эди менинг турки-тароватчинил!

Ха, айтмоқчи, шофёр боланинг тақдирини нима бўлди, демоқчисизда-а? Бола тушмагур ўшанда мени жин ёки мурда деб ўйлаб, шунақа кўрқибдики, лабларига учуқ сиғмай кетибди!..

Кўрдингизми, ичкиликинг касофатини! Шу-шу «Ичкиликинг бети курсин!» дейман.




А. ХОЛИҚОВ чизган.

Анвар МУҚИМОВ

# ҚИММАТБАҲО ТОШЛАР

Келажакда тоғлар, дарёлар, дентизлар тагида ва ер қатламларида қаттиқ ва суюқ ҳолатдаги маъданлар топилишига ишончим комил.

Абу Райхон БЕРУНИЙ



## КРОССВОРД

**Буйига:** 1. Геометрик шакл. 2. Идиш. 3. Қимматбаҳо металл. 4. Қуш. 5. Умуллаштирилган ахборот. 8. «Комде ва Мудан»нинг муаллифи. 9. Оҳангдош сўзлар атамаси. 10. Журнал. 13. «Иккинчи Аристотель». 14. Классик шoir. 16. Ҳазил. 18. Яқин киши. 20. Қадимий шаҳар. 22. Сўзлар мажмуаси. 23. Уй паррандаси. 24. Урта Осиёдаги электрстанция. 26. Европадаги давлат пойтахти. 28. Мажозий ибораларнинг бир тури. 29. Закавказьедаги кўл. 30. Фаргона водийсидаги канал. 31. Модда.

**Энига:** 5. Музика асарининг асосий аломати. 6. Спорт тури. 11. Геолог академик. 12. Кайковус асари. 15. Маънодош сўзлар. 17. Адабий жанр. 19. Машҳур газета. 21. Шахматдаги ҳолат. 22. Одил Ғубов ҳисоаси. 25. Осиёдаги мамлакат. 27. Туркистон комиссарларидан бири. 32. Қуш. 33. Республикадаги шаҳар. 34. Балиқ. 35. Ҳ. Олимжон асарининг қаҳрамони.

Тузувчи **Абдуазим АЛИМОВ**

### 1-СОНДА БОСИЛГАН ЧАЙНВОРД ЖАВОБИ

1. Брест. 2. Тошкент. 3. Талас. 4. Симанур. 5. Рустави. 6. Иртиш. 7. Шойна. 8. Архангельск. 9. Колгуев. 10. Вильнос. 11. Сухона. 12. Аягуз. 13. Завитинск. 14. Камчатка. 15. Алдан. 16. Норин. 17. Нюк. 18. Кекур. 19. Рослятино. 20. Одесса. 21. Аму. 22. Угра. 23. Азов. 24. Волга. 25. Армавир. 26. Райчихенск. 27. Киев. 28. Волгоград. 29. Дулгалах. 30. Хантов. 31. Вахш. 32. Шелехов. 33. Вайгач. 34. Чита. 35. Анабар. 36. Рига. 37. Ангара. 38. Андижон. 39. Николаевск. 40. Киров. 41. Воронеж. 42. Житковичи. 43. Ишим. 44. Москва. 45. Арарат.

### МУҚОВАЛАРДА

Биринчи бет: Қуролдош дўстлар — Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари С. Абдуллаев ва В. Карпов. (3-бетдаги «Буюк ишлар, буюк орзулар даври» мақоласини ўқинг.)

Г. ГРАФКИН фотоси

Иккинчи бет: Волгограддан она-Ватан ҳайкали.

Дм. БАЛЬТЕРМАНЦ фотоси

Тўртинчи бет: Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейи залларидан бирида.

А. КРАСИЛЬНИКОВ фотоси

Бош редактор — Асқад МУХТОР.

Редколлегия: Раҳим АҲМЕДОВ, Абдулла БОБОХОНОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Искандар ИКРОМОВ, Собир МУҲАМЕДОВ, Иброҳим МУМИНОВ, Уктам ОРИНПОВ, Эмиль РУЗИБОВ (бош расм), Ваҳоб РУЗИМАТОВ (бош редактор ўринбосари), Обид СОДИҚОВ, Олим ХУЖАЕВ, Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН.

«Гулистон» — общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Корректор Т. БАҲРОМОВ.

Техредактор М. ЕФИМОВА.

Адресимиз: Тошкент, 47. Карл Маркс кўчаси, 30-уй. Редакция телефонлари: Бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 33-35-90; илтимой-сиёсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат бўлими — 33-35-19; фан ва маданият бўлими — 33-35-19.

Босмаҳонага туширилди 12/1-72. Босинга рўхсат етилди 21/II-72. Қоғоз 70×108<sup>1</sup>/<sub>8</sub>, Ҳанми 4 босма тобқ. Р-09369. Вултурма 1660. Тиражи 182410. Ваҳсин 30 т. Нашр. В-3460.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг босмаҳонаси, Тошкент.

Қимматбаҳо тошлар жуда қадимдан одамларга маълум. Геродотнинг ёзишича, Урта Осиёнинг шимолий қисмида яшаган қабилалар мис ва темирдан фойдаланиш усулини ўша замонлардаёқ билганлар. Илак вилояти (Кониут)да IX—X асрларда анча машҳур маргимуш, кўрғошин ва мис конлари бўлган. Уша даврда қалай (Зирабулок), олтин (Зарафшон), мармар (Самарқанд), лаъл, феруза, ложувард, ёқут (Бадахшон, Хужакент, Исфара) конлари бўлганлиги ҳам тарихдан маълумдир.

Узоқ ўтмишдаги аждодларимиз олтин, мис, қумуш, металллардан ташқари темир, қалай, симоб, олтингуртдан ҳам фойдаланганлар. Қимматбаҳо тошларни тозалаб, кейинчалик ҳаёт учун зарур бўлган меҳнат қуролини ясаши ўрганганлар.

Ҳиндистон, Юнонистон ва Италиядаги тошлардан тараşланган ажойиб ёдгорликлар, Урта Осиёдаги (X—XV асрлардан қолган) тарихий обидалар ҳозир ҳам кишиларнинг эътиборини тортади. Бу обидаларда ранго-ранг қимматбаҳо тошлар маҳорат билан ишлатилган. Гўри Амир мақбарасида қабр устига қўйилган нефрит (кўкилтиртош ёки яшилтош) шу кунларда ҳам сайёҳларни ҳайратда қолдирмоқда. Қадимги замонларда ҳам Тошкент ва Самарқанд бозорларида феруза, лаъл каби зийнатбop тошлар сотилар эди. Аждодларимиз бу фойдали қазилмаларнинг хусусиятларини амалий йўл билан ўрганганлар. Қадимги конларнинг ўрни кўп жойларда ҳозирги пайтда ҳам сақланиб қолган. Қирғизистон, Чоққол-Қурама тоғлари, Олмалиқ, Олтинтопан ва бошқа жойлардаги конлар шулар жумласидандир.

Тарихий фактларга кўра, араб фанининг тараққий этишига ўша пайтларда Бағдод халифалигига қарам бўлган Урта Осиёдаги халқлардан чиққан олимлар жуда катта таъсир кўрсатганлар. XI аср бошларида гениал ўзбек олими Абу Райхон Беруний минерология соҳасида ҳам кўп иш қилган машҳур табиатушнос эди. У ўзининг «Қимматбаҳо тошлар» китобида маъданларнинг таърифини, эллидан ортиқ тошни кесми йўлларини ва уларнинг нархларига доир маълумотларни баён этган. Шу билан бирга у олтиннинг хоссалари ва олтин конларини батафсил ўрганган. Кейинги асрларда ҳам бинокорлик ва заргарликда ишлатиладиган тошларни текшириш ишлари олиб борилад. Совет даврида қимматбаҳо тошлардан фойдаланиш янада кенг ривож топди. Совет геологлари Урта Осиёда бинокорлик ва заргарлик ишларида ишлатиладиган маъданларнинг юздан ортигини аниқлашди. Бугунги кунда бизга минералларнинг 2400 тури маълум.

Энди айрим табиий тошларнинг кўриниши ва ишлатилиши ҳақида қисқача тўхтаб ўтайлик.

Ҳақиқитнош — киноварь, Урта Осиёда қадим замонлардан машҳур. Қизил, ялтiroқ. Эритиш усули билан бошқа маъданлардан ажратиб олинади.

Чақмоқтош — кварц. Бинафша рангида. Табиатда 200 хили учрайди. Улар кўпинча заргарликда ишлатилади.

Тузтош — флюорит. Табиатда ҳар хил рангда учрайди: оқ, нафармон, кўк, ҳатто қора бўлади. Урта Осиёда тузтошининг бир неча конлари бор. У металлларни осонроқ эритишга ёрдам беради. Бу минералдан маълакатимизда энг яхши оптик асбоблар яратилмоқда.

Олтингурт. Сарғимтир, кўпинча кристалл шаклида учрайди. Саноатнинг кўпгина тармоқлари учун зарур бўлган сульфат кислотаси, резина, гурт ва бўёқ ишлаб чиқаришда қўлланилади.

Феруза. Кўк, яшил, ҳаво ранг бўлади. Уни шарқ халқлари ҳар хил зеб-зийнатлар учун ишлатиб келганлар. Энг яхши феруза бир неча юз йиллар давомида қондан қазиб олинган эди. Ҳозир Урта Осиёда ўнларча феруза кони топилган.

Ложувард. Унинг ҳақида кўплаб афсоналар тўқилган. Улардан бирида шундай дейилади. Помир тоғларининг осмонўпар чўққилларида ҳаво ранг ажойиб бир тош бор эмиш. Бу тошни топшиша мўъссар бўлган киши зўр бахтга эришармиш. Ана шу афсона совет даврида ҳақиқатга айланди. Совет геологлари 1930 йили Помир тизма тоғ чўққилларида беш минг метр баяндаликда жойлашган ҳаво ранг ложувард конини топдилар.

Хуллас, ўлкамизда бошқа қазилмалар қаторида кўзни қамаштирадиган қимматбаҳо тош конлари жуда кўпдир.

С. ИБДУЛЛАЕВ,

геология ва минералогия фанлари кандидати, Урта Осиё Геология ва хом ашё илмий-текшириш институтининг директори

Муъованинг учинчи бетида сиз ЎзССР Геология министрлиги Минералогия музейининг қимматбаҳо тошлар коллекциясидаги баъзи намуналар билан танишасиз.

Чапда: Ўзбекистон конларидан олиннадиган қимматбаҳо тошлардан, асосан онинсдан ишланган соғға. Пастда: 1. Кулжиктош ва Олтинкўл конларидан чиқадиган симоб тош. 2. Кварцининг бинафша рангли бу хили аметист деб аталади. Унда, юқоридан: 1. Яшил, кўк, моъий тошларда учрайдиган феруза. 2. Фаргона водийсидаги Шўрсув олтингурти. 3. Бодом, Обираҳмат конларидан олиннадиган плавик шлагтифлюорит. 4. Эрон ложуварди — лазурит.

Г. ГРАФКИН фотолари





Баҳоси 30 тийин.

Индекс 75233.